

Б.Қурбонов

# Технология ва дизайн дарсларини ташкил этиш

ўқув қўлланма

Ўзбекистон Республикаси, олий ва ўрта махсус  
таълим вазирлиги  
Гулистон давлат университети  
Б.Курбонов

Технология ва дизайн дарсларини ташкил этиш

Технология таълими йўналиши талабалари учун  
ўқув қўлланма

Гулистон

## Б. Курбонов.

Мазкур ўқув қўлланмада олий ўқув юртлари “Технология таълими” йўналишларида ўтиладиган. “Технология ва дизайн” фани бўйича дарсларни ташкил этишга тавсиялар берилган.

Ушбу қўлланмада Ўзбекистонда ишлаб чиқариш турлари иқтисодий билимлар бериш: уларга менежмент, маркетинг, тадбиркорлик, ишбилармонлик, тежамкорлик, меҳнатни унумли ташкил этиш, ёғоч ва металлга ишлов бериш технологиялари ва ҳалқ хунармандчилиги тўғрисида маълумотлар мавжуд. Кўлланмани тайёрлашда хорижий адабиётлар мазмунидан фойдаланилди. Фандастури мазмуни тўлиқ қамраб олинган.

Кўлланма олий ўқув юрти технология таълими йўналиши талабалари, мактаб ўқитувчиларига мўлжалланган бўлиб, Гулистон давлат университети илмий Кенгаши 3.12.2019й. 4-баённомаси билан олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Мувоффиқлаштирувчи Кенгашининг 2020 йил “\_\_\_\_\_ - сонли баённомаси билан нашр этишга тавсия этилган.

Такризчилар: М.Мухлибоев – ГулДУ технологик таълим кафедраси доценти, п.ф.н кафедра мудири

К Эшқувватов – СВХТХМО ва КТМ п.ф.н. ўқитувчи

## **Кириш**

Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини ўз касбининг мохир устаси қилиб тарбиялаш, уларга Ўзбекистонда ишлаб чиқаришдаги янги техника ва технологиялар, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш омиллари ва истиқболлари, ишлаб чиқаришни тайёрлашга оид технологик хужжатлар, ёғоч ва металл турлари, хусусиятлари, уларга ишлов беришда режалаш ишлари, йўниш, арралаш, пардозлаш, уларга ишлов беришда ишлатиладиган қўл, электр ва механизациялаштирилган асбоб-ускуналар, дастгохлар, жихозлар, машина ва механизмлар элементлари, уларни турлари, технологик харита тузиш ва ундан фойдаланиш, уй рўзгор буюмлари кичик таъмирлаш ишлари, ишлаб чиқаришда ишчилар учун соғлом техник жараённи яратиш, ишчиларни йўриқномалар билан таништириш, уларнинг хуқук ва бурчлари, ишлаб чиқаришдаги санитария ва гигиена, техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши ва Ўзбекистон келажаги бўлган хар тамонлама баркамол шахси тайёрлашни ўргатиш.

Мазкур ўқув қўлланмада олий таълимда технология таълим йўналиши учун ушбу фандан дарсларни ташкил этиш йўллари тавсия этилди. Ушбу қўлланмада И.Каримов материалларидан ҳам фойдаланилди.

Қўлланма шу соҳадаги дастлабки ишлардан бири бўлганлиги учун айрим камчиликлардан холи эмас, шуни эътиборга олиб, ушбу қўлланма ҳақидаги фикрларингизни Гулистон давлат университети “Технологик таълим” кафедрасига юборишингизни илтимос қиласиз.

## **I. ФАН ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ**

### **1.1. Технология ва дизайн фанининг мақсад ва вазифалари.**

#### **Ўзбекистонда ишлаб чиқариш турлари.**

**Фанинг мақсади** – бўлажак технология фани ўқитувчиларини ўз касбининг моҳир устаси қилиб тарбиялаш, уларга ёғоч ва металлнинг хусусиятлари тўғрисида бошланғич билимларни, уларни режалаш, йўниш, арралаш, тешиш, пардозлаш ишлариқўл ва электр асбобларининг тузилиши, ишлаши, дастгоҳлар, электр ва механизациялаштирилган жиҳозлар, машиналар элементлари, янги техника ва илғор технология асослари, технологик хариталар, уларни тузиш ва фойдаланишни ҳамда мустақил Ўзбекистон келажаги бўлган ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашдан иборат.

**Фанинг вазифаси** – талабаларга ёғоч ва Металларни режалаш, йўниш, арралаш, тешиш, пардозлаш ишлари ва бу ишларни бажаришда ишлатиладиган қўл ва электр асбобларининг тузилишини, ишлашини, электр ва механизациялаштирилган жиҳозларни, машиналар элементларини, технологик хариталарни тузишни, дизайн талаблари даражасидаги рўзгорбоб ва харидоргир буюмларни тайёрлашни, электр билан ишловчи содда ускуна ва жиҳозлар тайёрлашни, уй ва хонадонларни таъмирлашда қўлланиладиган замонавий қурилиш материалларини; маҳсулот ишлаб чиқаришни назорат қилишни, ўлчаш ва таққослаш технологияларини, меҳнатни илмий ташкил этишини ўргатишдан иборат.

Инсонларнинг ўз эҳтиёжларини қондириш мақсадида иқтисодий неъматлар яратишжараёни **ишлаб чиқариш** деб юритилади. Иқтисодчилар иқтисодий неъматларни ишлаб чиқарувчи корхоналарни - **ишлаб чиқарувчилар**, уларни истеъмол қилувчиларни эса истеъмолчилар деб атайди. Ишлаб чиқарувчилар, одатда, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш соҳаларига бўлинади. Моддий соҳада моддий кўринишдаги маҳсулотлар, товарлар ишлаб чиқарилади. Моддий ишлаб чиқариш соҳасига саноатдаги завод ва фабрикаларни, қишлоқ хўжалигидаги фермер ва дехқон хўжаликларини мисол қилиб келтириш мумкин. Моддий ишлаб чиқариш соҳасига моддий бойликларни ишлаб чиқарадиган ёки истеъмолчиларга етказиб берадиган ҳамма тармоқлар киради. Саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилишда жамият учун зарур ишлаб чиқариш воситалари (машиналар, материаллар, иншоот ва х.) ҳамда истеъмол моллари (озиқ-овқат маҳсулотлари, кийимлар, пояфзал ва ҳоказолар) яратилади. Юк транспорти, ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича алоқа, савдо, умумий овқатланиш, моддий-техника таъминоти, тайёрлаш ва сотиш ҳам моддий ишлаб чиқариш соҳасига киради, чунки бўлар маҳсулотларни яратишда ёрдам беради ва уларнинг реализация қилинишини таъминлайди.

Халқ хўжалигининг ноишлаб чиқариш соҳасига аҳолига таълим бериш, тиббий хизмат кўрсатиш, маданий-маиший хизмат кўрсатиш, бошқариш, режалаштириш ва бошқа ижтимоий зарур вазифаларни амалга оширадиган тармоқлар киради. Бу соҳа кишиларининг меҳнат шароитини, турмушини яхшилаш халқнинг фаровонлигини юксалтиришга катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон саноати ишлаб чиқариши кўп тармоқли бўлган мураккаб соҳадир. У электр энергетикаси, ёқилғи, қора ва рангли Металлургия, кимё ва нефт кимёси, машинасозлик ва металлга ишлов бериш, қурилиш материаллари, тўқимачилик, тикувчилик ва бошқа шу каби тармоқлардан иборат, Бўлар саноатнинг **икки муҳим таркибий қисмини - оғир ва енгил саноатни** ташкил қиласди.

Оғир саноат табиий моддий бойликлар (минерал хомашё, нефт, тошкўмир, газ ва х.) ни қазиб олиш ва тайёрлаш ҳамда улардан турли хил буюмлар тайёрлаш учун уларни қайта ишлаш билан шуғулланади. Мамлакатимизда кон саноати ер бағридаги жуда бой рангли металл рудалар, тошкўмир, нефт, газ, қурилиш материаллари (оҳак, мармар, гранит, қум)ни қазиб олиш ва қайта ишлаш орқали халқ хўжалиги учун зарур маҳсулот ишлаб чиқариш билан шуғулланади.

Саноатнинг иккинчи муҳим таркибий қисми бўлган енгил саноат қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган етакчи тармоқ бўлиб, халқнинг газлама, кийим-кечак, пояфзалга бўлган эҳтиёжини қондиради. Мамлакатда етиштириладиган пахта, каноп, жун, тери ва х. маҳсулотларининг асосий қисми ана шу саноатда қайта ишланади. Бироқ, бу оғир ва енгил саноат бир-бирига боғлиқ бўлмасдан, мустақил ривожланади, деган гап эмас, албатта. Оғир саноат ишлаб чиқариш воситалари (турли-туман йигириш, тўқиши дастгоҳлари, тикиш машиналари ва х.) тайёрлаб, енгил саноатни тез суръатларда тараққий эттириш билан бирга ўзи ҳам ривожланади. Бундан ташқари енгил саноат оғир саноат учун хом ашё базаси бўлиб хизмат қиласди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқларини замонавий техника билан таъминлашни илғор машинасозлик базасисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки айнан машинасозликда илмий-техник ғоялар моддий жиҳатдан рўёбга чиқарилади, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги белгиловчи янги меҳнат қуроллари, машиналар яратилади. Бу соҳада ресурсларни тежайдиган принципиал янги технологияларга кенг миқёсда ўтиш, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини ошириш учун асос солинади.

Аҳоли учун маданий-маиший ва хўжаликка мўлжалланган хилма-хил товарларни тайёрлаш билан асосий маҳсулотлар чиқариш билан саноатнинг барча тармоқлари шуғулланади. Саноатни хом-ашё билан, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлайди. У

ўсимлиқшунослик (далачилик, сабзавотчилик, мевачилик, ем-хашак тайёрлаш ва х.) ҳамда чорвачилик (қора молчилик, қўйчилик, паррандачилик, балиқчилик ва х.)ни ўз ичига олади. Ишлаб чиқариш бинолари, иншоотлар, турар жойлар, йўллар, касалхоналар, мактаблар ва бошқа объектларни қуриш ҳамда реконструкция қилишдир.

Халқ хўжалиги ва аҳолининг хилма-хил юкларни ташиш эҳтиёжини узлуксиз ҳамда ўз вақтида таъминлайди. Жамиятнинг ишлаб чиқариш - хўжалик фаолиятида, аҳолининг маданий-майший эҳтиёжларини қондиришда муҳим ахамият касб этади. У ахборотларнинг узатилишини таъминлайди ва почта, телеграф, телефон, радио, телевиденияни ўз ичига олади.

Моддий ва маънавий неъматларни яратиш, хизматлар кўрсатиш инсон ҳёти, унинг яшаси ва камол топиши учун моддий асосдир. Шунинг учун ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз тақрорланиши ва уни ривожлантириш ҳар доим энг муҳим иқтисодий қонуният ва объектив заруриятдир.

Ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқаришнинг амалга ошиши, энг аввало, унинг рўй бериши учун бу жараёнда қатнашадиган омиллар бўлмоғи лозим. Иқтисодиётнинг тизими ва шаклидан қатъий назар ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишнинг ҳамма соҳалари учун умумий бўлган учта омил: ишчи кучи, меҳнат қуроллари ва меҳнат предметлари бўлиши шарт. **Ишчи кучи деб**, инсоннинг меҳнат қилишга бўлган ақлий ва жисмоний қобилиятларинингий индисига айтилади. Ишчи кучи меҳнат қобилиятига эга бўлган кишилар учун хосдир.

**Меҳнат қуроллари деб**, инсон унинг ёрдамида табиатга, меҳнат предметига таъсир қиласидиган воситаларга айтилади (машиналар, станоклар, тракторлар, қурилмалар, ускуналар ва б.). **Меҳнат предметлари эса** бевосита таъсир қиласидиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалардир (ер-сув, хомашё ва бошқа турли материаллар).

Меҳнат воситаларини меҳнат предметларига таъсир этиш хусусиятига кўра бир нечта катта гурухларга бўлиш мумкин. **Биринчи гурухга** машиналар, механизмлар, станоклар, ускуналар, турли хил аппаратлардан иборат меҳнат қуролларини киритиш мумкин. Уларнинг ёрдамида ишчи табиат ашёлари ва кучларига бевосита таъсир қиласидиган, яъни маҳсулот тайёрланадиган нарсалардир (ер-сув, хомашё ва бошқа турли материаллар).

**Иккинчи гурухга**-материалларни сақлаш учун мўлжалланган меҳнат воситалари (тизимлар, турли хил бочкалар, қувурлар, омборлар ва бошқалар) киритилади.

**Учинчи гурухга**-ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашмайдиган, лекин унга шарт-шароит яратиб берадиган меҳнат

воситалари киради. Лекин бу воситаларсиз ишлаб чиқариш жараёнининг амалга ошиши мумкин эмас ёки тўла ва самарали амалга ошмаслиги мумкин. Бўларга бинолар, йўллар ва бошқалар мисол бўла олади.

Маълумки, бирор маҳсулотни ишлаб чиқариш учун ресурслар керак бўлади. Ишлаб чиқаришга жалб қилинган ресурслар фақат манба, захира сифатида эмас, балки уни ҳаракатга келтирувчи, унга таъсир этувчи омил сифатида ҳам қаралади. Шу сабабли ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларни ишлаб чиқариш омиллари деб ҳам аталади. Ресурслар, одатда **табиий, капитал ва меҳнат ресурсларигабўлинади**.

Табиий ресурсларга-ҳаво, сув, қуёшдан келаётган иссиқлик ва ёргулик, ер майдони, ер ости ва ер усти бойликлари, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёси, хуллас одамлар эҳтиёжи учун зарур бўладиган табиатнинг барча неъматлари киради. **Капитал ресурслар** деб, инсон томонидан яратилган ва бошқа маҳсулот турларини яратишга жалб этиладиган ресурсларга айтилади. Иқтисодчилар уларни **ишлаб чиқариш воситалари**, деб ҳам аташади. Уларга бино ва иншоотлар, асбоб-ускуна ва машина-механизмлар, турли-туман дастгоҳлар ва жиҳозлар, хомашёлар ва бошқалар киради. Меҳнат ресурслари деганда, меҳнат қилишга лаёқатли кишилар, уларни билими, иш тажрибаси ва меҳнат маҳорати билан биргаликда тушунилади.

### **Мухокама учун саволлар:**

1. Ишлаб чиқариш нима?
2. Ишлаб чиқариш турлари неча хил бўлади?
3. Ишлаб чиқариш ресурсларига нималар киради?
4. Ишлаб чиқариш омилларига нималар киради?
5. Ишлаб чиқариш инсон ҳаётида қандай аҳамиятга эга?

## **1.2.Ишлаб чиқаришда янги техника ва илғор технологиялар..**

XXI-асрда қўлланиладиган техника қайси соҳаларга, тармоқларга ёки ишлаб чиқариш корхонасига тегишли бўлмасин, уларга компьютер элементлари киритилади. Ҳозирги замон техникасининг асосини машиналар ташкил этади. Улар қандай ишни бажаришига кўра бир-биридан фарқланади ва энергетика машиналари (турбина, ички ёниш двигатели, электродвигател, электрогенератор ва б.), ишчи машиналар, шу жумладан, технологик машиналар (станок, сеялка ва б.); транспорт машиналари (самолёт, автомобил, вертолёт, велосипед ва б.); ахборот машиналари (оддий арифмометрдан электрон-хисоблаш машиналаригача) деб аталади. Ҳозирги ишлаб чиқаришда ана шу машиналарнинг барча турларидан фойдаланилади.

Машина ўз вазифасини бажара олиши учун ишчи (ижрочи) органи бўлади. Унинг тузилиши машинанинг вазифасига ва ишлаш шароитига боғлиқдир. Масалан, вентиляторнинг ишчи органи - парраги, экскаваторнинг ишчи органи - ковш, автомобилнинг ишчи органи - ғилдираклари ҳисобланади. Машиналар ишчи органлари ёрдамида кўзланган фойдали ишларни бажаради. Машинанинг ишчи органини двигател ҳаракатга келтиради. Ҳаракат двигателдан ишчи органга маҳсус узатмалар (узатиш қурилмалари ёки механизмлар) орқали ўтади. Бунинг учун технологик ва транспорт машиналарида кўпроқ механик узатмалардан, яъни тасмали, занжирли, тишли, червякли, фрикцион узатмалардан фойдаланилади. Агар ҳаракатнинг узатилиши суюқлик ёки газлар иштирокида амалга ошса, бундай узатмалар **гидравлик** ёки **пневматик** узатмалар дейилади.

Одатда узатма механизм двигател ҳаракатлантирадиган кириш звеноси ва машинанинг ички органи ёки қурилма кўрсаткичига бириккан чиқиш звеносидан ташкил топади. Агар технологик машинанинг ишчи органи, айтайлик, станок суппорти илгарилама-қайтма ва айланма ҳаракат қиласа, механизм конструксияси ҳаракатнинг узатилиши ва тезликнинг ўзгаришини таъминлашдан ташқари двигател валининг айланма ҳаракатини суппортнинг илгарилама-қайтма ҳаракатига айлантириши ҳам керак.

Машинанинг ишини бошқариш лозим. Илгари машиналарни фақат инсон бошқарар эди. Ҳозир эса ишлаб чиқаришда бошқариш вазифасини бажарадиган автомат мосламалар тобора кенг қўлланмоқда. Улар олдиндан берилган дастур бўйича ишлайди, ишчи эса фақат ишлаб чиқаришнинг боришини назорат қиласи.

Вазифаси, конструксияси ва ўлчамлари ҳар хил бўлган барча машиналар битта умумий хусусиятга эга - улар фойдали ишни бажаради. Ишчи асбоблар каби техника воситалари ўзича ишни бажара олмаслиги билан машиналардан фарқланади. Асбоб инсоннинг меҳнат қуроли (масалан, нина, белкурак, отвёртка ва б.) ёки машиналарнинг ижрочи органлари (парма, фреза ва б.) сифатида хизмат қиласи. Ишчи асбоблардан ташқари ўлчаш асбоблари ҳам мавжуд.

Модданинг массасини, ҳароратни, босим ва бошқаларни ўлчаш қурилмалари ўлчанадиган катталиктининг турига кўра бир-биридан фарқланади. Ишлаш принципига кўра механиқ, электрик, гидравлик, оптик ва б. Шунингдек, комбинасиялашган (электромеханик) қурилмалар бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш шароитида кўпинча кузатувчининг кўзи илғамайдиган жараёнларнинг айрим параметрларини, масалан, печлардаги иссиқликни, атом реакторининг ҳолати ва бошқаларни ўлчаш зарурати туғилади. Бундай пайтларда қурилмаларнинг датчиклари (параметрларни ўлчагичлар) бевостта обьектда, қурилманинг индикатор операторнинг маҳсус пултида бўлади. Бу хилдаги қурилмаларни дистанцион қурилмалар дейилади.

Кўп қурилмалар ўлчанаётган катталикнинг ана шу ўлчаш пайтидаги қийматини кўрсатади. Бўларни кўрсатувчи қурилмалар деб аталади. Улар, масалан, амперметр, вольтметр, манометр, тарози ва б. Улар стрелкали ёки рақамли (электрон соатлар типида) бўлиши мумкин.

Кундалик турмушда кўрсатувчи қурилмалар жуда қулай бўлса, ишлаб чиқаришда қўпинча ўлчанаётган параметрнинг абсолют қийматидан ташқари, муайян вақт ичида унинг ўзгариш характеристини ҳам билиш зарур бўлиб қолади. Ана шундай ҳолларда регистрация қиладиган: ўзи ёзадиган ёки машинкали қурилмалардан фойдаланилади.

Юқорида айтилган барча техник қурилмалар машиналар, асбоблар, ускуналар ва қурилмалар ишлаб чиқаришни техникавий жиҳозлаш воситалари бўлиб, улар технологик жараённи амалга ошириш учун зарур. Янги технологиялар принципиал янги техникани тақозо этади ва бундай техникасиз технолог-олимларнинг ғоялари рўёбга чиқмайди.

Илмий билимлар юксак даражада ривожланиши билан ишлаб чиқаришнинг техник воситалари узлуксиз такомиллашади. Уларни амалиётга татбиқ этиш муддати анча тезлашади. XX-асрнинг биринчи чорагида бажарилган фундаментал илмий тадқиқотлар амалга оширилгунича тахминан 20 йил вақт ўтган бўлса, сўнгги йилларда ана шу вақт кўп ҳолларда 5-6 марта қисқарди. Техниканинг муваффақияти ўз навбатида илмий тадқиқотларнинг суръатини жадаллаштиради ва имкониятларини кенгайтиради. Фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро чамбарчас боғланиши фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим шартидир.

Ҳозирги техника учун олдиндан белгиланган хоссаларга эга бўлган хилма-хил материаллар керак. Бундай материаллар, масалан, жуда катта юк ёки иссиқлик ва совуқقا чидамли, муайян физик-кимёвий хоссаларга эга бўлиши (турли агрессив мухитга, ҳаддан ташқари юқори ёки паст электр ўтказувчанликка бардош бера олиши) лозим. Бунинг зарурлигини техника мураккаб шароитларида ишлатилганида юқори даражада мустаҳкамлиги ва ишлаш қобилиятини сақлаш кераклиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан космик кема фазода учайтганида босим ва тебраниш (вибрасия)га, ҳароратнинг кескин фарқланишига, қуёш радиасиясининг таъсири ва ҳоказоларга дуч келади. Демак, бундай аппаратлар учун ўта қаттиқ, иссиққа чидамли материаллар керак.

Аслида эса бундай материаллар табиатда йўқ. Турли кимёвий элементларни бирлаштириб олдиндан белгиланган хоссаларга эга бўлган янги материалларни ҳосил қилиш мумкин.

Янги материаллар фақат космосдагина зарур эмас. Саноат ва қишлоқ хўжалик техникасини ишлатиш шароити кўпинча ана шу техника тайёрланадиган материал бир неча хоссаларга эга бўлишини, масалан, ҳам тебранишга чидамли, ҳам юқори даражада мустаҳкам ва осон ишлов бериладиган бўлишини тақозо этади. Лекин янги материалларни яратиш зарурлиги фақат мураккаб эксплуатасия шароити билан боғлиқ эмас.

Ишлатиб келинаётган қотишмаларнинг айрим таркибий материаллари жуда қиммат, уларнинг табиий запаслари чеклангандир.

Синтетик материаллар моддаларнинг турлича бирикиши (композисияси)дан иборат бўлади. Албатта уларни айрим композитларнинг оддийгина аралаштирилиши деб тушунмаслик керак. **Композитларнинг фарқли хоссалари:** чидамлилиги, юқори даражада мустаҳкамлиги, иссиққа бардош бериши, коррозияланмаслигидир. Бундай материаллардан товушдан тез учадиган самолётларда, денгиз техникасида, қишлоқ хўжалигида, енгил саноат ва ҳоказоларда фойдаланилади.

Кейинги йилларда **композит** материалларни кўплаб ишлаб чиқаришга ва фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда. Янги материаллар яратишда уларга ишлов бериш имкониятлари ҳам ҳисобга олинади. Масалан, жуда қаттиқ қотишмалардан заготовкалар кесишида уларга нисбатан қаттиқроқ материалдан ясалган асбоблар бўлиши шарт.

Янги материаллар (пластмассалар, синтетик каучуклар, смолалар, сунъий олмос ва х.) туфайли янги технологиялар вужудга келади. Чунончи машинасозликда синтетик олмослардан фойдаланиш деталлар прокат қилинганидан сўнг токарлик ишларисиз силлиқлаш ёки иссиқлигича шлифовкалаш имконини беради. Фақат янги материаллар эмас, балки энергиянинг янги турлари ҳам янги технологиялар яратишга ёрдам беради. Бу жиҳатдан лазер, электрон-нур, плазма технологиялари алоҳида эътиборга лойикдир. Кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияларни кенг жорий қилиш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим йўналишидир. Кўп ҳолларда дастлабки материалнинг 70-80 фоизини чиқиндилар ташкил қиласди. Худди шу сабабли, хусусан машинасозликда Металларни қирқиш билан ишлаш ўрнига чиқиндисиз ва кам чиқиндилар технологик усулларни қўллаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мазкур усуллардан бири - деталларни металл порошокларидан тайёрлаш - порошокли Металлургия бўлиб, бу усул илгари минутлар, баъзан соатлар сарфланадиган деталлар тайёрлашни аниқ форма ва ўлчамлар билан секундларда бажариш имконини бераётир.

Ана шу усулда металл порошоги (ёки порошоклар аралашмаси) пўлат пресс-қолипга солинади ва катта босим билан прессланади. Шунда металл зарралари бир-бирига жипслашади, натижада геометрик параметрлари бўйича тайёр деталга мос заготовка ҳосил бўлади. Кейин заготовкани маҳсус печларда жуда юқори температурада қиздирилади (яхлитланади) - металл зарралари бирлашиб, жипс бир жинсли массага айланади. Ғоят мураккаб конфигурасияли детайл, тайёр бўлади.

Бу усул билан тайёрланадиган деталлар учун керакли асбоб-ускуналар айрим ҳолларда одатдаги Металл қирқиш станокларига қараганда соддароқ ва арzonроқ бўлади. Порошокли Металлургиядан иссиққа, коррозияга чидамли янги материаллар олишда ҳам фойдаланилади.

Бу эса янги технологиялар янги материаллар яратишга хизмат қилишининг бир мисолидир. Маълумки, Металларни босим билан ишлаш Металл қирқиши станокларида деталлар тайёрлашга нисбатан анча тежамлидир. Механик штамповка ўрнини аста-секин сув зарби, магнит майдони, портлатиш билан штамповкалаш эгалламоқда. Совуқ ва иссиқ ҳолда ҳажмли штамповкалаш, аниқ қўйиш, эриган суюқ материаллардан деталларни штамповкалаш ва ҳоказолар ҳам ниҳоятда тежамли технологиядир.

Сўнгги йилларда Металларни қирқиши тезлигини ошириш, кимёвий реаксияларни тезлаштириш ва ҳоказолар ҳисобига анъанавий технологик жараёнларни интенсивлаштиришдан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Кўп операцияларни бирлаштирадиган узлуксиз технологик жараёнларни қўллаш катта самара беради. Узлуксиз технология технологик операцияларни қўшиш орқали заготовкаларни, деталлар ва материалларни бир иш ўрнидан иккинчи иш ўрнига ташиш ҳақида бошқа қатор ёрдамчи операцияларни бартараф этади. Масалан, порошокли Металлургия усулида деталлар тайёрлашда қўпинча пресслаш ва қиздириш жараёнлари қўшилади: Металл порошоклари прессланади ва бир йўла қиздирилади. Замонавий ишлаб чиқаришга янги материалларни, илгор технологик жараёнларни жорий этиш, анъанавий технологик жараёнларни интенсивлаштириш халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлидир.

### **Мухокама учун саволлар**

1. Машиналар ишлаб чиқаришда ва турмушда қўлланиладиган техника ва воситалари бошқалардан нима билан фарқланади?
2. Машиналар вазифасига кўра қандай таснифланади?
3. Ҳозирги замон ишлаб чиқариш технологияси қандай йўналишлар бўйича такомиллашмоқда.
4. Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технология нима?
5. Мактаб устахонасида Металл ва ёғоч чиқиндиларини қандай қилиб камайтириш мумкин?

### **. 1.3.Фан техника тараққиётини жадаллаштириш омиллари ва истиқболлари.**

**1. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг асосий йўналишлари.** Замонавий фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллаш, ишлаб чиқаришнинг фан ютуқлари ва меҳнат кўп сарфланадиган тармоқларини жадал ривожлантириш керак. Машинасозлик, радиоэлектроника, асбобсозлик корхоналарини тубдан янгилаш ва янгиларини қуриш ҳамда чиқарилаётган маҳсулотларни янгилаш вазифаси бугунги кунда долзарб бўлиб турибди.

**Фан-техника тарақиётини жадаллаштириш** - давлатимиз иқтисодий сиёсатининг туб масаласидир. Барча илгор янгиликларни тез ва кенг миқёсда ўзлаштириш, ишлаб чиқариш кучларини сифат жиҳатдан янгилаш энг муҳим вазифадир. Шунга кўра ресурсларни фан-техника тарақиётининг барча соҳаларини комплекс автоматлаштиришни, ишлаб чиқариш технологияси ва янги материаллар тайёрлашни ривожлантириш кўзда тутилмоқда.

Янги технологиялар масалан, плазма, лазер, импулс, радиация, куёш энергиясидан фойдаланиш, нанотехнология ва бошқалар саноатда сезиларли ўрин олмокда. Улардан кўзланган мақсад меҳнат унумдорлигини анча ошириш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш, ишлаб чиқаришда энергия ва материал сарфсиз камайтиришдир. Қишлоқ хўжалигида, хусусан дехқончилик ва чорвачиликда ҳам индустрисал, интенсив технологияга ўтиш, биотехнология методларини кўллаш амалга оширилмоқда.

Хўжалик фаолиятининг турли соҳаларида аввало, асбоб-анжомларни, технологик жараёнларни лойиҳалаштиришда ҳамда бошқаришда автоматлаштирилган тизимларни жорий этиш лозим, керакли маҳсулотни тайёрлашга тез ва исрофгарчиликсиз мослашадиган комплекс-автоматлашган ишлаб чиқаришни барпо килиш мўлжалланмоқда. Юксак самарали техниканинг янги авлодларини яратиш ва жорий этишни жадаллаштириш, машиналар тизимларини ҳамда технологик асбоб-ускуналар комплексларини ишлаб чиқаришга ўтиш вазафаси кўйилмоқда.

Халқ хўжалигини компьютерлаштириш кенг тус олиб бораётгани сабабли ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларини янада мукаммал ҳисоблаш техникаси воситалари билан таъминлаш зарур. Бу тадбир иқтисод ва бошқаришнинг информасион-техник базасини тубдан қайта қуришни амалга ошириш имконини беради.

**Фан-техника терақиётининг йўналишларидан бири** - олдиндан белгиланган хоссаларга, айниқса, прогрессив конструксион хоссаларга эга бўлган, жумладан, синтетик, ўта тоза ва бошқа материаллар яратищдир. Уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш Металлар ва қотишмаларни, қиммат табиий материалларни тежаш имконини беради.

Энергияни тежашга, унинг янги манбаларидан фойдаланишга катта ахамият берилмоқда. Куёш энергияси, шамол энергияси ва бошқа муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенг ривожлантириш мамлакатимиз энергетика саноатини сифат жиҳатдан янги асосда қайта қуриш ва органик ёқилфининг ўта камёб турлари сарфланишини камайтириш имконини беради.

Юқори категориядаги сифатли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, техниканинг ишончлигини ошириш ва эксплуатация муддатларини узайтириш мўлжалланмоқда. Шу мақсадда сифатни бошқаришнинг комплекс тизими жорий этилмоқда. Фан-техниканинг истиқболли ютуқлари асосида деталлар, қисмлар ва

технологияларни тармоқлар ҳамда тармоқлараро унификациялаштириш амалга оширилмоқда.

Фан-техника тараққиётининг юқорида кўриб чиқилган ва бошқа барча турдаги йўналишларини муваффақиятли амалга ошириш фаннинг ишлаб чиқариш билан максимал даражада яқинлашувига, "Илмий-ишилб чиқиш - жорий этиш" жараёнининг тезлашувига ёрдам беради. Шунга кўра илмий-ишлиб чиқариш бирлашмаларининг тармоқлари ривожлантирилмоқда, тармоқлараро илмий-техник комплекслар, яъни фан билан ишлиб чиқаришни бирлашувининг принципиал янги шакли кенгайтирилмоқда.

Жамиятнинг ижтимоий ривожланиши, моддий ишлиб чиқариш соҳасининг ривожланиши ва мураккаблашиб бориши, фан-техника тараққиёти омили ролининг ошиб бориши номоддий неъматларга бўлган талабнинг қўпайишига олиб келди.

Фан-техника тараққиётини ривожлантиришда, қўп меҳнат ва илм-фан ютуқларидан фойдаланиш талаб қилинадиган замонавий янги ишлиб чиқаришларни ўзлаштиришда ташаббускор бўлиш, республикамизнинг келажак йўлини очиб бориши лозим. Шунинг учун биз танлаган бош йўл - республиканинг барча табиий бойликларини-пахта, Металлар, пилла, газ, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлашни қўпайтиришдан иборат ҳисобланади. Бу вазифани фан-техника ютуқларига асосланган сермеҳнат ишлиб чиқаришни, малакали мутахассис ва меҳнаткашларнинг барча табака вакиллари савиясининг ўсишини таъминламасдан бажарib бўлмайди. Бу эса ўз навбатида ишга ижодий, қизиқиши билан ёндашиш, кам сарфлаб энг юқори натижаларга ва маҳсулотнинг юксак сифатли бўлишига эришиш учун интилиш - олға томон ҳаракатнинг, халқ фаровонлигини ва мамлакатимиз қудратини оширишнинг гарови ҳисобланади.

**2.Янги материаллар ва замонавий технологиялар.** Ҳозирги техника учун олдиндан белгиланган хоссаларга эга бўлган хилма-хил материаллар керак. Бундай материаллар, масалан, жуда катта юқ ёки иссиқлик ва совуққа чидамли, муйян физик-кимёвий хоссаларга эга бўлиши (турли мұхитга, ҳаддан ташқари юқори ёки паст электр ўтказувчанликка дош бера олиши) лозим. Бунинг зарурлигини техника мураккаб шароитларида ишлатилганида юқори даражада мустаҳкамлиги ва ишлаш қобилиятини сақлаш кераклиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан, космик кема учайтганида босим ва вибрасияга, температуранинг кескин фарқланишига, қуёш радиасиясининг таъсири ва ҳоказоларга дуч келади. Демак, бундай аппаратлар учун ўта қаттиқ, иссиққа чидамли материаллар керак. Аслида эса бундай материаллар табиатда йўқ. Турли химиявий элементларни бирлаштириб олдиндан белгиланган хоссаларга эга бўлган янги материалларни ҳосил қилиш мумкин.

Янги материаллар факат космосдагина зарур эмас. Саноат ва қишлоқ хўжалик техникасини ишлатиш шароити кўпинча ана шу техника тайёрланадиган материал бир неча хоссаларга эга бўлишини, масалан, ҳам вибрасияга чидамли, ҳам юқори даражада мустаҳкам ва осон ишлов

бериладиган бўлишини тақозо этади. Лекин янги материаллар яратиш зарурлиги фақат мураккаб эксплуатация шароити билан боғлик эмас. Ишлатиб келинаётган қотишмаларнинг айрим таркибий материаллари жуда қиммат, уларнинг табиий запаслари чеклангандир.

Янги материаллар яратишида уларга ишлов бериш имкониятлари ҳам ҳисобга олинади. Масалан, жуда қаттиқ қотишмалардан заготовкалар кесишда уларга нисбатан қаттиқроқ материалдан ясалган асбоб-ускуна ва мосламалар бўлиши шарт.

Янги материаллар (пластмассалар, синтетик каучуклар, смолалар, сунъий олмос ва ҳоказолар) туфайли янги технологиялар вужудга келади. Чунончи машинасозликда синтетик олмослардан фойдаланиш деталлар прокат қилинганидан сўнг токарлик ишларисиз силлиқлаш ёки иссиқлигича шлифовкалаш имконини беради. Фақат янги материаллар эмас, балки энергиянинг янги турлари ҳам янги технологиялар яратишига ёрдам беради. Бу жихатдан лазер, электрон-нур, плазма технологиялари алоҳида эътиборга лойикдир.

Кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияларни кенг жорий қилиш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим йўналишидир. Кўп ҳолларда дастлабки материалнинг 70-80 фоизини чиқиндилар ташкил этади. Худди шу сабабли хусусан машинасозликда Металларни қирқиши билан ишлаш ўрнига чиқиндисиз ва кам чиқиндили технологик усуллами қўллаш ниҳоятда муҳим аҳмиятга эгадир. Бу эса енгил саноат ва тикувчилик ҳамда тўқимачиликда ҳам жуда муҳим омиллардан ҳисобланади.

Замонавий ишлаб чиқаришга янги материалларни, илғор технологик жараёнларни жорий этиш, анъанавий технологик жараёнларни интенсивлаштириш халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлидир.

### **Мухокама учун саволлар**

1. Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишларини айтинг.
2. Фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда таълимнинг ўрни қандай аҳмиятга эга?
3. Фан-техника тараққиёти жамиятимизни, унинг ҳар бир аъзоси ҳаётини такомиллаштиришга қандай таъсир кўрсатади?

## **1.4.Ишлаб чиқаришни тайёрлашга оид технологик хужжатлар**

Технологик хужжатларнинг рўйхати ва мазмуни технологик хужжатлар ягона системасининг давлат стандартлари билан белгиланади. Технологик хужжатларнинг асосий турлари - маршрут харитаси, операция картаси, эскизлар картаси, технологик инструкция, асбоб-ускуналар ведомостидир. Бўларнинг дастлабки иккитасидан ишлаб чиқаришнинг ҳаммасида, кейингиларидан эса кўпинча фақат доналаб ва кам серияли

ишлиб чиқаришда фойдаланилади. Маршрут карталарида чиқариладиган маҳсулотнинг характеристидан қатъий назар, материаллар, яримфабрикатлар ва заготовкалар тайёр маҳсулотга айлангунича босиб ўтадиган бутун йўл акс этади. Маршрут картада барча операциялар бўйича буюмлар тайёрлашнинг технологик жараёни тавсифи, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, қўлланадиган материаллар ҳақидаги маъумотлар, шунингдек, меъёрий характердаги айrim маъумотлар бўлади.

Операция карталарида ўтишлар бўйича ҳар бир алоҳида операциянинг бажарилиши маршрут карталаридағига қараганда батафсилроқ ифодаланади. Шунингдек, уларда асбоб-анжомларнинг, қўлланадиган контрол ўлчов асбоблари ва қурилмаларнинг рационал иш режими кўрсатилади.

Хўжатларда белгиланган иш тартибига, техникадан фойдаланиш қоидаларига, технология интизомига аниқ риоя қилиш технологик жараённи амалга оширишнинг мажбурий шартидир.

Технологик жараён одатда уч босқичдан: заготовкаларни олиш, тайёр деталларни ясаш ва буюмларни йиғишдан иборатdir. Ана шу тайёрлов, шакл бериш ва йиғиш босқичлари халқ хўжалигининг кўп тармоқларига доир корхоналардаги технологик жараёнларда ўз ўрнига эга. Масалан, машинасозлик корхонасидаги технологик жараённинг қандай ўтишини кўрайлик.

Тайёрлов босқичи тайёрлов (қуйиш, штамповкалаш) цехларда амалга ошади. Уларда дастлабки материаллар ва хом ашёлардан бўлажак деталларнинг заготовкалари олинади. Корхонада хом ашёнинг сарфланиши мазкур цехлардаги ишчилар (куювчилар, моделчилар, қолипчилар, прессловчилар, штамповкачилар) меҳнатининг сифатига ва тайёрлов ишлиб чиқаришининг техник жиҳозланишига кўпроқ боғлиқдир. Заготовка қанчалик аниқ ясалса, Металлга ишлов беришда у шунчалик кам исроф қилинади, ишлиб чиқариш шунча тежамли бўлади.

Деталларга шакл бериш босқичи механика цехларида ўтади. Олинган заготовкаларга турли асбоб-ускуналардан фойдаланиб ҳар хил станокларда ишлов берилади. Бу ишни ҳар хил касбдаги ишчилар: токарлар, фрезерчилар, слесарлар, пардозловчи ва бошқалар бажаради. Тайёрланган деталларга тегишли цехларда техник талабларга мувофиқ техник, кимёвий ёки бошқача ишлов берилади. Бу эса уларнинг чидамлилиги ва мустаҳкамлигини оширади. Айrim деталларни ташки муҳит таъсиридан сақлаш учун уларнинг сиртига турли қопламалар суртилади. Деталлар ишлов бериш цехларидан йиғув цехига келади.

Йиғиш босқичини икки поғонага: тайёрланадиган буюмнинг таркибий қисми шаклланадиган асосий йиғиш ва буюмни умумий йиғиш поғоналарига бўлиш мумкин. Масалан, автомобил заводининг бир цехида двигател, иккинчи цехида бўлажак буюмнинг кузови йиғилади, бу асосий йиғиш бўлади, умумий (сўнгги) йиғиш бош конвойерда боради: бунда йиғиш бирликлари ва деталлардан автомобил ҳосил бўлади. Бу жараён маҳсулот тайёрлашдаги технологик жараён бўлиб, бу жараёндан олдин

корхонанинг конструкторлик, технологик ва ташкилий-ишлаб чиқариш тайёргарлигидан иборат янги буюмни саноат кўламида ўзлаштириш орқали амалга ошади.

Конструкторлик тайёргарлиги берилган топшириқни техник иқтисодий асослаш ва буюмга қўйиладиган техник талаблар ифодаланган дастлабки ҳужжатни ишлаб чиқишдан бошланади. Охирги натижа ишчи ҳужжат, яъни ишчи чизмалар бўлиб, уларда буюмларни тайёрлаш ва контрол қилиш учун зарур: йиғиш чизмалари, деталларнинг чизмалари, уларнинг тафсилотлари ва ҳоказолар ифодаланади. Ана шу ҳужжатлар асосида корхонанинг технологик тайёргарлиги амалга ошади. Бу тайёргарлик маҳсулот тайёрлашнинг технологик жараёнларини ишлаб чиқаришдан иборат бўлиб, у технологик ҳужжатларда: маршрут, операция карталари ва ҳоказоларда ўз аксини топади. Ишлаб чиқаришнинг технологик тайёргарлиги ягона системасига, яъни халқ хўжалигининг исталган тармоғига мансуб ҳар бир корхона риоя этадиган стандартларга мувофиқ амалга оширилади.

Технологик жараёнларни лойиҳалашда бир томондан буюмга қўйиладиган техник талаблар, иккинчи томондан ишлаб чиқаришнинг имкониятлари, унинг зарур станоклар, инструментлар ва ишчи кадрлар билан таъминланганлиги ҳисобга олинади.

Корхонанинг ташкилий ишлаб чиқариш тайёргарлиги унинг технологик тайёргарлигига чамбарчас боғлиқдир. У цехлар ва участкаларнинг тўғри ташкил этилишидан, таъминот, жиҳозларни жойлаштириш, буюмнинг тажриба намуналарини тайёрлаш масалаларини аниқлашдан иборатдир. Кўпинча маҳсулотни саноат кўламида ўзлаштиришни тезлаштириш учун ишлаб чиқаришнинг баъзи тайёргарлик босқичлари бирлаштирилади.

Технологик ҳужжатлар ягона тизими давлат стандартлари билан белгиланади. "Стандарт" лотинча сўз бўлиб, ўзбекчада андоза, меъёр каби маънони билдиради. Стандартлаш - муайян соҳадаги фаолиятни тартибга солиш мақсадида қоидалар белгилаш ва уларни кўллашдан иборат. Стандартлаш обьектлари — аниқ маҳсулот, меъёрлар, усуллар, атамалар ва ҳ.к. Тикувчилик саноатида синааб кўриш, маҳсулот сифатини назорат қилиш, ўраб жойлаш, тамғалаш ва сақлаш усуллари, тикиш технологияси ва ҳ.к. стандартлаштириш обьектлари бўлиши мумкин. Стандартлаш тизимининг асосий вазифалари тайёр маҳсулотнинг, хом ашё ва материалларнинг сифатига қўйиладиган талабларни белгилаш, маҳсулот сифати қўрсакичлари ягона тизимини, бу тизимни синааб кўриш усул ва воситаларини белгилаш, бир хиллаштириш усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, мамлакатда ўлчаш ишларининг бир хилда бўлишини ва тўғрилигини таъминлаш, ҳужжатлар ягона тизимини ўрнатиш ва ҳ.к. ҳисобланади. Стандартлашдан асосий мақсад - техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатининг оптималь даражасини ва бошқа мамлакатлар билан экспортни кенг ривожлантириш ва маданий ҳамкорлик учун шароитни таъминлаш ва ҳ.

Стандартлаш давлат тизими барча тоифадаги стандартларни ва бошқа меъёрий-техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, тасдиқлаш, нашр этиш ва жорий қилишнинг ягона тартибини, шунингдек, стандартлар ва техник шартлар жорий этилиши ва уларга риоя қилиш устидан давлат назорат ва идора назорати тартибини ўрнатади. Стандартлаш ва ўлчаш ишларига мамлакатда Давлат стандартлар комитети бевосита ёки ўзи ташкил этган органлар ва хизматлар орқали раҳбарлик қилади.

**Стандартлар тавсифи.** Стандартлаштириш давлат тизими учта стандарт тоифасидан иборат: ҳалқаро стандартлар, Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлари, соҳа ва корхона стандартлари. Стандартларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотга нисбатан қўйиладиган талаблар белгилаб қўйилган бўлади. Давлат стандартларида бу талаблар мустаҳкамланган бўлиб, улар истеъмолчиларга сифатли маҳсулотларни етказиб беришни кафолатлайди ва айни вактда корхоналарга ўз ихтиёридаги ҳамма воситалардан фойдаланиб, бу сифатни муентазам яхшилаб бориш имконини беради. Стандартга риоя қилинмаса қонун олдида жавоб берилади. Давлат стандарт ҳуқуқий ва техник меъёр ҳисобланади: ҳуқуқийлиги шундаки, унда стандартга мос бўлмаган маҳсулот етказиб берилгани учун корхоналарнинг мулкий жавобгарлиги кўзда тутилган бўлади; техникилиги эса шундаки, унда маҳсулот сифатига давлат қўйган талаблар кўрсатилган бўлади. Стандартларда назарда тутилган кўрсаткичлар маҳсулот сифатнинг энг паст чегараси бўлиб, сифати бундан паст бўлган маҳсулот сифатсиз ҳисобланади.

Давлат стандартларини Республикаиздаги ҳамма корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар қўллаши шарт. Соҳа стандартларини қўллаш мазкур соҳадаги ҳамма корхоналар ва ташкилотлар учун, шунингдек, шу соҳа маҳсулотини ишлатувчи (истеъмол қилувчи) бошқа соҳалардаги (буортмачи) корхоналар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Корхона стандартлари муайян корхона учунгина мажбурийдир.

**Стандартларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва жорий этиш.** Давлат стандарти -. жуда кўплаб олим, муҳандис, техник ходимлар, ишлаб чиқаришдаги янгилик изловчи жамоаларнинг меҳнатидир. Давлат стандартларини Ўзбекистон Республикаси стандартлар қўмитаси тасдиқлайди. Соҳа стандартларини шу соҳа вазирликлари ва маҳкамалари тегишли маҳсулот турига мўлжаллаб тасдиқлайди. Корхона стандартларини тегишли корхона раҳбарлари тасдиқлайди. Қабул қилинган ва тасдиқланган стандарт давлат қонунига айланади, юқори сифатли маҳсулот эталони бўлиб қолади. Стандартларни жорий қилиш белгиланган муддатларда бўлиши керак.

**Стандартларни жорий этиш ва уларга риоя қилиш назорати.** Стандартлар техник интизомига риоя қилишни давлат назорати ва соҳа назорати кузатиб боради. Стандартга мос келмайдиган маҳсулот ишлаб чиқарилса, давлат назорати ва соҳа назорати уни ишлаб чиқаришни ва сотишни ман этиб қўйиши мумкин. Тартиб бузарларга нисбатан тақиқ

чоралари кўришдан ташқари давлат назорати ва соҳа назорати стандартлар жорий қилишда, улардан четга чиқмасликда, маҳсулот сифатини яхшилашда корхоналарга ёрдам беради.

### **Муҳакома учун саволлар:**

1. Ишлаб чиқаришни тайёрлашга оид хужжатлар тўпламига нималар киради?
2. Технологик хужжатларни ягона тизими қандай хужжат билан белгиланади?
3. Стандартлар нима ва унинг асосий мақсади?

## **1.5. Янги техника ва илғор технология, унинг ифодаланиши – дарс лойихаси.**

### **Дарснинг мақсади:**

а) *таълимий*- ўқувчиларга янги техника ва илғор технология ва унинг ифодаланиши ҳақида тушунча бериш;

б) *тарбиявий* - ўқувчиларда ишлаб чиқариш соҳаларидағи касблафга нисбатан қизиқиш уйғотиш, уларда янгиликка интилиш ҳиссини тарбиялаш;

в) ривожлантирувчи - ўқувчиларнинг янги техника ва илғор технология ҳақидаги билимларини ривожлантириш;

г) ижодий – ўқувчиларга янги техника ва илғор технологиялар ҳақидаги билимларини мустақил эгаллашларига кумаклашиш;

д) амалий – бирорта буюмга қараб нусхасини мустақил тайёрлашга ўргатиш.

**Касбга йўналтирувчи мақсад:** ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш соҳаларида янгиликларни қўллашга оид билимларини кенгайтириш орқали уларни шу касбларга бўлган қизиқишларини мутаҳкамлаш, бирор касбни танлашларига кўмаклашиш.

### **Дарснинг вазифалари:**

- янги техника ва илғор технология ҳақида тушунча бериш;
- ишлаб чиқариш соҳаларида техника ва илғор технологиянинг афзalликлари ва қийинчиликлари ҳақида маълумот бериш.
- ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланиши бевосита янги техника ва илғор технологияларни жорий етиш билан боғликлигини тушунтириш.

**Дарс типи:** Янги билимлар бериш.

**Дарс тури:** назарий.

**Дарсда қўлланиладиган ўқитиш методлари:** маъруза, сухбат, тушунтириш.

**Фанлараро боғланиш:** техника, технология, математика, информатика, физика, иқтисодий билим асослари ва б.

**Дарс жиҳози:** тарқатма материаллар, компьютер, проектор, экран, ишлаб чиқариш соҳаларига оид слайдлар, кўргазмалар ва х.

**Дарснинг бориши:**

## **I. Ташкилий қисм.**

### **II. Ўтилган дарсни сўраш ва баҳолаш:**

1. Технология деб нимага айтилади?

2. Технологик жараён нима?

3. Технологик жараён билан технологик усулларнинг умумийлиги нимада?

### **III. Янги мавзуни баён қилиш.**

Режа:

1. Ҳозирги замон техникаси.

2. Илгор технология.

XXI асрда қўлланиладиган техника қайси соҳаларга, тармоқларга ёки ишлаб чиқариш корхонасига тегишли бўлмасин, уларда компьютер элементлари киритилади. Ҳозирги замон техникасининг асосини машиналар ташкил этади. Улар қандай ишни бажаришига кўра бирбиридан фарқланади ва энергетика машиналари (турбина, ички ёниш двигатели, электродвигател, электрогенератор ва б.), ишчи машиналар, шу жумладан, технологик машиналар (станок, сеялка ва б.); транспорт машиналари (самолёт, автомобилт, вертолёт, велосипед ва б.); ахборот машиналари (оддий арифметрдан электрон-ҳисоблаш машиналаригача) деб аталади. Ҳозирги ишлаб чиқаришда ана шу машиналаринг барча турларидан фойдаланилади.

Машина ўз вазифасини бажара олиши учун ишчи (ижрочи) органи бўлади. Унинг тузилиши машинанинг вазифасига ва ишлаш шароитига боғлиқдир. Масалан, вентиляторнинг ишчи органи - парраги, экскаваторнинг ишчи органи - ковш, автомобилнинг ишчи органи - фидираклари ҳисобланади. Машиналар ишчи органлари ёрдамида кўзланган фойдали ишларни бажаради. Машининг ишчи органини двигател ҳаракатга келтиради. Ҳаракат двигателдан ишчи органга махсус узатмалар (узатиш қурилмалари ёки механизмлар) орқали ўтади. Бунинг учун технологик ва транспорт машиналарида кўпроқ механик узатмалардан, яъни тасмали, занжирли, тишли, червякли, фрикцион узатмалардан фойдаланилади. Агар ҳаракатнинг узатилиши суюқлик ёки газлар иштирокида амалга ошса, бундай узатмалар гидравлик ёки пневматик узатмалар дейилади.

Одатда узатма механизм двигател ҳаракатлантирадиган кириш звеноси ва машинанинг ички органи ёки қурилма кўрсаткичига бириккан чиқиш звеносидан ташкил топади. Агар технологик машинанинг ишчи органи, айтайлик, станок суппорти илгарма-қайтма ва айланма ҳаракат қиласа, механизм конструксияси ҳаракатнинг узатилиши ва тезликнинг ўзгаришини таъминлашдан ташқари двигател валининг айланма ҳаракатини суппортнинг илгарама-қайтма ҳаракатига айлантириши ҳам керак.

Машинанинг ишини бошқариш лозим. Илгари машиналарни фақат инсон бошқарар эди. Ҳозир эса ишлаб чиқаришда бошқариш вазифасини бажарадиган автомат мосламалар тобора кенг қўлланмоқда. Улар олдиндан

берилган дастур бўйича ишлайди, ишчи эса фақат ишлаб чиқаришнинг боришини назорат қиласди.

Вазифаси, конструксияси ва ўлчамлари ҳар хил бўлган барча машиналар битта умумий хусусиятга эга - улар фойдали ишни бажаради. Ишчи асбоблар каби техника воситалари ўзича ишни бажара олмаслиги билан машиналардан фарқланади. Асбоб инсоннинг меҳнат қуроли (масалан, нина, белкурак, отвёртка ва б.) ёки машиналаринг ижрочи органлари (парма, фреза ва б.) сифатида хизмат қиласди. Ишчи асбоблардан ташқари ўлчаш асбоблари ҳам мавжуд бўлиб, сиз улар билан маҳсулот сифатини назорат қилиш масаласини ўрганишда танишдингиз.

Кўпчилигингиз пармалаш станокларида ишлашда кондуктор деб аталадиган техник мосламани учратган. Бу мослама олдин режаламасдан деталнинг керакли жойида тешик пармалаш имконини беради. Деталнинг ҳар бир тури учун маҳсус ишлаб чиқилган ва тайёрланган кондуктор бўлиши керак. Ана шу мосламалар, маҳсус асбоблар ва бошқа асбоблар пармалаш станогининг ускуналари ҳисобланади. Ускуна деганда, технологик жиҳозларни тўл дирадиган ва технологик жараённинг муайян қисмини мустаҳкамлаш, заготовка ҳамда деталларни узатиш ва назорат қилишни бажариш учун керакли техник мосламаларнинг ҳаммаси тушунилади. Ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай тармоғида қўлланадиган техника воситаларининг катта группасини назорат-ўлчов қурилмалари ташкил қиласди. Улар қатор белгилари: вазифаси, ишлаш принципи ва ҳоказолари бўйича таснифланади.

Модданинг массасини, ҳароратни, босим ва бошқаларни ўлчаш қурилмалари ўлчанадиган катталиктининг турига кўра бир-биридан фарқланади. Ишлаш принципига кўра механик, электрик, гидравлик, оптик ва б. Шунингдек, комбинациялашган (электромеханик) қурилмалар бўлши мумкин.

Ишлаб чиқариш шароитида кўпинча кузатувчининг кўзи илғамайдиган жараёнларнинг айrim параметрларини, масалан, печлардаги иссиқликни, атом реакторининг ҳолати ва бошқаларни ўлчаш зарурати туғилади. Бундай пайтларда қурилмаларнинг датчиклари (параметрларни ўлчагичлар) бевостта обьектда, қурилманинг индикатори (ўлчанаётган катталиктининг кўрсаткичи) операторнинг маҳсус пултида бўлади. Бу хилдаги қурилмаларни дистансион қурилмалар дейилади.

Кўп қурилмалар ўлчанаётган катталиктининг ана шу ўлчаш пайтидаги қийматини кўрсатади. Бўларни кўрсатувчи қурилмалар деб аталади. Улар, масалан, амперметр, волтметр, манометр, тарози ва б. Улар стрелкали ёки рақамли (электрон соатлар типида) бўлиши мумкин.

Кундалик турмушда кўрсатувчи қурилмалар жуда қулай бўлса, ишлаб чиқаришда кўпинча ўлчанаётган параметрнинг абсолют қийматидан ташқари, муайян вақт ичидаги унинг ўзгариш характеристини ҳам билиш зарур бўлиб қолади. Ана шундай ҳолларда регистрация қиласдиган: ўзи ёзадиган ёки машинкали қурилмалардан фойдаланилади.

Юқорида айтилган барча техник қурилмалар машиналар, асбоблар, ускуналар ва қурилмалар ишлаб чиқаришни техникавий жиҳозлаш воситалари бўлиб, улар технологик жараённи амалга ошириш учун зарур. Янги технологиялар принципиал янги техникани тақозо этади ва бундай техникасиз технолог-олимларнинг ғоялари рўёбга чиқмайди.

Илмий билимлар юксак даражада ривожланиши билан ишлаб чиқаришнинг техник воситалари узлуксиз такомиллашади. Уларни амалиётга татбиқ этиш муддати анча тезлашади. XX-асрнинг биринчи чорагида бажарилган фундаментал илмий тадқиқотлар амалга оширилгунича тахминан 20 йил вақт ўтган бўлса, сўнгти йилларда ана шу вақт қўп ҳолларда 5-6 марта қисқарди. Техниканинг муваффақияти ўз навбатида илмий тадқиқотларнинг суръатини жадаллаштиради ва имкониятларини кенгайтиради. Фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро чамбарчас боғланиши фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим шартидир. Ҳозирги техника учун олдиндан белгиланган хоссаларга эга бўлган хилма-хил материаллар керак. Бундай материаллар, масалан, жуда катта юк ёки иссиқлик ва совукқа чидамли, муайян физик-кимёвий хоссаларга эга бўлиши (турли агрессив муҳитга, ҳаддан ташқари юқори ёки паст электр ўтказувчанликка дош бера олиши) лозим. Бунинг зарурлигини техника мураккаб шароитларида ишлатилганида юқори даражада мустаҳкамлиги ва ишлаш қобилиятини сақлаш кераклиги билан изоҳлаш мумкин. Масалан космик кема фазода учётганида босим ва тебраниш (вибрасия)га, ҳароратнинг кескин фарқланишига, Күёш радиациясининг таъсири ва ҳоказоларга дуч келади. Демак, бундай аппаратлар учун ўта қаттиқ, иссиққа чидамли материаллар керак. Аслида эса бундай материаллар табиатда йўқ. Турли кимёвий элементларни бирлаштириб олдиндан белгиланган хоссаларга эга бўлган янги материалларни ҳосил қилиш мумкин.

Янги материаллар фақат космосдагина зарур эмас. Саноат ва қишлоқ хўжалик техникасини ишлатиш шароити кўпинча ана шу техника тайёрланадиган материал бир неча хоссаларга эга бўлишини, масалан, ҳам тебранишга чидамли, ҳам юқори даражада мустаҳкам ва осон ишлов бериладиган бўлишини тақозо этади. Лекин янги материалларни яратиш зарурлиги фақат мураккаб эксплуатация шароити билан боғлиқ эмас. Ишлатиб келинаётган қотишмаларнинг айрим таркибий материаллари жуда қиммат, уларнинг табиий запаслари чеклангандир.

**Композицион материаллар ҳақида.** Бу синтетик материаллар моддаларнинг турлича бирикиши (композицияси)дан иборат бўлади. Албатта уларни айрим компонентларнинг оддийгина аралаштирилиши деб тушунмаслик керак. Композитларнинг фарқли хоссалари: чидамлилиги, юқори даражада мустаҳкамлиги, иссиққа бардош бериши, коррозияланмаслигидир. Бундай материаллардан товушдан тез учадиган самолётларда, денгиз техникасида, қишлоқ хўжалигига, енгил саноат ва ҳоказоларда фойдаланилади. Кейинги йилларда композит материаллри кўплаб ишлаб чиқаришга ва фойдаланишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Янги материаллар яратишда уларга ишлов бериш имкониятлари ҳам ҳисобга олинади. Масалан, жуда қаттиқ қотишмалардан заготовкалар кесишида уларга нисбатан қаттиқроқ материалдан ясалган асбоблар бўлиши шарт.

Янги материаллар (пластмассалар, синтетик каучуклар, смолалар, сунъий олмос ва х.) туфайли янги технологиялар вужудга келади. Чунончи машинасозликда синтетик олмослардан фойдаланиш деталлар прокат қилинганидан сўнг токарлик ишларисиз силлиқлаш ёки иссиқлигича шлифовкалаш имконини беради. Фақат янги материаллар эмас, балки энергиянинг янги турлари ҳам янги технологиялар яратишга ёрдам беради. Бу жиҳатдан лазер, электрон-нур, плазма технологиялари алоҳида эътиборга лойиқдир. Кам чиқиндили ва чиқиндисиз технологияларни кенг жорий қилиш фан-техника тараққиётини жадаллаштиришнинг муҳим йўналишидир. Металл қирқиши станокларида ишлаётганинда анчагина Металл қириндига айланади . Кўп ҳолларда дастлабки материалнинг 70-80 фоизини чиқиндилар ташкил қиласди. Худди шу сабабли, хусусан машинасозликда Металларни қирқиши билан ишлаш ўрнига чиқиндисиз ва кам чиқиндилар технологик усулларни қўллаш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Мазкур усуллардан бири - деталларни металл порошокларидан тайёрлаш - порошокли Металлургия бўлиб, бу усул илгари минутлар, баъзан соатлар сарфланадиган деталлар тайёрлашни аниқ форма ва ўлчамлар билан секундларда бажариш имконини бераёттир. Ана шу усулда Металл порошоги (ёки порошоклар аралашмаси) пўлат пресс-қолипга солинади ва катта босим билан прессланади. Шунда Металл зарралари бир-бирига жисплашади, натижада геометрик параметрлари бўйича тайёр деталга мос заготовка ҳосил бўлади. Кейин заготовкани маҳсус печларда жуда юқори температурада қиздирилади (яхлитланади) - металл! зарралари бирлашиб, жисп бир жинсли массага айланади. Фоят мураккаб конфигурацияли детал, тайёр бўлади. Бу усул билан тайёрланадиган деталлар учун керакли асбоб-ускуналар айрим ҳолларда одатдаги металл қирқиши станокларига қараганда соддароқ ва арzonроқ бўлади. Порошокли Металлургиядан иссиққа, коррозияга чидамли янги материаллар олишда ҳам фойдаланилади. Бу эса янги технологиялар янги материаллар яратишга хизмат қилишининг бир мисолидир. Маълумки, Металларни босим билан ишлаш металл қирқиши станокларида деталлар тайёрлашга нисбатан анча тежамлидир. Механик штамповка ўрнини аста-секин сув зарби, магнит майдони, портлатиш билан штамповкалаш эгалламоқда. Совуқ ва иссиқ ҳолда ҳажмли штамповкалаш, аниқ қўйиш, эриган суюқ материаллардан деталларни штамповкалаш ва ҳоказолар ҳам ниҳоятда тежамли технологиядир. Сўнгги йилларда Металларни қирқиши тезлигини ошириш, кимёвий реакцияларни тезлаштириш ва ҳоказолар ҳисобига анъанавий технологик жараёнларни интенсивлаштиришдан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Кўп операцияларни бирлаштирадиган узлуксиз технологик жараёнларни қўллаш катта самара беради. Узлуксиз

технология технологик операцияларни қўшиш орқали заготовкаларни, деталлар ва материалларини бир иш ўрнидан иккинчи иш ўрнига ташиб ҳақида бошқа қатор ёрдамчи операцияларни бартараф этади. Масалан, порошокли Металлургия усулида деталлар тайёрлашда қўпинча пресслаш ва қиздириш жараёнлари қўшилади: металл порошоклари прессланади ва бир йўла қиздирилади. Замонавий ишлаб чиқаришга янги материалларни, илғор технологик жараёнларни жорий етиш, анъанавий технологик жараёнларни интенсивлаштириш халқ хўжалигининг турли тармоқларида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўлидир.

### **Мухокама учун саволлар.**

1. Машиналар ишлаб чиқаришда ва турмушда қўлланиладиган техника ва воситалардан бошқалардан нима билан фарқланади?
2. Машиналар вазифасига кўра қандай таснифланади?
3. Ҳозирги замон ишлаб чиқариш технологияси қандай йўналишлар бўйича такомиллашмоқда.
4. Чиқиндисиз ва кам чиқиндили технология нима?
5. Мактаб устахонасида Металл ва ёғоч чиқиндиларини қандай қилиб камайтириш мумкин?

## **II.ЁГОЧЛАР УЛАРНИНГ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

### **2.1.Ёғочнинг турлари ва унинг хусусиятлари**

Маълумки, ёғочлар турмушда ҳам, ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам жуда кўп ишлатиладиган қурилиш материаллари ҳисоблаҳади. Ёғочлар бир қатор хоссаларга эга. Шулардан бин уларнинг *физик хоссалари*dir. Ёғочнинг физик хоссаларига уларнинг ўлчамлари, қуриши, оғирлиги, ранги, ҳиди, текстураси, намлиги, зичлиги, иссиқлик ва электр токини ўтказувчан (ўтказмас)лиги кабилар киради. Одатда ёғоч материаллари уч ўлчовга эга бўлади, бўлар: узунлиги, эни ва қалинлиги, агар у цилиндр шаклида бўлса, диаметрининг узунлиги бўлади. Ёғочларнинг ранги, ҳиди ва текстураси бир қанча омилларга, жумладан дарахт ўсган жойнинг иқлим шароитига, ёғочнинг тури ва ёшига боғлиқ бўлиб, кўчилик дарахтларнинг ёғочлиги қорамтиридир. Ёғочнинг кўриниши, унинг зичлиги, ўзак нурларининг микдори йирик ва майдалигига ҳамда кесими юзасига; ёғочнинг ҳиди унда смола, ошловчи моддалар ва ефир мойлари мавжудлигига боғлиқдир. Ёғочнинг ҳиди уни эндиғина кесилганда кўпроқ сезилади. Ёғочнинг ранги, ҳиди ва кўриниши унинг қандай материал эканлигини билдирувчи белгилар бўлиб, улар ишлаб чиқаришда муҳим ахамиятга эга. Ёғоч бўйламасига, яъни толалари бўйлаб кесилганда (тилинганда) ҳосил бўладиган табиий нақш *текстура* деб аталади. Турли ёғочларнинг текстураси турлича бўлади.

Қуруқ ёғоч иссиқликни яхши ўтказмайди, сабаби ёғочнинг ғоваклигидир. Унинг хужайралари ичига ҳаво тўлган бўлиб, у иссиқликни ёмон ўтказади. Зичлиги катта ёғоч зичлиги кичик ёғочга нисбатан иссиқликни яхши ўтказади. Шунингдек, қуруқ ёғоч электр токини ўтказмайди. Шунга қўра ундан изолясия материали сифатида фойдаланилади. Шуни унумаслик керакки, намлиги кўп бўлган ёғоч токни яхши ўтказади. Чунки ёғоч коваклари сув билан тўлган бўлади.

Ёғочнинг товуш ўтказувчанлиги унда товушнинг тарқалиш тезлиги билан белгиланади. Ёғочнинг товуш ўтказувчанлиги бўйлама йўналишда ҳавога нисбатан 15-18 марта, кўндаланг йўналишда 3-6 марта ортиқдир ва бу ёғочнинг камчилиги ҳисобланади. Шу сабабли пол ва шифтларда ёғоч ортиқча сарф бўлмаслиги учун товуш ўтказмайдиган материаллар ишлатишга тўғри келади. Ёғоч материал ёруғлик нурларини жуда кам ўтказади, ёғочнинг юпқа листи, фанер қатламлари жуда кучли ёруғлик манбаидан чиқаётган нурнигина ўтказиши мумкин. Ёғочлар ёриловчанлик, қайишқоқлик, қовушқоқлик, қаттиқлик, михларни ушлаб қолиш хусусиятига эга. Уларни турли таъсирлар остида толалар бўйлаб ажралиши ёрилишидир. Ёрилишлар табиий ҳолда, масалан иссиқлик таъсирида қуриши натижасида, шунингдек болта ёки пона ёрдамида таъсир этиш натижасида ҳосил бўлади. Қайишқоқлик ёғочнинг ёриловчанлигини оширади, қовушқоқлик эса камайтиради. Нам ёғоч осон ёрилади. Бироқ зичлиги кичик ёғочлар жуда хўл бўлганида қайишқоқлиги камайиб, яхши ёрилмайди - пона ёки болта қисилиб қолади.

**Ёғочнинг қаттиқлиги** — кескичнинг ботишига қаршилик кўрсатишидир. Ёғочнинг қаттиқлик даражасини билиш учун турли хил ёғочларни ёриш, мих қоқиш, арралаш, бир хил кескич билан кесиб кўриш усулларидан фойдаланиш мумкин. Қайси ёғочни кесиш, ёриш, арралаш, мих қоқиш қийин бўлса - бу ёғоч қаттиқ ҳисобланади.

Маълумки, михлар турли материаллардан, турли кўринишда ва ҳар хил ўлчамларда ясалади. Ёғоч қайишқоқлиги сабабли қоқилган михларни ушлаб туради. Ёғочга қоқилган мих унинг толаларини таранглаштиради, толалар эса михни сиқади, унинг чиқиб кетишига қаршилик қиласди.

### **Мухокама учун саволлар**

1. Ёғочнинг физик хоссалари деганда нималарни тушунасиз?
2. Ёғочнинг электр ва иссиқлик ўтказувчанлиги деганда нимани тушунасиз?
3. Нима сабабдан хўл ёғоч электр токини ўтказади?
4. Ёғочнинг текстураси деганда нимани тушунасиз?
5. Ёғочнинг ёриловчанлик ва михларни ушлаб қолиш хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.

### **2.2. Ёғочга ишлов беришда режалаш.**

Ўқув устахонасидаги амалий машғулотларда буюм ясаш учун ёғоч материалларни тўғри танлаш ва уларни ишлатишда оқилона усуллардан

фойдаланиб, иложи борича чиқиндини камайтиришга ҳаракат қилиши зарур. Ишлатилаётган брус ёки тахта керагидан ортиқча бўлса, уларни рандалашга ҳам ортиқча вақт ва қуч сарфланади. Шунинг учун режалаш муҳим ва масъулиятли ишдир. Буюмнинг сифатли чиқиши кўп жиҳатдан аниқ режалашга ва режаловчи қуроллардан тўғри фойдаланишга боғлиқдир. Режалашда чизгич, гўния, малка, хаткаш ва циркул каби асбоблар ишлатилади. Узунроқ ўлчамли ёғоч материалларига эса ёрдамида пишиқ ип тортиш билан режа чизиги ҳосил қилинади.

*Гўния* (бурчаклик) асос (кунда) ва унга тўғри бурчак остида ўрнатилган металл ёки ёғоч планкадан иборат. Гўния ёғоч материаллардан, умуман турли материаллардан тайёрланадиган буюм деталларини  $90^{\circ}$  бурчак билан улашда, уларга режа чизиқларини чизишда хизмат қиласди.

*Порси гўния* (ерунок) ва *винтли порси гўния* (малка) режалаш ҳамда бурчакларни текширишда фойдаланиладиган ёғоч ва металл асбоблардир. Ерунок - кундасига  $45^{\circ}$  бурчак остида ўрнатилган планкадан иборат бўлган асбобдир. Шунинг учун бу асбобдан фақат  $45^{\circ}$  бурчак остида бириктириладиган материалларни режалаш, шундай бирикмаларни текшириш мумкин. Малканинг асоси узунасига ўйилади ва шу ўйикقا иккинчи чизгич шарнирли қилиб ўрнатилади. Малка текшириладиган бурчакка, мавжуд намуна ёки иш чизмасига тақаб қўйилади ва унинг винти маҳкамланади. Малкада ҳосил бўлган бурчак транспортир билан ўлчанади. Малка билан бирикмаларни  $0-360^{\circ}$  оралиқдаги бурчакларни аниқлаш ёки режалаш ишларини бажариш мумкин. Шунга кўра малканинг ишлатилиш соҳаси ерунокниги қараганда кенроқдир.

*Хаткаш*. Бу ҳам режалаш асбоби бўлиб, унинг кундасига битта ёки иккита призматик брускот ўрнатилади. ҳар бир брусконинг бир учига ўткир металл чизгич ўрнатилади ва у билан деталга режа чизиги чизилади. Хаткаш турли кўринишда бўлади.

Умуман олганда, ёғочларни режалаш асбобларидан фойдаланишда ортиқча куч ишлатмаслик, уларни устма-уст қўйиб қалаштириб ташламаслик, нам тегмайдиган жойларда алоҳида-алоҳида сақлаш зарур.

Ёғоч материалларга ишлов берувчи асбоблар бир неча турли бўлиб, уларнинг ҳар бирини ўзига хос ишлатиш усувлари мавжуд. Ёғочдан буюмлар ясаща керакли ёғоч ёки тахта арралаб олинади. Аппа билан ишлашда анча куч талаб қилинади. Шу сабабли қуйидаги қоидаларга амал қилиш талаб қилинади.

1. Ҳар доим созланган аррадан фойдаланиш зарур.
2. Ёғоч бўлагини арралашда аррани изга тушириб олишга аҳамият беринг.
3. Ёғоч бўлагини арралашда фақат ўнг қўл ишлайди, чап қўл эса ёғочни босиб туради.
4. Арралашда мосламадан фойдаланинг.
5. Тахтани арралаш охирлаганда арралашни аста-секин секинлаштиринг ва қаттиқ босманг.

6. Арралаш ишларини режа ёки ўлчов чизиги бўйича амалга оширинг. Арраланган тахтанинг сифати сиз ўлчамни қанчалик тўғри олганингизга ва ишни қай даражада бажарганингизга боғлиқ бўлади.

7. Тахтани арралашда appa тишлари тўғри йўналишда олиб борилиши лозим, акс ҳолда кесилган тахта бўлагининг бурчаклари тўғри чиқмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун гўния ёрдамида текшириб, ишингизнинг сифатини аниқланг.

Ёғоч ёки тахта арралаб олинганидан сўнг унинг сиртини силлиқлашда рандалардан фойдаланилади. Бунда уларни дастгоҳдаги мосламалардан тўғри фойдаланиб рандалаш керак. Заготовкани режалаш ва рандалаш қуйидаги тартибда бажарилади:

1. Тахтанинг сирти рандаланади ва ишнинг сифати, текислиги чизғич билан текширилади.

2. Ранда ёрдамида заготовканинг ён сирти рандаланади ва ишнинг сифати чизғич, гўния ёрдамида текширилади.

3. Тахтанинг эни қалам, чизғич билан режаланади ва рандаланади, унинг лининг текислиги гўния ёрдамида текширилади.

4. Буюм бўлакларига ишлов беришда дастгоҳ мосламаларидан унумли фойдаланилади.

5. Рандалашда икки қўллаб рандалашга одат қилинг.

Арралаб олинган бўлакларга асосан ранда, исказа, ҳар хил эговлар ва жилвир қофоз ёрдамида ишлов берилади. Буюм бўлакларига исказа ёрдамида ишлов беришда ҳам буюм дастгоҳ исканжасига маҳкамланади. Ишни бошлишдан олдин тахта томонларининг йўналишига эътибор беринг, акс ҳолда синиб кетиши мумкин. Исказа билан ишлашда исказани маҳкам босган ҳолда ёғоч тўқмоқ билан уриш мумкин. Ёғочни қиринди шаклида олиш ва гўния, андоза ёрдамида текшириб бориш талаб қилинади. Ёғочга ишлов беришда ранда ва исказада текислаб бўлмайдиган жойлар қолади. Шундай жойлар эгов билан силлиқланади. Буюм дастгоҳ исканжасига сиқиб маҳкамланади. Эговни пастга қаттиқ босиш ярамайди, акс ҳолда буюм қирраси эговланиб ёки кўчиб кетиши мумкин. Эгов тишлари вақти-вақти билан тозалаб турилади. Буюм тайёрлаш якунига етгандан сўнг жилвир қофоз ёрдамида узил-кесил ишлов берилади.

### **Мухокама учун саволлар**

1. Режалаш асблорига нималар киради?
2. Ёғочга ишлов бериш асблоридан арралар ва уларнинг турлари хақида изоҳ беринг.

## **2.3. Ёғоч материалларини ўйиш ва йўниш усуслари, тешиш ва ёғоч буюмларни пардозлаш.**

Ёғоч буюмлар ясашда кўпинча ўйиш-тешиш ишлари бажарилади, бунда турли ўлчамдаги исказалар ва стамескалардан фойдаланилади. Дурадгорлик исказалари йўнувчи ва ўювчи исказаларга бўлинади.

Йўнувчи исканалар билан тахталарнинг четларига фаска чиқарилади, тирноклар ростланади, тешик, уялар йўниб кенгайтирилади. Юмшоқ ва юпқа тахталар ўйиб тешилади. Қалин ва қаттиқ тахталарни ўйиш-тешиш ишлари эса ўювчи исканалар ёрдамида бажарилади.

Ёғоч тахталарни ўйиш-тешишда нов шаклидаги исканалар ҳам ишлатилиб, улар билан цилиндр тешик ва уялар ўйиш, сиртларда нов очиш ишлари бажарилади. Исканалар бир томондан чархланади. Ўювчи исканаларнинг ўткирлик бурчаги  $25\text{--}35^\circ$  бўлади. Уларнинг дастаси қаттиқ ёғочлардан ясалиб, ёрилиб кетмаслиги учун унга металл халқа кийдирилади. Йўнувчи исканалар юпқа ва ўювчи исканалар қалин бўлади. Лекин уларнинг эни ҳар хил ўлчамда тайёрланади.

Йўнувчи исканаларнинг эни 4 мм дан 40 мм гача, ўювчи исканаларнинг эни 6 мм дан 20 мм гача бўлади. Уяни унинг энига мос исказа билан ўйилади. Искана тифи толага кўндаланг равишда қўйилиб, режа чизиги бўйлаб ўйилади. Аввал исказа дастасига секин урилиб, уни тахтага бир оз киритилади, сўнгра чиқариб олинив, бир оз олдинроқдан қия ҳолда тутиб дастага урилади, натижада исказа кескичи ёғоч толаларини қирқади. Шундан кейин исказа яна тик ўрнатилган ҳолда ёғочга кўпроқ киритилади ва яна олдинроққа қия ҳолда қўчирилиб, тола қирқилади. Исканани олдинга ва орқага тебратиб, қирқилган пайрахалар чиқариб ташланади. Уянинг бир қисми ўйилгандан кейин, иккинчи қисми ўйила бошланади. Агар очиқ тешик ўйиш керак бўлса, уя аввало деталнинг яrim қалинлигича бир томондан, сўнг тескари томондан ўйилади. Йирик деталларни исказа билан тешиш ва ўйиш дастгоҳга қўйиб бажарилади. Юпқа деталларга тешик ўйиш учун уларни устма-уст тахлаб тешиш ҳам мумкин. Ўйик туби билан унга киргизиладиган турум қирраси ўртасида тирқиши ҳосил бўлмаслиги учун ўйик тубини кичикроқ ясаш керак.

**Стамеска.** Стамескалар текис ва яrim айлана шаклида бўлади ва яrim айлана шаклидаги стамескалардан эгри чизиқли тешиклар ўйишда ва эгри чизиқли сиртларни ишлашда фойдаланилади. Текис стамесканинг кескичи исказа стерженидан юпқа бўлиб, ўткирланиш бурчаги  $15\text{--}25^\circ$ , эни 3-50 мм гача, яrim айлана стамескаларнинг эни эса 6-40 мм бўлади. Стамеска исканалар билан тешилган тешикларни тозалашда, юпқа деталларга чукурчалар ўйишда, қирраларни силлиқлаш, бурчакларда раҳлар чиқариш ва тозалаш учун қўлланилади.

**Механизациялашган усулда ўйиш.** Дурадгорлик ўқув устахонасида ўйиш учун қўлда ишлатиладиган электр ўйгич ва занжирли ДСА-2 ўйиш станогидан фойдаланилади. Бу станокдан кенг ва чукур уялар ўйишда фойдаланилади. Унинг ёрдамида эни 6-25 мм, узунлиги 4030 мм, чукурлиги 140 мм ли уялар очиш мумкин. Унинг кесувчи асбоби занжирдан иборат. Кесиш асбоби сифатида оддий станок исканалари ва ўювчи фрезалаш занжири хизмат қиласи. Занжирли фреза 40-55 мм узунликдаги уялар ўйишда ишлатилади. Уяларнинг эни фрезалаш занжирининг энига боғлиқ бўлиб, стандарт бўйича 6-25 мм қабул қилинган.

**Пардозлаш** – буюм сиртларини пардозлашдан олдин жилвир коғоз билан ишкалаб тугри чизиклиги яхшиланади ва тозаланади, уткир кирралари ва бурчакларини эговланади кейин жилвир коғоз билан ишлов берилади. **Жилвир коғоз** – бир томонига майда каттик материаллар ёки шиша қукунлари елимлаб ёпиширилган ип, мато ёки қалин когоздан иборат, улар доналарини йириклилигига караб, дағал майда, пардозлаш жилвирларига бўлинади. Ёғоч буюмларини пардозлаш деганда уларнинг сиртини турли хил буёклар билан безаш тушинилади. Уй-рузгорда ишлатиладиган барча буюмлар пардозланган бўлади.

#### **Мухокама учун саволлар:**

1. Ёғочга ўйиб ишлов берувчи асбобларга нималар киради?
2. Исканалар неча турли бўлади?
3. Қайси ҳолатларда стамескалардан фойдаланилади?

### **2.4.Ёғоч материалларига ишлов берадиган қўл асбобларини тузилиши ва ишлаш принципи.**

Ёғоч материаллар махсус дастгоҳларда рандалар ёрдамида рандаланади. Рандаларнинг тузилиши ҳар хил бўлганлиги сабабли рандаланадиган ёғоч "материалларнинг юзалари бир хилда тозаланмайди. Ёғочни рандаланиш сифатига қараб хомаки, ўртача ва тоза рандаланган дейилади. Рандалар ўзининг вазифасига кўра бир неча хил бўлади. *Шерхебел*. Бу ранда тахтани узунасига ва қўндалангига хомаки рандалашда, хусусан ёғочдан қалин қатламни олиб ташлашда қўлланилади. Унинг тифи ёй шаклида бўлгани учун шерхебел ранда билан ёғочларни турли бурчак йўналишида ҳам рандалаш мумкин. Рандалаш вақтида ёғоч пайраха энсиз ва қалин бўлиб чиқади.

**Мушт ранда.** Мушт ранда шерхебл ранда билан рандаланган юзаларни текис қилиб рандалаш учун ишлатилади. Бу бир тигли ранда ҳисобланиб, кескичининг тифи тўғри, аммо ёғочларни тирнамаслиги учун бурчаклари сал юмалоқланган бўлади.

**Жанс ранда** ёғоч материалларни тозалаб силлиқлаш ва детал юзасини бир тўғри чизиқда ётадиган қилиб рандалашда, айниқса, деталларни бир-бирига мослашда ишлатилади. Бу ранда бир кескичли ва икки кескичли бўлиши мумкин, ранда кундасининг олд қисмига уст томондан бир оз бўртган цилиндрик қўйма йлимлаб ёпиширилган бўлиб, уни боғлаш тутгаси дейилади. Унга болға уриб, ранда уясидан кескични чиқариш мумкин.

**Закров ранда** ёрдамида ойна солинадиган буюмларнинг тегишли қисмларига закров очилади. Унинг тифи кундага тўғри ёки ўткир бурчак ҳосил қилиб ўрнатилади. Шунга мос ҳолда унинг тифлари тўғри ёки қийшиқ бурчакли бўлади.

Ўкув устахоналаридаги машғулотларда турли нақшдор буюмлар, масалан, илгак ёки чок қилинган детал ва буюмлар ҳам тайёрланади. Бунда нақшдор юзаларни ишлаш учун махсус рандалардан фойдаланилади.

**Чок ранда** ўйиқ ва чоклар очиш учун ишлатилади, улар түғри ва қийшик бўлиши мумкин. Чок ранда кескичи устки қисмининг қалинлиги пастки қисмига қараганда 1 мм кичик бўлиши лозим.

**Конии ранда.** Бу ранда фанер ва эшик дилалари тушадиган ёл очишда ишлатилади. Унинг кундасига винтлар ўрнатилиб, уларга йўналтиравчи тахтacha кийдирилади. Очиладиган конишининг эни қандай бўлишига қараб, ҳар хил қалинликдаги фанер ва дилаларга мослаб рандага энлик ва энсиз тифлар ўрнатилади. Ҳар қандай ранда асосан тиф, кунда ва понадан иборат.

**Пармалаш** - материалларда уя ва тешикларни очиш демакдир. Бунда кесиши асбоби сифатида пармалар хизмат қиласиди. Пармаларнинг қуйидаги турлари мавжуд

**Спиралсимон парма.** Унинг иш қисмида иккита спирал ариқча бўлиб, улар кесувчи қиррани ҳосил қиласиди. Металларни тешишида асосан ана шу пармадан фойдаланилади.

**Перосимон парма.** Бу ҳам оддий парма бўлиб, унинг кескич қисми перога ўхшашибдири.

**Қошиқ парма.** Бу парма тарнов шаклида бўлиб, пастки қисмида перо бор. Перо ёрдамида парма ёғочга кириб бораверади.

**Марказловчи парма.** Бу парманинг пастки қисми куракча шаклида бўлиб, учбурчак шаклидаги горизонтал кескич билан тугайдиган стержендан иборат. Шундай пармалар билан диаметри 12-15 мм гача бўлган уяларни тешикларни очиш мумкин.

Пармалардан маҳсус пармалаш мосламаларига ўрнатилган ҳолда фойдаланилади. Улар одатда кўл пармалари ва пармалаш станоклари дейилади. Кўл пармаси ёки коловорот отвёртка ва учликларни айлантириш учун хизмат қиласидиган мосламадир.

Очиқ тешиклар ўйишида пармалаш охирида босимни бироз камайтириш керак, акс ҳолда ёғоч синиши ёки парма тиқилиб қолиши мумкин. Пармалашдан олдин пармаланадиган жойда из ҳосил қилиб олиш керак. Уя ва тешикларни тез, кўп ва сифатли қилиб очишида, уларга ишлов беришда пармалаш станоклари ишлатилади. Пармалаш станоклари горизонтал ҳамда вертикал пармалаш станокларига бўлинади, уларнинг бир шпинделли ва кўп шпинделли хиллари мавжуд. Пармалаш қурилмаси ёки пармалаш станокларида ишлаш вақтида кийим ва енглар тутгасини қадаш, детални кўлда тутиб пармаламаслик, қириндини кўлда ёки пуфлаб тозаламаслик, ҳаракатланаётган шпинделни кўлда тўхтатмаслик керак.

### **Мухокама учун саволлар:**

1. Рандаларнинг қандай турларини биласиз?
2. Жапс ранданинг вазифаси нима?
3. Ёғоч ранданиш сифатига қараб неча турга бўлинади?
4. Пармалаш деганда нимани тушунасиз?
5. Қандай парма турларини биласиз?

## **2.5. Ёғочга ишлов бериш технологияси асосида уй-рузгор буюмларини тайёрлаш.**

**Дасталар.** Дасталар қаттиқ, қайишқоқ бўлган тут, қайнин, қайрағоч, бужун, акация каби ёғочлардан тайёрланади. Дасталар якка тартибда тайёрланса - рюмка патронга ўрнатилиб ёки кўплаб тайёрланса марказлар орасига ўрнатиб тайёрланади. Рюмка патрон ёрдамида буюм тайёрлашда ортиқча ёғоч исроф бўлади. Шунинг учун кўплаб талаб этилмайдиган буюмлар доналаб рюмка патрон ёрдамида, қолган ҳолларда марказлар орасига ўрнатиб тайёрланади. Қуйида эговлар учун даста тайёрлашни кўриб ўтамиз. Даста учун танланган ёғоч (бу мақсадда дастабоп шохлардан фойдаланиш мумкин) марказлар орасига ўрнатилиш диаметрини  $D$  мм га келтириб йўнилади. Сўнгра, бир неча даста кетма-кет режаланиб, унинг тутқич ва бўйин қисмлари белгиланади. Дасталар хомаки йўнилиб қирқувчи исказа ёки андаза кескичлар билан аниқ ўлчам ва шаклга келтирилади. Талаб этилишига қараб жилвирлаб силлиқлангандан сўнг алифланади. Тайёр бўлган дасталар станокдан олиниб бир-биридан ажратилади ва бўйинларга мос халқалар кийдирилиб, эгов ўрнатиш учун пармаланади. Халқаларни кичик диаметрли трубалардан қирқиб тайёрланади. Шунинг учун даста бўйинларини халқаларга мослаб йўнилади.

**Жува** Тол, тут, ўрик, чинор каби куруқ, ҳидсиз, бутоқсиз дарахт шохларидан олинган ғўлалардан тайёрланади. Жува узун ўлчамли бўлганлиги учун станокнинг марказлари орасидаги масофага қараб доналаб ёки иккитадан жувага мос ёғоч ўрнатиб тайёрлаш мумкин. Ёғочни хомаки йўниб, силлиқлаб диаметрини 60 мм га келтириб, цилиндрик сирт ҳосил қилинади. Сўнгра, ўнг томондан 100 мм узунликда даста ўлчами режаланиб, унинг диаметрини 25 мм га келтириб йўнилади. Жуванинг даста ва танаси керак шаклга келтирилгандан сўнг жилвирланиб, пайраха билан силлиқланади. Талаб этилишига қараб тана ва дасталар ҳошияланади. Ҳошиялаш понасимон қилиб тайёрланган қаттиқ ёғочни силлиқланган сиртга, станок юриб турган вақтда босиб тутиш билан кийдириб гул солиш (халқа ҳосил қилиш)дан иборат (понасимон қаттиқ ёғочни айланиб турган ёғоч билан ишқаланиши натижасида силлиқланган сирт куйиб халқа-ҳошия ҳосил бўлади). Баъзан ҳошиялар рангли бўёқлар билан ҳам туширилади. Ҳошия-халқаларнинг сони, ўлчами қандай сифат берилишига қараб туширилади. Жуванинг сиртини бўяш, локлаш тавсия этилмайди. Чунки жувага ёпишган хамирни тозалаш вақтида лок-бўёқ пардалари қўчиб кетади.

**Чекиҷ** Тол, терак, тут, акация, чинор шохларидан олинган ғўлалардан тайёрланиб, катта-кичиклигига қараб нон чекиҷ, патир чекиҷларини бир-биридан фарқ қилинади. Чекиҷлар қисқа ўлчамли бўлганлиги учун якка тартибда рюмка-патрон ёрдамида, кўплаб марказлар орасида тайёрланади. Чекиҷ рюмка-патрон ёрдамида доналаб тайёрланганда керак ўлчамдаги ғўла олиниб патронга қозик қилиб

қоқилади ва винт ёки бурама мих билан қотирилади. Ёғоч диаметрини 70 мм га келтириб йўнилгандан сўнг даста қисми режаланиб, уни 70 мм узунликда диаметрини 25 мм га келтириб йўнилади. Даста учидан 12 мм қалинликда тугма қолдириб қолган қисмининг диаметрини 20 мм га келтириб йўнилиб тутқич-бўйин ҳосил қилинади. Сўнгра 50 мм узунликда чекич кундаси режаланиб даста томони сўйриланади ва текис кўндаланг қирқим ҳосил қилиниб, унга кетма-кет айланалар - мих ўрни чизилади. Тайёр бўлган чекични жилвирлаб силлиқлангандан сўнг алиф ёки лок суртиб пардозланади, талаб этилишига қараб рангли бўёқлар билан ҳошияланиб, сўнг қирқиб туширилади. Чекич остига (кўндаланг қирқимиға) айланалар бўйича нон ёки патирга мос узунликдаги михларни қоқиб, мих каллакларини текислаб қирқиб ташланади. Чекичлар марказлар орасида тайёрланганда ёғоч диаметри 70 мм га келтириб йўнилгандан сўнг бир нечта чекич режаланиб кетма-кет тайёрланади.

**Тўқмоқ** йўниш йўли билан станокда тайёрланадиган ёғоч тўқмоқлар тут, акация, қайрафоч, заранг каби зичлиги ортиқ бўлган пухта, қайишқоқ ёғочлардан бочкасимон ёки кесик конуссимон қилиб тайёрланади. Дурадгорликда, кўпинча, бочкасимон тўқмоқлар ишлатилади. Тўқмоқ учун танланган ғўлани марказлар орасига ўрнатиб диаметрини талаб этилган ўлчамга келтириб йўнилади ва циркул ёки линейка билан қирқиб тушириш учун қўйим қолдириб режалаб чиқилади. Қирқим чизиқлари бўйича ўйиб бўйинлар ҳосил қилингач, бочкасимон шаклга келтириб йўнилади, сўнг даста ўринлари режалангач, жилвирлаб силлиқланади ва алифлангандан кейин қирқиб туширилади. Уларга мос дасталар станокда тайёрланади. Тўқмоқнинг даста ўрни пармаланиб тешилади ва даста елимлаб ўрнатилади.

**Шаклдор оёқлар.** Дастурхон хонтахта тўғри тўртбурчаклик ёки юмалоқ шаклда тайёрланиб, уларнинг оёқлари кўпинча шаклдор қилиб йўниш

йўли билан станокда тайёрланади. Шаклдор оёқлар тайёрлаш учун унга мос қуруқ ёғоч олиб, уни талаб этилган ўлчамда квадрат шаклига келтириб рандаланади. Оёқларга ён ёғоч ўринлари режаланиб пармалаш ёки ўйиш йўли билан уялар очилгандан сўнг станокка ўрнатилади ва йўниб керакли шаклга келтирилади. Шаклдор оёқлар, кўпинча, сифатли, табиий гули чиройли бўлган ёғочлардан тайёрланади. Шунинг учун бундай ёғочлардан тайёрланган оёқлар жилвирлангандан сўнг пайраха билан силлиқлаб жилоланади ва лок ёки политур суртилиб пардозланади. Бу вақтда хонтахталар ҳам шу жинсдаги ёғоч материалдан тайёрланиб, улар ҳам локланади ёки политурланади. Хонтахталар ва оёқлари табиий гули чиройли бўлган ёғочлардан тайёрланса пардозлаш бўяш билан тугалланади.

**Блоклар.** Акация, тут, ўрик, тол, чинор каби қуруқ ёғочлардан тайёрланади. Блоклар ўқ ўтказиш учун панналаниб тешилгани учун танланган ёғоч рюмка-патронга ўрнатилиб, иккинчи уни орқа бабка марказига қадалади. Йўниш керак бўлган ўлчамгача олиб борилгандан

сүнг блоклар режаланади. Режалашда блок қалинлиги, қўйим кетма-кет режалаб борилади. Блок ариқчалари очилиб пардозлангандан кейин қирқиб туширилади. Қирқиши қирқим чизиги бўйича тик олиб борилиб, ёғоч диаметри 5 мм ёки ундан кичикроқ ўлчамга келтириб ўйилади ва марказ ўрнига диаметри 5 мм ли парма ўрнатилиб пармаланади.

Ғалтақ, найча, чўт доналари каби буюмлар ҳам блок тайёрлаш кетма-кетлигига олиб борилади.

**Илгак қозиқлари.** Тилоғоч, қайнин, қайрағоч, ёнғоқ, чинор, шумтол каби пишиқ-пухта ёғочлардан тайёрланади. Қозиқ тайёрлаш учун дараҳт шохларидан фойдаланиш мумкин. Қозиқлар кўплаб ишлатилгани учун уни марказлар орасида тайёрланади. Шунинг учун қозиқбоп ёғоч танланиб марказлар орасига ўрнатилади ва диаметри талаб этилган ўлчамга келтириб йўнилади. Циркуль ёки масштаб линейка ёрдамида кетма-кет бир нечта қозиқ (тирноқ, тана ва каллак қисмлари) режаланиб хомаки йўнилади ва ўлчовга келтириб силлиқланади. Қозиқларни тайёрлашда тирноқ узунлиги қозиқ ўрнатиладиган тахтанинг қалинлигига, диаметрини унга боп парма диаметрига мосланади ёки тирноқ диаметрига мос парма танланади. Илгак қозиқларини тайёрлашда уларга мос андаза кескичлардан фойдаланиш мумкин. Илгак тахталарининг қандай ёғочдан тайёрланишига қараб қозиқларни унга мос ёғочдан тайёрланади ва талаб этилишига қараб алифлаш, локлаш ёки политурлаш ишлари олиб борилади.

**Пробиркалар учун штатив.** Кимё, биология, физика кабинетларида турли хил эритмалар, кислота ва ишқорларни, кимёвий моддалар, униғлик ва бошқаларни пробиркаларда кўргазма тариқасида сақлаш ва бошқа мақсадларда ишлатилади. Мехнат таълими дарсларида эса бундай штативлардан қалам, ручка, парма каби бумларни тартибли сақлашда ҳам фойдаланиш мумкин. Штатив пробиркалар ўрнатиш учун яrim уялари бўлган дисксимон асос, марказига ўрнатилган цилиндрик тирноқли устунча ва устунчага кийдирилган пробиркаларни тушириш учун тешиклари бўлган устки ёғоч дисқдан иборат. Асос ва дисклар планшайба ёрдамида тайёрланиб, уларнинг марказлари устунча тармоғи ва қозиқ қисмига мослаб пармалаб тешилади. Дисклар диаметрал равишда тенг 12 бўлакка бўлинниб, аниқ радиусли айлана чизади. Пармалаш диаметрлар билан айлананинг кесишиш нуқталари орқали олиб борилиб, уя ҳосил қилинади. Таглик - асосни қалинлиги 20-30 мм бўлган тахта материалдан, устки дискни қалинлиги 10-12 мм бўлган тахта ёки прессланган фанердан тайёрлаш мумкин. Устунча шу жинсдаги ёғочдан токарлик станогида йўниб тайёрланади ва тагликка елимлаб, қўшимча поналар ўрнатилади. Талаб этилишига қараб штатив бўялади ёки локланади.

### **Мухокама учун саволлар:**

1. Ёғочга ишлов бериладиган токарлик дастгоҳида ишлашда заготовкага қандай талаблар қўйилади?
2. Ёғоч заготовка токарлик дастгоҳига қандай қилиб ўрнатилади?
3. Уй-рўзғор буюмларини тайёрлашда қандай ёғочлардан фойдаланилади?

4. Цилиндрсимон ёғоч заготовкаларга охирги ишлов беришдаги иш усулларини хусусиятини тушунтиринг.
5. Назорат-ўлчов асбоблари билан цилиндрсимон сиртларини ўлчаш усулларини тушунтиринг ва кўрсатинг.
6. Уй-рўзғор буюмларни тайёрлашда қандай хафвсизлик қоидаларига риоя қилиш керак.

## **2.6.Ёғочга ишлов беришга оид ҳалқ хунармандчилиги турлари бўйича иш усуллари.**

Маълумки, ёғочларнинг физикавий, кимёвий ва механик хоссалари мавжуд бўлиб, ёғочга ишлов беришда уларни инобатга олиш зарур. Ўлчами, қуриши, оғирлиги, ранги, ҳиди, текстураси, намлига, зичлиги, иссиқлик ва электр токини ўтказувчанлиги ёғочнинг физик хоссасидир. Ёғочнинг ранги, ҳиди ва кўриниши унинг қандай материал эканлигини билдирувчи белгилар бўлиб, улар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Бу маълумотлар география, биология, кимё фанлари орқали маълум бўлади. Бўлардан кўринадики, ёғочларни танлашда уларнинг хусусиятларини аниқлаш учун география, биология, кимё, физика каби фанлардан; уларга ишлов беришда ўлчаш, режалаш ишларини амалга оширишда эса математика, чизиначилик каби фанлардан чуқур билимга эга бўлиш керак. Умуман олганда эса меҳнат таълими дарсларини мактабда ўтиладиган барча фанларга боғлаш мумкин. Маълумки, ёғочларга ишлов бериш - ҳалқ хунармандчилигининг кенг ривожланган соҳаларидан биридир.

Ҳалқ хунармандчилиги 150 дан зиёд соҳага эга бўлиб, ўзида меҳнат ва касб таълимининг кўпгина хусусиятлари - амалийлиги, ижодийлиги, миллийлиги, маҳаллий хом-ашёларни топиш ва уларга ишлов беришнинг қулайлиги, ўғил ва қиз болалар меҳнатининг ўзига хослиги, асосий ҳолларда мураккаб қурилмалар, ускуналар, асбоблар ва станоклар талаб қилмаслиги, машғулотларни ташкил этишининг соддалиги билан ажralиб туради. Ёғочга ишлов беришга олд ҳалқ хунармандчилигининг бир неча турлари мавжуд. Улар — бешикчилик, сандиқчилик, мебелсозлик, ёғоч ўймакорлиги кабилардир. Бўлардан ёғоч ўймакорлиги ўзбек ҳалқи амалий безак санъатининг кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, бунда бирор нақш ёки тасвир тахта ёки ёғоч буюмларга чизиб, кесиб, ўйиб ишланади.

Ўрта Осиёда ёғоч ўймакорлиги қадимдан ривожланиб, кишиларнинг уй-рўзғор буюмларида ва бинолар қурилишида жуда кенг қўлланилган. Бу ўймакорлик қадимиј архитектуранинг эшик, дарвоза, устунлар, ҳар хил тўсин, стол, хонтахта, қутича, рамка, қаламдон ва бошқа буюмларни безашда ишлатилиб келинган. Ёғоч ўймакорлигига дурадгорликни билмасдан туриб ўймакориикни тушуниб етиш қийин. Чунки ҳар бир ўмакор уста ўйиладиган буюм деталларини алоҳида тайёрлаб, яъни детални ўлчаб, арралаб, рандалаб тайёрлайди. Ўқувчилар ёғочга ишлов бериш соҳасидаги ҳалқ хунармандчилигига дурадгорлик касбидан

хабардор бўлиши ва шу касбда ишлатиладиган асбобларни билиши лозим. Дурадгорлик касби шундай касбларданки, бунчалик халқ турмушига сингиб кетган касблар кам топилади. Дурадгор ясаган буюмлар ҳар бир хонадонда кўплаб топилади.

Маълумки, ҳар қандай буюмни ясаш учун унинг тегишли чизмаси ва технологик жараёнининг асосини ташкил қиласидиган технологик картаси бўлиши шарт. Технологик жараён деганда умуман ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми тушуналиди, унда заготовкани тайёр деталга (буюмга) айлантирилади. Технологик жараён ўз навбатида технологик меҳнат операцияларига бўлинади. Ҳар бир технологик операция технологик жараёнининг тугал бир қисми бўлиб, уларда бир иш ўрнида ва асбобни алмаштирмай, масалан, кесиш, эговлаш, пармалаш, парчинлаш, кавшарлаш каби бирор иш бажарилади. Шунингдек, технологик операция ҳам технологик жараёнининг янада кичик элементларига технологик ўтишларига бўлинади. Бўлар технологик операциянинг тугал қисмларидан иборат бўлиб, фойдаланиладиган асбобнинг ва ишлов бериладиган сиртнинг доимо бир хиллиги билан характерланади. Масалан, сиртни эговлаш, ички қийшиқ чизиқли сиртни эговлаш, ташқи қийшиқ чизиқли сиртни эговлаш ва ҳоказо.

Технологик жараёнининг юқорида айтилган ҳар бир элементини бажариш тегишли меҳнат усуулларидан фойдаланишини тақозо этади. Меҳнат усууллари ўқувчининг иш ўрнидаги туриш ҳолатлари асбобларни ушлани ва бажарадиган меҳнат ҳаракатлари билан боғлиқдир. Технологик карталарни тузиш ва улардан фойдаланиш ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини оширади, техник тафаккурини ривожлантиради ва мустақил ишлашга ўрганишида ёрдам беради. Бундан ташқари, ўқувчилар технологик карталарни тузишда буюмнинг намунасига ёки чизмасига қараб унинг мураккаб конструкциясини ишлаб чиқиш; буюм учун заготовка танлаш ва унинг ўлчамларини аниқлаш; технологик операция ва ўтишларни ҳамда уларни бажариш тартибини белгилаш; асбоблар, ускуна ва мосламаларни танлаш каби муҳим ишларни билиб олади. Тузилган технологик карталар бўйича режалаштирилган буюмнинг ҳамма деталларини ясаш ва уларни йиғиш мумкин. Амалий ишлар деталларни ясаш учун технологик карталар тузишга қаратилиши лозим.

### **Мухокама учун саволлар:**

1. Буюм тайёрлашнинг технологик жараёни деганда нимани тушунасиз?
2. Меҳнат таълимида қайси фанлар билан фанлараро боғланишлар мавжуд? Ёғочга ишлов беришда қандай фанлараро алоқалар мавжуд? Математика билан боғлиқлиги нимада? Физика билан-чи?
3. Ёғочга ишлов беришга оид халқ ҳунармандчилигининг қандай турлари мавжуд?
4. Ёғоч ўймакорлигидан қайси соҳаларда фойдаланилади?

## **2.7. Ёғоч материалларига ишлов берувчи дастгоҳлар ҳамда электр ва механизациялаштирилган жихозлар.**

Маълумки, ёғочлар турмушда ҳам, ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам жуда кўп ишлатиладиган қурилиш материаллари ҳисобланади. Ёғочлар бир қатор хоссаларга эга. Шулардан бин уларнинг *физик хоссалари*dir. Ёғочнинг физик хоссаларига уларнинг ўлчамлари, қуриши, оғирлиги, ранги, ҳиди, текстураси, намлиги, зичлиги, иссиқлик ва электр токини ўтказувчан (ўтказмас)лиги кабилар киради. Одатда ёғоч материаллари уч ўлчовга эга бўлади, бўлар: узунлиги, эни ва қалинлиги, агар у цилиндр шаклида бўлса, диаметрининг узунлиги бўлади. Ёғочларнинг ранги, ҳиди ва текстураси бир қанча омилларга, жумладан дараҳт ўсган жойнинг иқлим шароитига, ёғочнинг тури ва ёшига боғлиқ бўлиб, кўчилик дараҳтларнинг ёғочлиги қорамтиридир. Ёғочнинг кўриниши, унинг зичлиги, ўзак нурларининг миқдори йирик ва майдалигига ҳамда кесими юзасига; ёғочнинг ҳиди унда смола, ошловчи моддалар ва эфир мойлари мавжудлигига боғлиқдир. Ёғочнинг ҳиди уни эндиғина кесилганда кўпроқ сезилади. Ёғочнинг ранги, ҳиди ва кўриниши унинг қандай материал эканлигини билдирувчи белгилар бўлиб, улар ишлаб чиқаришда муҳим аҳамиятга эга. Ёғоч бўйламасига, яъни толалари бўйлаб кесилганда (тилинганда) ҳосил бўладиган табиий нақш *текстура* деб аталади. Турли ёғочларнинг текстураси турлича бўлади.

Қуруқ ёғоч иссиқликни яхши ўтказмайди, сабаби ёғочнинг говаклигидир. Унинг хужайралари ичига ҳаво тўлган бўлиб, у иссиқликни ёмон ўтказади. Зичлиги катта ёғоч зичлиги кичик ёғочга нисбатан иссиқликни яхши ўтказади. Шунингдек, қуруқ ёғоч электр токини ҳам ўтказмайди. Шунга кўра ундан изоляция материал сифатида фойдаланилади. Шуни унутмаслик керакки, намлиги кўп бўлган ёғоч токни яхши ўтказади. Чунки ёғоч коваклари сув билан тўлган бўлади.

Ёғочнинг товуш ўтказувчанлиги унда товушнинг тарқалиш тезлиги билан белгиланади. Ёғочнинг товуш ўтказувчанлиги бўйлама йўналишда ҳавога нисбатан 15-18 марта, кўндаланг йўналишда 3-6 марта ортиқдир ва бу ёғочнинг камчилиги ҳисобланади. Шу сабабли пол ва шифтларда ёғоч ортиқча сарф бўлмаслиги учун товуш ўтказмайдиган материаллар ишлатишга тўғри келади. Ёғоч материалл ёруғлик нурларини жуда кам ўтказади, ёғочнинг юпқа листи, фанер қатламлари жуда кучли ёруғлик манбаидан чиқаётган нурнигина ўтказиши мумкин. Ёғочлар ёрилувчанлик, қайишқоқлик, қовушқоқлик, қаттиқлик, михларни ушлаб қолиш хусусиятига эга. Уларни турли таъсирлар остида толалар бўйлаб ажралиши ёрилишидир. Ёрилишлар табиий ҳолда, масалан иссиқлик таъсирида қуриши натижасида, шунингдек болта ёки пона ёрдамида таъсир этиш натижасида ҳосил бўлади. Қайишқоқлик ёғочнинг ёрилувчанлигини оширади, қовушқоқлик эса камайтиради. Нам ёғоч осон ёрилади. Бироқ зичлиги кичик ёғочлар жуда хўл бўлганида қайишқоқлиги камайиб, яхши ёрилмайди пона ёки болта қисилиб қолади.

Ёғочнинг қаттиқлиги — кескичнинг ботишига қаршилик кўрсатишидир. Ёғочнинг қаттиқлик даражасини билиш учун турли хил ёғочларни ёриш, мих қоқиши, арралаш, бир хил кескич билан кесиб қўриш усулларидан фойдаланиш мумкин. Қайси ёғочни кесиши, ёриш, арралаш, мих қоқиши қийин бўлса - бу ёғоч қаттиқ ҳисобланади.

Маълумки, михлар турли материаллардан, турли қўринишда ва ҳар хил ўлчамларда ясалади. Ёғоч қайишқоқлиги сабабли қоқилган михларни ушлаб туради. Ёғочга қоқилган мих унинг толаларини таранглаштиради, толалар эса михни сиқади, унинг чиқиб кетишига қаршилик қиласди.

Ёғоч бўлакларини ёпиштириш учун ишлатиладиган *елимлар* ҳайвонот елимлари, ўсимлик ва смола еимларидан иборат. Дурадгорлик ўқув устахоналарида ҳайвонот еимлари, хусусан суяк ва казеин еимлари, смоладан қилинган еимлар кўп ишлатилади. Ўсимлик еимлари асосан фанер ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатилади. Еимлар қуюқ эритмалар ҳолида, смолали еимлар эса қуруқ парда (плёнкалар) қўринишида ишлатилади. Еим пишириш заводларида казеин ва суяк еимлари кўпинча тахтacha (плита) қўринишида чиқарилади. Тахтacha еимнинг узунлиги 150-200 мм, эни 30-100 мм, қалинлиги 10-15 мм бўлади. Суяк еими бочкага жойлаб чиқарилади. Глютинли еимлар сифатига қараб сортларга ажратилади. *Глютинли* еимлар қумқ ҳолида гигроскопик бўлади. Намланса бўқади, қиздирилса юмшайди ва суюқланади. Бу еимлар сувга чидамсизлиги учун улардан ёпиқ хоналарда турадиган буюмларни еимлашдагина фойдаланилади. *Казеин* еимларининг асосий таркибий қисми казеин, яъни ёғи олинган сузма (творогдан) иборат. Тоза сувда казеин жуда тиник бўлади, лекин эrimайди ва еим ҳосил қилмайди. Дурадгорлик ўқув устахоналарида фақат казеин порошогидан тайёрланган ва ўсимлик еимларидан, суюқ фенолформалдегидли еимлардан фойдаланилади. Бу еим қуюқ ширага ўхшаш бир жинсли суюқлик бўлиб, юпқа қатламли ва шаффофдир. *Фенолформалдегидли* еим қуидагича тайёрланади: қўшдеворли, ичи оқартирилган ёки сирланган идишга смола қуйилиб, идиш деворлари орасига совуқ сув қуийлади, идишга ацетон ёки этил спирт солиниб, смола билан узлуксиз аралаштириб турилади, кейин керосин константи ва аралашма солиниб, улами 10 минут мобайнида қориширилади.

Дурадгорлик ўқув устахонаси машғулотларида ясалган буюмларнинг сиртини бўяш, локлаш ва бошқа ишлар пардозлаш материаллари ёрдамида бажарилади. Ёғочни нам таъсиридан сақлаш, ранги ва тузилиши ўзгармаслиги учун унга юпқа қатламда лак-бўёқ суртилади. Бўёқ моддалари сув, спирт, бензин, сквидар, смола ва бошқа суюқликларда эритилиб, соллоид эритмалари ҳосил қилинади ва ёғоч буюмлар бўялади. Сувда ерийдиган бўёқ моддаларининг асосли ва кислотали хиллари кўпроқ ишлатилади. Буюмларга жигар ранг берадиган, сувда яхши эрийдиган ёнфоқ бейси ва қизил ёғоч бейси ана шу моддалар жумласига киради. Асосий бўёқ моддалари 50-70°C гача иситилган сувда яхши эрийди, ҳосил бўлган эритма филтрланади. Кислотали бўёқ моддалари дастлаб озгина

сирка қўшилган<sup>3</sup> сувга қорилади. Бўёқ моддаси эригандан кейин унга алюминийли аччиқ тош солинади. Шу компонентлар аралаштирилади ва аралашма филтрланади. Буюмларни қандай ёғочдан тайёрланганига қараб турли рангга, масалан, қайнин билан зарангни кул ранг (кумуш ранг)га, дуб, бук, арча, қарағай, тилоғоч ва бошқа ёғочларни жигар рангга бўяш мақсадга мувофиқдир.

### **Мухокама учун саволлар:**

- 1.Ёғочнинг физик хоссалари деганда нималарни тушунасиз?
- 2.Ёғочнинг электр ва иссиқлик ўтказувчанлиги деганда нимани тушунасиз?
- 3.Нима сабабдан хўл ёғоч электр токини ўтказади?
- 4.Ёғочнинг текстураси деганда нимани тушунасиз?
- 5.Ёғочнинг ёрилувчанлик ва михларни ушлаб қолиш хусусиятлари ҳакида гапириб беринг.
- 6.Дурадгорликда қандай елимлар ишлатилади?
- 7.Дурадгорликда ишлатиладига елимлар нималардан олинади?
- 8.Дурадгорликда бўёқлардан қандай мақсадларда фойдаланилади?

## **2.8.Машина, механизм элементлари, уларнинг турлари.**

### **Ёғочга ишлов бериш станоклари ва уларнинг тузилиши.**

Ёғочга ишлов бериладиган токарлик станогининг асосий қисмлари: 1 - асос; 2- электродвигател; 3 - станина; 4 - тасмали узатма тўсиғи; 5 - магнитли ишга туширгич; 6 - алохида ёритгич; 7 - олдинги бабка; 8 - планшайбали шпиндел; 9 -тиргак; 10 - кетинги бабка; 11 - шаффоф ҳимоя экранидан иборат. Ёғочга ишлов бериладиган токарлик станогининг асосий қисми йўналтиргичли *станина* бўлиб, у иккита таянч панжаларга ўрнатилади. Станинага олдинги ҳамда кетинги *бабка* ҳамда тутгичли *галадон* жойлашган. Ишчи механизmlар ҳимоя экранни билан ўралган қирқиши зонасини ҳосил қиласди. Станинанинг таянч панжалари маҳсус ёғоч асосга мустаҳкамланган чап томонида станокнинг электродвигателдан иборат электромеханик юритмаси бўлиб, у икки поғонали шкивга, шкив эса токарлик станокнинг олдинги бабкасидаги шпинделга мустаҳкамланади. *Олдинги бабка* корпус - 1, шпиндел - 2, икки поғонали шкив - 3, понасимон тасма - 4, шарчали подшипник - 5, қотиргич болт - 6 дан тузилган. Олдинги бабка заготовканинг мустаҳкамланиши ва айланма ҳаракатини таъминлаш учун хизмат қиласди.

**Кетинги бабка** корпус - 1, марказли пинол - 2, қисгич - 3, винт механизми - 4, маҳовик - 5, қотиргич винт - 6, сиқувчи тахтача - 7 дан иборат. Бу бабка узун заготовкаларнинг ўнг томондаги учининг таянчи вазифасини ўтайди.

**Тиргак асос - 1**, кескич таянчи - 2, стопор даста - 3, сиқувчи маҳовик - 4 дан иборат. У йўниш вақтида кескичининг таянчи сифатида хизмат қиласди.

Шпинделнинг айланма ҳаракати- электродвигателдан понасимон тасмали узатма ёрдамида амалга ошади; бу узатма понасимон ариқчали диаметри бар хил иккита шкив ва понасимон тасмадан иборат. Шкив электромотор ва шпиндел валлариниг учларига мустаҳкам ўрнатилади. Тасманинг бир понасимон ариқчадан иккинчи ана шундай ариқчага тортилиши натижасида шпиндел икки хил частотада айланиши мумкин. Шпиндел олдинги бабканинг корпусига ўрнатилган ва у шарчали думалаш подшипникларида айланади. Ёғоч заготовкани маҳкам ўрнатиш учун шпинделнинг олдинги учига трезубес, патрон ва ҳ.лар шаклидаги турли мосламалар бураб қўйилади. Кетинги бабка корпуси станина йўналтиргичи бўйлаб сурилади. Уни тайёрланадиган детал заготовкасининг узунлигига қараб исталган ҳолатда қотириш мумкин. Заготовкани марказларга узилкесил маҳкамлаш винт механизми ва маҳовикчали пинол ёрдамида амалга оширилади.

Токарлик станогида асосан япроқли дараҳтлар- қайнин, қора қайнин, заранг, шумтол ёғочларидан олинган заготовкалар йўнилади. Бу заготовкалар қуруқ, кўзсиз ва ёрилмаган бўлиши керак. Заготовкани танлашда йўниш ва станок мосламаларига маҳкамлаш учун диаметри бўйича 5-6 мм ва узунлиги бўйича 40-60 мм қўйим ҳисобга олинади. Заготовканинг торесида қалам билан диагоналлар ўтказилади, уларнинг кесишиган жойларига бигиз ёки кернер билан марказлар белгиланади. Ранда билан брусканинг ён қирралари рандаланиб заготовкани саккиз қиррали қилинади. Диаметри кичик ва узунлиги 150 мм гача бўлган заготовкалар патронга ўрнатилади. Бунинг учун заготовканинг учини бироз йўниб конусга ўхшатилади. Узун заготовкаларнинг бир уни трезубецга маҳкамланади. Бунда заготовка торесининг ўртасида кетинги бабканинг маркази учун кернер билан чуқурча ҳосил қилинади ва ишқаланишни камайтириш учун солидол суртилади. Тиргак юқори таянч сирти дастгоҳ марказлари чизигидан 2-3 мм баландроқ ва ишлов берилаётган деталдан 3 мм ча пастроқ турадиган қилиб ўрнатилади. Заготовканинг тирқишини текшириш учун кўлда бир марта айлантириб қўрилади.

Станокларнинг тузилишидаги умумийлик улар бажарадиган ишларнинг айланма ҳаракатлар натижасида амалга оширилишидадир. Ҳаракатни тасмали, тишли, занжирли, фрикцион, червякли узатмалар каби узатмалар билан маълум масофага узатиш мумкин. Тасмали ва фрикцион узатиш ишқаланиш асосида, тишли ва занжирли узатиш эса тишлар ва юлдузчалар ёрдамида амалга ошади. Бўларнинг ҳар бирида ҳаракат узатадиган етакловчи звено ва ундан ҳаракат оладиган етакланувчи звенолар бўлади.

**Тасмали узатма** - бир-биридан маълум масофада турган ва тасма билан ўзаро боғланган шкивларнинг биридан иккинчисига айланма ҳаракатни узатишга хизмат қиласи. Бунда тасма валларнинг шкивларига ўрнатилади ва шкивларга етарли куч билан тортилади. Шундагина шкивларда тасма сирғанмайди. Ҳаракат етакловчи звенодан етакланувчи звенога узатилади.

Етакловчи ва етакланувчи шкивларнинг диаметри бир хил бўлса, ҳаракат бир маромда узатилади. Агар етакловчи шкивнинг диаметри, масалан, икки марта катта бўлса, бунда етакланувчи шкивнинг айланиш сони икки марта қўп бўлади ва ҳ.

**Занжирли узатмадаайланма** ҳаракат бир-биридан маълум масофада турган вал ёки ғилдиракларнинг биридан иккинчисига юлдузча ва занжир орқали узатилади. Занжирли узатма юлдузчалар деб аталадиган иккита тишли ғилдирак ва уларни бирлаштирувчи туташ занжирдан иборат бўлиб, бу занжир ва юлдузчалар Металл материаллардан тайёрланади.

**Фрикцион узатмадаҳаракат** етакловчи валдан етакланувчи валга бир-бирига қаттиқ сикилган силлик ғилдираклар орқали узатилади. Бу узатмалар тикув машиналарида, масалан, найчага ип ўрашда қўлланилади. Фрикцион узатманинг ғилдираклари сирғанмаслиги, улар ўртасида зарур ишқаланиш ҳосил бўшиши учун бир-бирига қаттиқ жуфтлашиб туриши керак.

**Кривошип-шатунли механизм.** Бу механизм айланма ҳаракатни узатиш билан бирга уни ўзгатириши ҳам мумкин. Бу ҳолатни ҳам тикув машиналарининг педал қисмida кузатишимиш мумкин.

**Ёғоч ишлаш станоклари.** Ўқувчилар ўқув устахоналарида қўл меҳнатини енгиллаштирадиган ёки қўл меҳнатидан озод қиласидиган, кам вақт, оз меҳнат ва маблағ сарфлаб қўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш, маҳсулот таннархини арzonлаштириш имконини берадиган ёғоч ишлаш станокларининг турлари, тузилиши, вазифаси, уларни ишга созлаш, иш вақтида риоя қилинадиган хавфсизлик техникаси қоидалари билан ҳам танишади. Шунингдек, амалий машғулотларда бу станокларни бошқаришни ва уларда қандай ишлашни ўрганиб олади. Дурадгорлик ўқув устахоналарида ёғоч ишлаш токарлик, арралаш, рандалаш, фрезалаш, пармалаш, ўювчи ва бошқа турдаги ёғоч ишлаш станоклари ишлатилади. Ёғоч ишлаш станоклари ўқув устахоналарининг саҳни ва хоналарнинг сонига қараб, хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилган ҳолда турлича жойлаштирилади.

**Ёғоч ишлаш токарлик станоги.** Дурадгорлик ўқув устахонларида ТД-120 ёки ТСД-120 типидаги ёғоч ишлаш токарлик станоклари ўрнатилади. Бу станоклар ёрдамида ёғоч материаллардан ҳар хил айланиш сиртларига эга бўлган деталлар, шаклдор буюмлар тайёрланади. ТД-120 типидаги ёғоч ишлаш токарлик станогининг асосий қисмларига станина 1, олдинги бабка 2, кетинги бабка 3 ва тиргак 4 киради. ТСД-120 типидаги станогида бўлардан ташқари ўювчи мослама 5 ҳам бўлиб, унинг ёрдамида ўйиш-тешиш ишлари бажарилади. Станина станокнинг таянч-туткич узели бўлиб, унга станокнинг қолган ҳамма узеллари ўрнатилади. Станинада иккита ўзаро параллел йўналтирувчиси бор, улар бўйлаб кейинги бабка ва тиргак бўйлама йўналишда сурилади. Олдинги бабка ишланадиган ёғоч материалларни тутиб туради ва уни айланма ҳаракатга келтиради. Олдинги бабканинг шпиделига погонали шкив кийдирилган бўлиб, унга тасма орқали электрдвигателдан ҳаракат узатилади. Тасмани шкивнинг турли

погоналарга алмаштириш йўли билан шпинделнинг айланишлари сони ўзгартирилади. Шпинделга ишланадиган ёғоч материални тутиб туриш имконини берадиган вилка, планшайба, рюмка-патрон ўрнатилади (шпинделга ўз-ўзидан марказланувчи уч қулачокли патрон ўрнатилса, у вилка, планшайба ва рюмка-патронламинг ўрнини босади ва бу билан ёғоч материални ўрнатиш вақтидаги қийинчиликлардан ҳоли бўлинади).

Кетинги бабка узун ўлчамли ёғочларни марказда тутиб туриш ва кескич (парма)ларни ўрнатиш имконини беради. Йўниш, қирқиши вақтида исканаларни тутиб (тираб) туриш мақсадида тиргакдан фойдаланилади. Ишланадиган ёғочнинг ўлчамига ва унга қандай ишлов берилишига қараб, тиргакни шпинделга ва параллел ёки кўндаланг ҳолда станинага ўрнатилади. Тиргак ҳамма вақт марказга мосланиб, ишланадиган ёғочга яқин ўрнатилади.

Кетинги бабка ва тиргак станинанинг йўналтирувчилари бўйлаб олдинги бабкага нисбатан керакли масофага сурилгандан сўнг тортқи болтлар ёрдамида станинага қўзғалмайдиган қилиб қотириб қўйилади. Тайёрланадиган детал ва буюмларнинг ўлчамига қараб ишланадиган ёғочлар станокка турли хил мосламалар: вилка ва марказ, планшайба, рюмка-патрон, қулачокли патронлар (мосланган бўлса) ёрдамида ўрнатилади. Бунда узун ўлчамли, кичик диаметрли ёғочлар вилка ва марказ орасига, қисқа ўлчамли, кичик диаметрли ёғочлар люмка-патронга, қисқа ўлчамли, катта диаметрли ёғочлар эса планшайбага ўрнатилади.

Ёғоч ишланадиган токарлик станокларида йўниш, қирқиши ишлари маҳсус токарлик исканалари ёрдамида бажарилади. Йўнувчи (рейер) ва қирқувчи (майзел) исканалар бўлади. Ёғочни хомаки йўниш, ботик сиртлар ҳосил қилиш, ички сиртларни йўниб кенгайтириш йўнувчи исказа ёрдамида бажарилади. Бу исказа нов шаклида бўлиб, тифи ёйсимон кўринишда бўлади. Хомаки йўллилган сиртларни пардозлаш, қавариқ сиртлар ҳосил қилиш, тайёр деталларни қирқиб тушириш ишлари қиравчи исказа ёрдамида бажарилади.

Ёғоч ишланадиган токарлик станогида ишлаш вақтида қўйидаги хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш талаб этилади:

1. Шпинделнинг ҳамма вақт тўғри (ишлаётган одам қараб) айланишига эътибор бериш керак. Шпинделнинг тўғри айланишини таъминлаш учун электр двигатели включател ёрдамида уланадиган қилиб созланади (ҳар қандай ёғоч ишлаш станогида электр двигателини юргизиш ва тўхтатиш включател ёрдамида бажарилади). Электр двигатели ҳеч вақт переключател ёрдамида бошқариладиган қилиб созланмайди.

2. Ишланадиган ёғочларни марказ ва вилка орасига, патронларга, планшайбага маҳкам ўрнатиш лозим. Шундай қилинмаса, шпиндел катта тезлик билан айланадиганда, йўниш ишлари бажарилаётганда ёғоч туткичлардан чиқиб кетиши ва ишловчини шикастлаши мумкин. Бунинг олдини олиш мақсадида ёғоч ўрнатилгандан сўнг бирданига йўнишни бошламасдан, олдин қўл билан ёғочни айлантириб, унинг пухта ўрнатилганингига ва тиргакка тегиб қолмаслигига ишонч ҳосил қилинади.

3. Шпиндел айланиб турганда вилка ва марказ орасига ёғоч ўрнатмаслик керак.

4. Иш вақтида тиргакни ҳамма вақт марказга мослаб, ёғочга яқин ўрнатиб бориш зарур. Бунинг учун йўниш давомида вақти-вақти билан тиргакни ёғочга яқинлаштириб суреб борилади. Тиргак ёғочдан узоклашганда кескич (искана)га таъсир этувчи куч ортиб кетиб, уни тутиб туриш қийинлашади, искана тушиб кетиб, ёғочнинг, яъни тайёрланадиган буюмнинг сифатини бузади.

Тиргаксиз йўниш ва қирқишига рухсат этилмайди (тайёр буюмларни жилвириаб пардозлашда жилвир қоғоз тутилса, қўл тиргакка қадалиб қолмаслиги учун тиргак олиб қўйилади),

5. Иш вақтида кетинги бабка ва тиргакни станина йўналтирувчиларига маҳкам қотириб ўрнатиш керак. Акс ҳолда ёғоч марказдан чиқиб кетиши, тиргакка қадалиб қолиши натижасида иш сифати бузилиши ва ишлаётган одамни шикастлаши мумкин.

6. Станокни тўхтатмасдан туриб ишланган сиртнинг силлиқлигини қўл билан текшириш, ўлчамини аниқлаш тақиқланади.

7. Иш вақтида ҳимоя кўзойнаги тақиб олиш зарур.

Пармалаш станогида ишлаганда қуидаги хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш талаб этилади:

1. Шкивларни иҳоталаб қўйиш керак.

2. Иш вақтида тасмани алмаштириш ярамайди.

3. Шпинделни тўхтатиш учун тасмани қўл ёрдамида торнозламаслик керак.

4. Иш вақтида пармани ёғочдан ўтиб кетиб, плитани пармалаб қўймаслиги, уни ишдан чиқармаслиги лозим. Бунинг учун пармаланувчи ёғоч остига эҳтиёт тахтаси ўрнатилади.

5. Пармалаш катта тезлиқда олиб борилади. Шунинг учун пармаланадиган ёғочни маҳкам ушлаш, қўйиб юбормаслик талаб этилади. Акс ҳолда ёғоч қўлдан чиқиб кетиб, ишлаётган одамни шикастлайди.

### **Мухокама учун саволлар:**

1. Ёғочга ишлов бериладиган токарлик станогининг вазифаси нима?

2. Ёғочга ишлов бериладиган токарлик станогининг асосий қисмларини ва уларнинг вазифасини айтинг.

3. Ёғочга ишлов бериладиган токарлик станогига заготовкаларни ўрнатиш усуулларини тушунтиринг.

4. Тиргакни ўрнатиш усуулларини тушунтиринг.

5. Харакатни узатиш механизмлари деганда нимани тушунасиз?

6. Узатмалар турларини санаб беринг.

7. Етакловчи ва етакланувчи звеноларни изоҳлаб беринг.

8. Дурадгорлик ўқув устахоналарида қандай типдаги ёғочга ишлов берувчи станоклари ўрнатилади?

9. Ёғочга ишлов берувчи токарлик станокларида қандай сиртларга эга бўлган деталлар, буюмлар тайёрланади?

10. Ёғочга ишлов берадиган токарлик дастгоҳининг асосий қисмларига нималар киради?
11. Нима учун иш бажариш жараёнида тиргакдаги фойдаланилади?
12. Ёғочлар станокка қандай мосламалар ёрдамида маҳкамланади?
13. Пармалаш станогининг вазифаси нима?
14. Пармалаш станогини қисмларини айтиб беринг.
15. Ёғочга ишлов бериладиган дастгоҳларда қандай хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилиш талаб этилади.

## **2.9.Технологик хариталар, уларни тузиш ва фойдаланиш**

Ўқитувчи томонидан ҳар бир дарсни яхлит ҳолатда кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун бўлажак дарс жараёнини лойиҳалаштириб олиш керак. Бунда ўқитувчи учун бўлажак дарсни технологик харитасини тузиб олиши катта ахамиятга эгадир, чунки дарснинг технологик харитаси ҳар бир мавзу, ҳар бир дарс учун ўқитилаётган предмет, фаннинг хусусиятидан, талаба (ёки ўкувчи)ларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиккан ҳолда тузилади. Технологик харитани тузиш осон иш эмас, чунки бунинг учун ўқитувчи педагогика, психология, хусусий методика, педагогик ва ахборот технологиялардан хабардор бўлиши, шунингдек, жуда кўп услугуб ва усулларни билиши керак. Ҳар бир дарснинг ранг-баранг, қизиқарли бўлиши аввалдан пухта ўйлаб тузилган дарснинг лойиҳалаштирилган технологик харитасига боғлик.

Дарснинг технологик харитасини кай кўриниш (ёки шакл)да тузиш, бу ўқитувчининг тажрибаси, кўйган максади ва ихтиёрига боғлик. Технологик харита қандай тузилган бўлмасин, унда дарс жараёни яхлит ҳолда акс этган бўлиши хамда аник белгиланган максад, вазифа ва кафолатланган натижа, дарс жараёнини ташкил этишининг технологияси тўлик уз ифодасини топган бўлиши керак. Технологик хаританинг тузилиши ўқитувчини дарсни кенгайтирилган конспектини ёзишдан халос этади, чунки бундай харитада дарс жараёнининг хамда ўқитувчи ва талаба (ёки ўкувчи) фаолиятининг барча қирралари ўз аксини топади.

### **Технологик харита**

<b>Мавзу</b>	<b>Ёғоч турлари ва унинг хусусиятлари</b>
Максад вазифалари	Максад: ўкувчиларга худудларда ўсадиган дараҳтлар ва улардан олинадиган ёғочлар, уларнинг хусусиятлари тўғрисида тушунча бериш. Вазифалар: ўкувчиларда мавзуга нисбатан кизикиш уйготиш, уларда мавзу асосида билим ва кўниқмаларни шакллантириш ва кенгайтириш.
Ўкув жараёнининг	Ўкувчиларга мактаб жойлашган худудда ўсадиган дараҳт турларини ва уларнинг аҳамияти нинг, улардан олинадиган ёғочларнинг

мазмуни	ишлиатилиш соҳаларининг, ёғочнинг хоссалари ва хусусиятларини ишлиатилиш соҳаларини ва унинг физикавий хоссалари тўғрисидаги билимларини кенгайтириш
Ўкув жараёнини амалга ошириш технологияси	Метод: оғзаки баён килиш. Шакл: сұхбат-мунозара Восита: күргазмали куроллар Усул: ёғоч намуналарини курсатиш мисолида Назорат: оғзаки савол-жавоблар Баҳолаш: рағбатлантириш
Кутиладиган натижалар	Ўқитувчи: мавзуни киска вакт ичидаги барча ўкувчилар узлаштиришига эришилади, ўкувчилар фаолияти ошади, дарсга нисбатан кизикиш ўйғотади, барча ўкувчиларни баҳолайди. Ўз олдига куйган максадга эришади. Ўқувчи: янги билимларни эгаллайди. Нутки ривожланади, эслаб қолиши қобилияти ўсади, киска вакт ичидаги кўп маълумотга эга бўлади ва баҳо олади.
Келгуси режалар	Ўқитувчи: янги педагогик технологияни ўзлаштириш ва дарсда тадбик этиш такомиллаштириш. Ўз устида ишлаш. Мавзуни хаётий воеалар билан боғлаш, педагогик маҳоратни ошириш. Ўқувчи: матн билан мустакил ишлашни ўрганади. Ўз фикрини равон баён кила олади. Мавзу асосида кўшимча материаллар топади, уларни ўрганади.

Ўқитувчи ўқитаётган фанининг хар бир мавзуси, хар бир дарс машгулоти буйича тузган технологик харитаси, унга фан (ёки предмет)ни яхлит холда тасаввур этиб ёндашишга, тушунишига (бир семестр, бир ўқув йили бўйича), яхлит ўқув жараёнининг бошланиши, максадидан тортиб, эришиладиган натижасини кура олишига ёрдам беради. Айникса, технологик хаританинг талаба (ёки ўқувчи)ларнинг имконияти ва эҳтиёжидан келиб чиккан холда тузилиши, уни шахс сифатида таълимнинг марказига олиб чиқишига ва бу билан ўқитишининг самарадорлигини оширишга имконият беради.

Ўқув жараёнда ўқувчиларга шахс сифатида каралиши, турли педагогик технологиялар хамда замонавий услубларнинг кулланилиши, ўқувчиларни мустакил, эркин фикрлашга, изланишига, хар бир масалага ижодий ёндашиш, масъулиятни хис килиш, илмий тадқикот ишларини олиб бориш, таҳдил килиш, илмий адабиётлардан унумли фойдаланишига, энг асосийси, укишига, фанга ва узи танлаган касбига бўлган кизикишларини, шунингдек педагогга нисбатан хурматини кучайтиради.

Таълим-тарбия жараёнларида янги педагогик технологияларни кўллашда ўтмиш алломаларимизнинг ғоя ва қарашларидан фойдаланиш ўқувчиларни ўқитиш ва тарбиялашни янада самарали бўлишини таъминлайди.

### Мухокама учун саволлар:

1. Технологик харита кандай тузилади?

2. Технологик харитадан кандай фойдаланилади ва унинг аҳамияти нимада?

### III. МЕТАЛЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

#### 3.1.Металл турлари ва уларнинг хусусиятлари.

Одатда табиатдаги моддалар шартли равишда Металлар ва металлмасларга бўлинади. Металлар — табиатда энг кўп учрайдиган моддаиардир. Яъни Д.И.Менделеев даврий жадвалида кўрсатилган 104 та элементдан 83 таси металлдир. **Ҳарорат пасайгани сари электр токини ўтказувчанлиги ортадиган, иссиқликни яхши ўтказадиган, болғаланувчанлик ва ўзига хос ялтироқликка эга бўлган элементлар металлар деб аталади.** Металларнинг асосий хоссаларидан бири уларнинг электр ўтказувчанлигидир. Ҳарорат кўтарилиши билан уларнинг электр ўтказувчанлиги ортади. Металларнинг иссиқлик ўтказувчанлиги ҳам шундай хусусиятга эга. Металларнинг муҳим хоссаси уларнинг пластиклиги, яъни болғаланувчанлигидир, чунки уларни юпқа тунука (лист) тарзида ёйиш ва сим бўлиб чўзилиши кўп жиҳатдан мана шу хусусиятига боғлиқдир. Металларга ишлов бериш усусларини қўлланилишида уларнинг ана шу хоссалари хисобга олинади. Барча металлар иккита катта гурухга бўлинади: қора Металлар ва рангли металлар. Қора металлар гурухига темир ва унинг қотишмалари: чўян ва пўлат киради. Дунёда саноатда ишлатиладиган металларнинг 93% ини қора металлар ташкил этади.

Табиий бирикмалардан металлни ажратиб олиб, уни ишлаб, аниқ зарурий хусусиятга эга бўлган Металларни олиш технологик жараёни *Металлургия* деб айтилади. Металлургияда темир ажратиб олинадиган бирикмалар темир рудалари деб аталади. Рудаларнинг асосий қисмини темир ташкил қиласи. Темир табиатда энг кўп тарқалган элемент хисобланиб, ер қатлами оғирлигини 4,7% ташкил этади. Лекин соф темир юмшоқ бўлганлигидан ундан турли қурилмаларни тайёрлаб бўлмайди. Шунинг услиун машиналар ва бошқа турли хил қурилмаларни тайёрлашда саноатда асосан темир қотишмалари, яъни чўян ва пўлатдан фойдаланилади, чунки уларнинг хусусиятлари темирнига қараганда анча юқоридир. Чўян ва пўлат асосан тоғ жинслари – рудаларни печларда эритиш йўли билан олинади.

**Пўлат ҳақида тушунча.** Пўлат деб таркибида 2,14% гача углерод бўлган темир-углерод қотишмасига айтилади. Пўлатнинг таркибида бундан ташқари доимий аралашма сифатида оз микдорда марганес, мис ва фосфор каби элементлар ҳам бўлади. Пўлатнинг таркибидаги углерод микдори ортиб бориши билан унинг мустаҳкамлиги ва қаттиқлиги ортади, лекин пластиклиги камаяди. Шунингдек зарбий қовушқоқлиги, иссиқлик ва электр ўтказувчанлиги ҳамда магнитланиш хусусиятлари камаяди,

лекин углероднинг миқдори 1,0% дан кўп бўлса мустаҳкамлик ҳам камаяди. Пўлат таркибидаги қўшимчалар ҳам фойдали ёки заарли бўлади. Масалан, марганес, мис ва алюминийлар фойдали. Углерод, фосфор кабилар, агар кўпайиб кеца, заарли моддалар ҳисобланади. Улар таъсирида пўлатнинг иссиқ ва совуқ ҳолдаги мўртлиги ортади, пластиклиги ва қовушқоғлиги эса камаяди. Лекин фосфор фойдали ҳам бўлиши мумкин. Чунки у пўлатга ишлов беришни енгиллаштиради, мис эса пўлатни зангламаслик (коррозиябардошлиқ) хусусиятини оширади.

**Пўлатларнинг турлари.** Пўлатлар турлича бўлади. Масалан: 1) ишлаб чиқариш услубига қараб: конвертор, мартен ва электр пўлатлари; 2) кимёвий таркибиغا қараб: углеродли ёки легирланган пўлатлар; 3) вазифасига кўра: конструкцион, асбобсозлик ва маҳсус пўлатлар; 4) углерод миқдорига қараб: кам углеродли, ўртача углеродли ва юқори углеродли пўлатлар бўлади. Демак, пўлатлар олиниш усули ва таркибиغا кўра бар хил бўлади. Пўлатларнинг таркибиغا қўшилган бошқа элементлар уларнинг турли хоссаларини, масалан, қаттиқлик, зангламаслик, оловга бардошлиқ каби хоссаларини оширади. Пўлатларнинг бу хоссаларидан техникада керакли жойларда қўлланилади.

**Чўянлар ва уларнинг турлари.** Юқорида таъкидланганидек, таркибидаги углерод миқдори 2,14% фоиздан кўп бўлган темир-углерод қотишмалари чўянлар деб аталади. Чўян таркибида углерод миқдори 4 % гача, айrim ҳолларда эса 6 % гача бўлади. Чўянлар қуйидаги белгиларига қараб турларга бўлинади:

1. Вазифасига қараб: қайта ишланадиган ва қўймакорлик чўянлари.
2. Структураси (тузилиши)га қараб: оқ, кулранг ва оралиқ чўянлар.
3. Углероднинг чўяндаги ҳолатига қараб: кулранг, боғланувчан (терилувчан), юқори мустаҳкам чўянлар.
4. Металл структурасига қараб: ферритли ва перлитли чўянлар.
5. Кимёвий таркибиغا қараб: легирланмаган чўянлар; оз, ўртача ва юқори легирланган чўянлар.

**Чўянларнинг хоссалари.** Қайта қувиш чўянлари асосан оқ чўянлар бўлиб, уларнинг катта қисми пўлат ишлаб чиқаришга сарфланади. Уларга техник ишлов бериб болғанувчан чўянлар ҳам олиш мумкин. Қўймакорлик чўянларидан ҳар хил деталлар қуйишда фойдаланилади. Оқ чўянлардан тайёрланган қўймалар ишқаланишга чидамли бўлади. Чўянлар пўлатлардан таркибидаги углерод миқдоридан ташқари яхши қувилиш хусусиятлари билан ҳам ажратиб туради. Уларни оддий шароитда босим остида ишлаб бўлмайди, лекин пўлатдан арzon. Чўяннинг таркибида мис, углерод, фосфор каби аралашмалар ва никел, хром, мис, молибден каби легирловчи элементлар ҳам бўлади. Улар чўяндаги графит миқдорига, бу эса ўз навбатида унинг структураси ва хоссаларига таъсир қиласи. Бундан ташқари чўяннинг хоссалари уни совитиш тезлигига ҳам боғлиқ. Чўяннинг таркибида углероднинг кўплиги уни эриш ҳарорати ва кристалланиш оралигини камайтиради, яъни уларнинг қўймакорлик хусусиятларни яхшилайди. Чўян ва

пўлатнинг асосий механик хоссаларига қаттиқлик, эластиклик, пластиклик ва мўртлик киради. **Қаттиқлик** деганда материалнинг унга таъсир этаётган куч ёки жисмга нисбатан қаршилик кўрсатиш хусусияти тушунилади. **Эластиклик** деб материалга таъсир этаётган куч тўхтагандан кейин материалнинг дастлабки ҳолатига қайта олиш хтисусиятига айтилади. Аксинча бўлса, яъни материалга таъсир этаётган куч тўхтагандан кейин материалнинг дастлабки ҳолатига қайтмаслиги **пластиклик** деб айтилади. **Мўртлик** деб материалнинг куч таъсирида илкис синиб кетиш ҳолатига айтилади. Чўянлар пўлаттга нисбатан анча мўрт бўиади. Жисмнинг қаттиқлиги ошган сари унинг мўртлик даражаси ҳам ошиб боради.

### **Мухокама учун саволлар:**

1. Қора металлар деб нимага айтилади?
2. Пўлат деб нимага айтилади? Пўлатларнинг қандай турлари бор?
3. Чўян деб нимага айтилади? Чўянларнинг қандай турлари бор?
4. Пўлат ва чўяннинг механик хоссалари нималардан иборат?
5. Металлар турмушда ва техникада қандай аҳамиятга эга? Пўлат ва чўяндан қандай буюмлар тайёрланади?

### **3.2.Металлга ишлов беришда улчаш, режалаш, дастлабки ишлов бериш асбобларини ишга тайёрлаш ва ишлаш усуллари.**

**Металларга қўлда ишлов бериш мосламалари ва асбоблари.** Одатда металларга қўида ва станоклар ёрдамида ишлов берилади. Металларга ишлов бериш бўйича бир неча хил касб турлари мавжуд. Масалан металларга асосан совуқ ҳолда ишлов берувчилар чиланганаарлар, иссиқ ҳолда ишлов берувчилар эса темирчилар деб аталади. Шунингдек, қайси станокда ишлов берилишига қараб, токар, фрезаловчи, рандаловчи, пардозловчи каби касблар ҳам бор. Мактаб шароитида ўкув устахоналарида металларга ишлов берилади. Металларга ишлов беришга мўлжалланган ўкув устахонаси иш ва ўлчов асбоблари, мосламалар, станоклар билан жиҳозланади. Устахонада материаллар ва зарур кўргазмалар ҳам бўлади. Устахонада олиб бодладиган машғулотлар иш ўрни деб аталувчи маҳсус жойда бажарилади. Иш барча керакли асбоб-ускуна ва материиллар билан таъминланади. Иш ўрни дастгоҳ (верстак) деб аталувчи мослама билан белгиланади. Дастгоҳлар ҳар бир ўкувчининг бўйига мосланадиган бўлади. Мактаб ўкув устахонасида металларга асосан қўлда ва совуқ ҳолда ишлов берилади. Шунинг учун ҳам ўкувчиларнинг бу соҳадаги ишларни чилангарлик ишига қиёслаш мумкин. Металларга ишлов бериш ишларини бажариш учун аввало иш ўрнини жиҳозлаб олиш керак. Мактаб ўкув устахонасида ҳар бир ўкувчи учун алоҳида иш ўрни жиҳозланади. Бу эса ўкувчиларни машғулот пайтида бир-бирларига халақит беннай ишлашлари учун қулайдир. Ҳар бир иш ўрнига чилангарлик ишларини бажариш учун зарур бўлган асосий мослама — тиски ўрнатилади. Тиски ишлов бериладиган буюм ёки

деталларни маҳкам тутиб туришга хизмат қилади. Иш вақтида тискининг баландлиги ҳар бир ўқувчиининг бўйига мос slab олинади. Бунинг учун дастгоҳ остига ўрнатилган маҳсус тушириш-кўтариш винтидан фойдаланилади. Агар бундай винтли механизм бўлмаса оёқ остига таглик кўйилади. Асбоблар иш ўрнида тартибли жойлаштирилиши зарур.

Металларга ишлов беришда бир неча хил асбоб-ускуналардан фойдаланилади. Бўлар ўлчаш-режалаш ва иш асбобларидан иборат. Ўлчаш-режалаш асбобларига металл линейка, буклама метр, чизгич, Штангенциркул кабилар киради. Улар ёрдамида чизиқли қисқа узунликиар ўлчанади ва режа чизиқлари чизилади. Узунроқ ўлчамлар **буклама** метр ёки **рулетка** ёрдамида ўлчанади.

**Металл линейка** (жазбар) пўлатдан тайёрланиб, уни ёрдамида деталларнинг тўғри чизиқли ўлчамлари белгиланади ва текширилади. Чизгич - металл қалам бўлиб, учи ўткирланган 3-5 мм диаметрли металл стержендир. Улар асбобсозлик пўлатидан тайёрланади, учлари тобланади. Чизгич заготовкаларни режалашда ишлатилади. Агар заготовкага чизиқчалар тортиш номақбўл бўлса, заготовкани тирнамай из қолдирадиган латун чизгичлардан фойдаланилади. Эгри чизиқлар эса игнаси тегишли радиусли айлана ва ёйлар чизишга мосланган чизгич (хаткашлар) ёрдамида чизилади.

**Циркул** ёрдамида айланалар, ёйлар чизилади ва бошқа геометрик ясашлар бажарилади.

**Штангенциркул** воситасида катта радиусли айлана ва ёйлар рсжуланади, ички ва ташқи диаметрлар ўлчанади. Штангенциркул ёрдамида ўлелиамларни 0,05-0,02 мм аниқликкача ўлчаш мумкин. Ўлчашда қўзғалувчан рамка ҳаракатланади, ўлчаш тугагач рамкани маҳкамловчи винт бураб қотирилади. Бу асбоб билан ўлчашда аввал штангадан бутун миллиметрлар аниқланади. Кейин нониусдан миллиметрнинг улуши аниқланади. Бунда штанга чизиги билан нониуснинг чизиги тўғри келган жойи детайнинг ўлчами бўлади. **Рейсмас** вертикал ва қия юзаларда горизонтал чизиқчалар лорлиш учун ишлатилади.

**Кернер** диаметри 8-13 мм ли пўлат стетжен бўлиб, у билан режаланадиган юзаларда тешикларнинг марказ нуқталари ҳосил қилинади. Кернернинг конус учи  $60^\circ$  бурчакли қилиб шархланади. Кернерлар асбобсозлик пўлатларидан ясалади ва учлари қаттиқ бўлиши учун тобланади. Режаловсби асбобларнинг учлари яхши шархланган бўйиши керак. Ишни тезлаштириш учун муракқаб контурлар шаблонлар ёрдамида режаланади.

**Бурчаклик** (гўния) ишлов берилаётган деталларнинг тўғри бурчаклилигини текширишда қўлланилади. Аниқ режалаш ишлари

мусталикам асосга ўрнатилган ва иш юзаси яхши ёритилган **режалаш плитасида** бажарилади. Плитани тирналишидан ва пачоқаланишдан сақлаш, заготовка ва асбоблар яхшироқ сирпанадиган бўлиши учун унинг юзасига мунтазам равишда графит суртиб туриш лозим. Иш тамом бўлгандан кейин плита тозаланади, артилади ва ёғоч қопқоқ билан беркитиб қўйилади. Бўлардан ташқари чилангарлик ишларида эгри сирт, айланаларни аниқлаш учун **кронциркул** ва **нутромер** каби асбоблар ҳам ишлатилади.

### **Мухокама учун саволлар:**

1. Металларга қўлда ишлов беришда қандай мослама ва асбоблардан фойдаланилади?
2. Металларга қўлда ишлов беришда иш ўрни қандай жиҳозланади?
3. Ўлчаш, режалаш ва дастлабки ишлов бериш асбобларига нималар киради?
4. Штангенциркул қандай асбоб ва ундан қандай фойдаланилади?
5. Кронциркулнинг вазифаси нима?
6. Буюмлар ясашда режалашнинг қандай аҳамияти бор?
7. Режалаш усууллари ҳақида гапириб беринг.

### **3.3.Металлга ишлов бериш технологияси, металлга ишлов бериш асбобларини ички кисмлари созлаш ва таъмирлаш.**

Металларга ишлов беришда фойдаланиладиган иш асбоблари ҳам бир неча турдан иборат. Масалан, зубило ортиқча металлни қирқиб ташлаш, металларни қирқиб бўлаклаш, ариқчалар очиш ва бошқа шу каби ишларни бажариш учун ишлатилади. Зубило иш қисми - кескич, каллак, ўрта қисмдан иборат. Зубило билан металл кесиш операциясини бажариш учун унинг каллагига болға билан урилади ва унинг кескич қисми металл ичкарисига киради. Зубило билан металлни қирқишидан аввал иш ўмини тайёрлаш, металлни қирқишида эса маҳсус ҳолатда туриш лозим. Болға дастасини нвиридан 20-30 мм беридан, зубилони еса каллакдан 20-30 мм пастроғидан ушлаш Корак. Металлни плита устида зубило билан кесишда зубило заготовкага вертикал (тиқ) ИмУйтда қўйилади. Ишни бошлашдан олдин болғанинг дастага маҳкамланлганини, зубилқнинг ишга яроқлилиги ва унда ёриқлар йўқлигини текшириш керак. Қалинлиги 2 мм гача бўлган металларни бир томонидан, 3 мм дан қалин бўлган металларни иккинчи томонидан кесиб, кейин синдирилади. Зубило билан кесишда режа чизиғдан 1-2 мм ъ1ъилтлинш керак. Зубилонинг ўлчами (катта-кичиклиги) унинг кесувчи қирраси нильъи)нинг енига қараб белгиланади. Зубилолар кесувчи қирраларининг эни 5, 10, 15, .ъ0 ва 25 мм, тифининг ўткирлик бурчаги  $45-70^{\circ}$  ли қилиб чиқарилади. Қирқиладиган металларнинг қаттиқлигига қараб ўткирлик бурчаги катта бўлади. Зубилолар

.р.бобсозлик пўлатласидан тайёрланади ва иш қисми ҳамда муҳраси тобланади. *Крейсмейсел* зубилонинг бир тури бўлиб, заготовкаларда тор ариқчалар ва пазлар очиш учун ишлатилади Крейсмейселлар зубилолардан иш қисмининг шакли ва кесувчи қиррасининг ени билан фарқ қиласиди; крейсмейселларда кесувчи қирра ени 2, 5, 8, 10, 12 ва 15 мм бўлади.

*Болғалардан* металларни қирқиши, тўғрилаш, эгиш, парчинлаш ва бошқа шу каби ишларда фойдаланилади. Болғаларнинг муҳралари доиравий ва квадрат б) бўлиши мумкин. Болғаларнинг дастаси қуруқ, еластик ва пишиқ ёғочдан - қайнин, заранг, бук (қора қайнин), четан, қизил дараҳтлар ёғочидан ясалади. Болғага ўтқазиладиган дастанинг болғага ўрнатилган учига ёғоч ёки металл пона қоқиласиди. Болғалар оғирликларига қараб бир-биридан фарқ қиласиди, Улар 200, 400, 500, 600, 1000 г оғирликда тайёрланади. Бундан ташқари 50 ва 100 г ли квадрат муҳрали болғачалар ҳам тайёрланади, улардан майдада асбобсозлик ишларида фойдаланилади. 200 граммли болғачалардан режалаш ишларида фойдаланилади; бошқа слесарлик ишлари асосан 400 ва 600 г оғирликдаги болғачаларда бажарилади. Оғирлиги 2 кг дан 12 кг гача бўлган темирчилик болғалари ҳам бўлади. Чилангарлик болғалари асбобсозлик пўлатларидан тайёрланади ва иш муҳралари тобланади. Тунука материалларни тўғрилаш ва текислашда ёғоч ва резина тўқмоқлар ҳам ишлатилади.

*Ножовкалар* (дастаки appa) - пўлат арралар рамка ва унга маҳкамланган тишли юпқа полоса - алмаштириледиган ножовка полотносидан иборат бўлган кесувчи асбодири. Ножовка, яъни металл кесиши арраси қалин металл листларни, кўндаланг кесим юзаси доира шаклидаги материалларни қирқишига ва металларда оралиқ очишга хизмат қиласиди. Ножовка рамкалари бикр (ажралмайдиган) ва ажраладиган бўлади.

Ажраладиган рамка анча қулайдир, чунки унга узунлиги бар хил арра полотноларини ўрнатиш мумкин. Рамканинг бир учида даста ва арра полотносини ўрнатиш учун ўйиқ очилган қўзғалмас стержен; иккинчи учида ўйиқ ва қулоқли гайкали тортиш винти бўлади ва бу винт арра полотносини таранглашга хизмат қилиули. Арра полотноси жуда қаттиқ ёки жуда бўш тортилмаслиги керак. Чунки мана шу иккала лиолда ҳам арра полотноси синиб кетиши мумкин. Арра полотноси рамкага иккиту сулфит ёрдамида ўрнатилади.

Даста ножовка полотносини маҳкамлаш ва таранглаш, шунингдек, арралашда пололнони у ён-бу ёнга ҳаракатга келтириш учун хизмат қиласиди. Ножовка полоиносида олдинги бурчаги  $0\text{--}12^\circ$  ва кетинги бурчаги  $40^\circ$  ли пона шаклидаги тишлилар бўлади. Икки қўшни тиш учлари орасидаги масофа қадам деб аталади. Дастага полотнонинг тишлилари босиш томонига қаратиб ўрнатилади. Дастаки ножовкалар уиълуин полотнолар тишлирининг қадами 0,8; 1,0; 1,25; 1,6 мм ли қилиб ииийёргланади. Қадами 0,8 ва 1,0 мм бўлган полотнолар ёрдамида юмшоқ ва қовушқоқ материаллар - мис, алюминий қотишмалари, латунлар, пластмассалар иниаланади; қадами 1,25 ва 1,6 мм бўлган полотнолар пўлат ва чўянни **уналусли** учун ишлатилади.

Полотнонинг араланаётган материалига ишқаланишини камайтириш учун уларнинг тишлари очилади. Ножовка полотнолари асбобсозлик пўлатлардан ясалади ва термик ишланади. Аппа билан айлана деталларни кесиши учун уларни тискига маҳкамлашда тискининг лабларига ёғоч тахталар қистирилади ва арра полотносини  $45^{\circ}$  бурчак остида ўрнатилади. *Дастаки қайчилар* воситасида юпқа лист материаллар - тунукалар қирқилади. Ҳар қайси тифининг кесувчи қисмидаги шархланиш қиялиги қайси томонда еканлигига қараб, қайчилар ўнақай ва чапақай турларга бўлинади. Кўпчилик ишлар учун ўнақай қайчи кўл келади, чунки бу қайчи билан ишлаётган кишига режа чизиқлари яхши кўриниб туради. Қайчи тифининг ўткирлик бурчаги  $65\text{--}80^{\circ}$  бўлади; қайчининг тиғлари  $0,1\text{--}0,2$  мм оралиқ (зазор) билан ўрнатилади. Қайчиларнинг тиғлари асбобсозлик пўлатларидан тайёрланади ва термик ишлов берилади. Қалинроқ лист материаллар, йўғонроқ чивик материаллар, қалинроқ поиоса ва бошқа материаллар ричагли қайчи билан (11-расм, б), юритмали машина қайчи, диск қайчи ва бошқа қайчилар билан қирқилади. Металлга ишлов беришда эговлардан ҳам кенг фойдаланилади. Эговлар (12-расм) заготовкаларнинг юзаларини еговлаш учун ишлатилади. Металлни эговлаш - лининг юзасидан эгов билан юпқа қатламни олиб ташлаш бўлиб, бундан мақсад металлни керакли шакл ва ўлчамга келтиришдир. Эговлаш икки хил бўлади -хомаки еговлаш ва силлиқ эговлаш. Эговнинг ёқларида ўткир тишлар кертилган ёки қирқилган бўлади. Асосий кертик еговнинг ўқига  $65^{\circ}$  қиялатилиб, ёрдамчи кертик esa  $45^{\circ}$  қиялатилиб қилинади. Асосий кертик тиш профилини ҳосил қиласи, ёрдамчи кертик эса тишни айрим қисмларга бўлади, бунинг натижасида қиринди майдаланиб, унинг ажралиб чиқиши осонлашади. Эговлар 10 мм узунлигига тўғри келадиган асосий кертиклар сонига қараб, олтита номерга бўлинади.

Эгов ҳам кесувчи тишли асбоб ҳисобланади. У металдан қириндини жуда кичик олади. Эговнинг тишлари йирик бўлса - дағал, майда бўлса — майнин эгов дейилади. Эговлар профилига кўра ҳар хил бўлади. Бажрадиган ишига кўра жуда майда тишли ва ўлчамлари ҳам кичик эгов **над菲尔** дейилади. Эговлашда металл сиртидан чиқсан қириндиларни металл чўтка билан тозаланади, эгов дастага маҳкам ўрнатилган бўлиши шарт, дастасиз ёки дастаси ёрилган эговни ишлатмаслик керак. Эговлаш қоидалари Ж2-с,д расмларда кўрсатилган.

*Пармалаши* — материалларда уя ва тешик очиш демакдир. Бунда кесиши асбоби сифатида пармалар хизмат қиласи. Парманинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Спиралсимон парма. Лининг иш қисмida иккита спирал ариқча бўлиб, улар кесувчи қиррани ҳосил қиласи. Металлами кесишида асосан ана шундай пармадан фойдаланилади.

2. Перосимон парма. Бу ҳам оддий парма бўлиб, лининг кескич қисми перога ўхшашдир, Бўлардан ташқари винцимон, қошиқсимон ва турдаги пармалар ҳам бор. Масалан марказли парманинг кесувчи қисми пармаланаётган деталда марказ ҳосил қилиб тешиб боради.

Пармалар У 10 А ва У 12 А маркали, станокда ишлатиладиган пармалар эса П 18 ва УХС маркали пўлатлардан тайёрланади.

Пармаларни қўл ёки электр дреллар ва пармалаш станоклари ёрдамида лиаракатга келтирилади. Парманинг ишлаш принципи-айланма ҳаракат қилаётган паннага босим берилиши ва унинг металлдан қатлам олишидир. Эмурмалаш вақтида пармани деталга тик ҳолатда тутиш, тешиш охирига яқинлашганда пармалаш ҳаракатини секинлаштириш керак. Қўл дрели корпуси ислмлаги тишли узатма механизми қўзғалувчи даста билан ишга туширилади. Миинсла дастадан тишли ғилдираклар орқали узатилган ҳаракат патронни ва унга ўрнатилган пармани айлантиради. Қўзғалмас даста орқали берилган босим кучи лаъсири натижасида пармалаш амалга ошади. Қўл дрели билан ишлашда чап қўлни илрслнинг каллагига қўйиб, ўнг қўл билан дастани айлантириш, парма учини ҳслгиланган нуқта устига қўйиб дрелни текис ишлатиш керак.

*Зенкерлаш ва зенковкалаш* — пармаланган ёки штампланган тешикларга галдаги ишлов бериш: тешикларнинг кириш ва чиқиш оғзларини болт, винт ва парчин инихларнинг каллакларига мослаш операцияларидир.

Парма билан ишлашда кийим йенгларининг тугмасини қадаш, дрелни қўлда лулиб пармаламаслик, ишлов бериладиган детаин! тискига яхши маҳкамлаш, пармани патронга сиқиб ўрнатиш, қириндини қўи билан ёки пуфлаб тозаламаслик керак. Тешиклар очиш, ўйиш ишлари қўпинча пармалаш станогида бажарилади.

*Отверткалар* қалпоғида шлисаси (кертиги) бўлган винтларни бураб маҳкамлаш ва бўшатиш учун ишлатилади. Амалда сим отверткалар, ёғоч дастали отверткалар ва маҳсус отверткалар мавжуд. Отвертканинг тифи тўғри шархланган ва параллел ёқларга ега бўлиши керак.

*Юматоқ жасали омбирлар* - круглогубси сим ва юпқа полоса материалларни букиш учун ишлатилади. Жағларининг юзалари кертилган, бу эса материални маҳкам ушлашга ёрдам беради. *Ясси жасали омбирлар* - плоскогубси сим, юпқа полоса ва лист материаллами ушлаш ва егиш учун ишлатилади. Бу омбирларнинг жағлари ҳам кертилган бўлади.

*Комбинацияланган ясси жасали омбир* — пассатиж плоскогубси ва кусачки ўрнида ишлатиладиган чиингарлик омбиридир. Унда доиравий кесимли материалларни ушлаш учун кертикли ўйиқлари бўлади.

Слесарлик ишларида бўлардан ташқари гайка калити (ключ), парма, зенкер, зенковка, развёртка, метчик, плашка, қўл тискилари, сандон каби асбоб ва мосламалар ҳам ишлатилади. Шунингдек, ишлов берилаётган сиртларни пардозлаш мақсадида турли хил жилвир қофозлардан ҳам фойдаланилади.

### **Мухокама учун саволлар:**

1. Металлга ишлов берувчи асбобларга нималар киради?
2. Металл кесиши арраси қандай қисинлардан иборат?
3. Эговлаш неча турли бўлади?
4. Пармаларнинг турларини санаб беринг.

5. Қўл дрели қандай ҳолатда туиб ишлатилади?

### **3.4.Металларга ишлов беришда, кул ва электр асбобларини тузилиши ишлаш принципи. Металларни режалаш, арралаш, кесиш, эговлаш ва зубила билан ишлаш.**

Юқорида эслатилганидек, режаловчи асбоблар чизғич, гўния, сиркул, кернер, хаткаш кабилардан иборат бўлиб, буюм ёки детални режалашдан олдин материалнинг ишга яроқлилигини текшириш, режалашни тежамкорлик билан бажариш, чиқиндини камроқ чиқаришга ҳаракат қилиш керак. Режалашда қунт билан аниқ ишлаш керак, чунки буюмнинг сифати, аввало, уни режалашга боғлиқ.

Арра билан Металлни кесиш қуидагича амалга оширилади. Кесиладиган материал ишлананаётган пайтда сурилиб, сакраб кетмаслиги учун уни тискига маҳкам қистириб қўйилади. Кесиладиган материалнинг қаттиқлиги, ўлчами ва шаклига қараб тишларининг катталиги бўйича тегишлиarra полотаоси танланади. Ишловчи ўзининг гавдасини ва оёқларини тўғри ҳолатда туришига эътибор берishi керак. Бундаarra икки қўл билан ушланади ва кесилаётган текисликка параллел ҳолатда тутиб, сакратмай ҳамда силтамай бир маромда юргизилади. Ҳар бир юришдаarra полотносининг тишлари тез ўтмаслашиб қолмаслиги учун ишловчи уни қарши томонга юргизишда босиб, орқага қайтаришда бўшатиб тортиши лозим. Арралашдаги тезлик ҳар дақиқада енг камида 30 дан 60 мартағача жуфт юришдан иборат бўлиши керак. Металлга бир йўла арранинг енг ками икки-учта тиши тегиб туриши лозим. Арралашда ишни унинг ўткир қиррасидан бошлаш ман етилади. Арралаш охирига йетай деб қолганда arraga босимни камайтириш зарур. Металлни режа бўйича кесишда arranни белги чизиги бўйлаб йўналтириш ва кесиш чизиги белги чизигидан тахминан 0,5 мм оралиқда бўлиши керак. Arra бир томонга юриб қийшайиб кеца, ишни тўхтатиш ва кесишни янги жойдан бошлаш ёки тескари томондан арралаш лозим.

Металлни қирқиши операцияси зубило билан ҳам бажарилади. Зубило ишчи қисм -кескич, каллак, ўрта қисмидан иборат. Зубило каллагига болға билан урилганда унинг кескич қисми Металл ичкарисига киради. Зубилонинг ишчи қисми ва каллаги одатда биннунча камроқ қаттиқликда тобланади, шунда у болға билан кучли зарбалар берилганда қийшайиб ва синиб кетмайди. Зубилонинг каллаги конуссимон қилинади ва бўрттирилади. Мана шу шакл зубилони болға зарбига чидамлилигини орттиради. Зубилолар У7А асбобсозлик пўлатидан ясалади. Тигининг кенглиги 5 мм дан 25 мм гача пона шаклида бўлади ва керакли даражада ўткирлик бурчаги йўнилади. Металлни еговлаш унинг юзасидан эгов

билан юпқа қатламни олиб ташлаш бўлиб, бундан мақсад Металлни керакли шакл ва ўлчамга келтиришdir, Эговлаш икки хил бўлади хомаки эговлаш ва силлиқ эговлаш. Эгов ҳам кесувчи тишли асбоб ҳисқбланади. У Металлдан қириндини жуда кичик олади. еговнинг тишлари йирик бўлса - дағал, ўртача бўлса — ўртача, майда бўлса - майнин еговлар дейилади. Эговлар профилига қўра ҳар хил бўлади. Бажариладиган ишига кўра жуда майда тишли ва ўлчамлари ҳам кичик эговлар надфиллар дейилади. Эговлаш уч хил бўлади: 1. Хомаки эговлаш. 2. Ўртача еговлаш. 3. Охирги силлиқлаш. Эговлашда ишловчининг гавдаси тискида зубило билан ишлаётгандек ҳолатда туриши лозим. Юзаларни еговлашда заготовка тискига тўғри ўрнатилиши ва еговланадиган қисми тискидан 8-10 мм юқорига чиқиб туриши керак. Эговни текис юзада уч хил йўналишда: чапдан ўнгга, тискининг даста томонидан тискига ва ўнгдан чапга ҳаракатлантириш лозим. еговлашда металл сиртидан чиқадиган қириндиларни чўтка билан тозалаш, егов дастага маҳкам ўрнатилган бўлиши, дастасиз, дастаси ёрииган еговни ишлатмаслик керак.

Амалий иш сифатида бирнр заготовкада режалаш ва шу режа чизиқлари бўйича қирқиши, эговлаш машқларини ўтказиш мумкин.

#### **Мухокама учун саволлар:**

1. Деталларни режалаш деганда нимани тушунасиз?
2. Режалаш асбобларидан фойдаланиш усуллари ҳақида нималар биласиз?
3. Дастаки appa билан (чилангарлик appаси) Металларни кесиш қандай амалга оширилади?
4. Металлни арралаш охирига йетай деб қолганида нима сабабдан арага босимни камайтириш зарур?
5. Эговлаш деб нимага айтилади?
6. Эговлаш неча туфли бўлади?
7. Зубило ҳақида маълумот беринг.

### **3.5.Металлга ишлов беришда кулланиладиган дастгохлар ҳамда электр механизациялаштирилган жихозлар.**

Токарлик-винт қирқиши станоги металл қирқиши станоклари жумласига киради (бўлар технологик машиналар деб юритилади). Унда кесувчи асбоблар ёрдамида металл ёки бошқа заготовкалардан қириндилар чиқариб, керакли шакл ва ўлчамдаги буюмлар ясалади. Токарлик станогида заготовка айланма ҳаракат қиласи, бу асосий ҳаракат дсийлади. Кесувчи асбобнинг ишланаётан заготовка ўқига нисбатан бўйлама ва кўндаланг йўналиш бўйича илгариланма ҳаракати суриш ҳаракати деб аталади.

Деталлар йўниладиган ва резбалар очиладиган дастгоҳ - токарлик-винтқирқиши станоги дейилади. Ҳозирги пайтда мактаб устахоналарида ТВ-6, ТВ-7 русумли (маркали) станоклардан фойдаланилмоқда (бунда: Т -

Токапный, В -винторезный; рақамлар станокни чиққан тартиб рақамларидир).

Токарлик станоги станина, суппорт, фартук, олдиги ва кетинги бабкалар, узатмалар қутиси, электр двигатели каби асосий қисмлардан иборат

Станина асос ҳисобланади. Унга станокнинг қолган барча қисмлари ўрнатилади. Станинанинг йўналтиргичи бўлиб, унда суппорт ва кетинги бабка ҳаракатланади. Олдинги бабка заготовкани мустаҳкамлаш учун станокнинг чап томонига ўрнатилади ва у заготовканинг айланма ҳарактини таъминлайди. Кетинги бабка узун заготовканинг учини тутиб туради. Унга кесувчи асбоблар (парма, зенкер, развёртка) ўрнатилади. У учта асосий қисм: корпус, пинол ва плитадан тузилган. Пинолнииг конуссимон чукурчасига марказни ёки асбобни ўрнатиш мумкин. Зарур бўлса, конуссимон тешикларни ўйиш учун кетинги бабканинг корпуси кўндаианг йўналишда сурилади. Суппорт кескичларни кескичтутгичга ўрнатиш ва уиарни қўлда ёки механик усулда ишланаётган заготовкага нисбатан бўйлама ва кўндаланг йўналишда суришга мўлжалланган. Гитара айланиши тезликлар қутичасида суриш қутичасига суриш учун хизмат қиласди. Суриш қутичаси айланиши юриш винтига ёки юриш валига узатади. лининг конструксияси станокни керакли суришга ёки резбани очиш қадамига мослашга имконият яратади. Понасимон тасмали узатма айланма ҳаракатни электр одвигател тезликлар қутичасининг валига узатади. Фартук супортни қўлда бўйламасига суришга, шуниигдек, юриш валчаси ва юриш винти бўйламасига механик усулда суришга мўлжалланган.

Қўлда суриш маҳовик ёрдамида бажарилади. Маҳовикнинг валидаги тишли ръидирак рейкали шестерня валчасига ўрнатилган тишли ғилдиракка илашади. Бу ғилдирак эса станинага маҳкамланган тишли рейка га доиний илашган бўлади. Механик суриш юриш валчаси дан сирпанувчан шпонкага ўрнатилган червяк орқали амалга ошади. Червяк ғилдирак ни айлантиради ва ҳаракат кулачок муфтаси орқали ҳамда тишли ғилдираклар орқали рейка шестернясига узатилади. Механик сурилишни бошлаш учун даста ўзига томон буриш керак. Юриш винти механик суриш дастаси пастга буриш билан бажарилади. Шунда ажраладиган гайка иккала ярми юриш винтига бирикади. Резба очища тишли ғилдиракни кнопкa ёрдамида рейкага илашишдан чиқариш лозим.

Хавфсиз ишлаш учун станокнинг барча ҳаракатланадиган қисмлари маҳсус тўсқичлар билан тўсилади. Кескичтутгич устидаги кўттаррна экран ва токарлик патронининг тўсқичи электр о-блок билан жиҳозланган. Шунинг учун тўсқич ва экран ёпиқ ҳолатда турганидагина статиокни ишга тушириш мумкин. Тезликлар қутичаси силиндрсимон тишли узатмалардан иборат бўлиб, улар ҳам тасмали узатмалар сингари узатиш сони билан характерланади. Шпинделнинг айланиш частотасини ўзгартириш учун тезликлар қутичасида тишли ғилдираклар блоки мавжуд бўлиб, уларни валуинг бўйламасига ариқчалар ёки шпонкалар орқали суриш мумкин.

Кейинги йилларда сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар кенг қўлланила босжлади. Дастурли бошқариш ёрдамида асбоблар (ишлов бериш марказлари) ўзидан ўзи алмашинадиган дастгоҳлар яратилди. Сонли дастур билан бошқариладиган дастгоҳлар ўрнатилган участка ва сехлар электр он-ҳисоблаш машиналари ёрдамида ишлайди. Ана шундай дастгоҳлар ишининг дастурларида деталларга ишлов бериш тартиби, дастгоҳдаги ишчи органларнинг ҳаракати, ана шу ҳаракатларнинг тезлиги ва аниқлиги назарда тутилган, яъни деталларга ишлов беришнинг технологик жараёнлари ҳисобга олинган. Шундай дастгоҳлар инсоннинг аralашувисиз, фақат унинг назорати остида ишлайди.

Токарлик-винтқирқиши становида ишлашни ўзлаштириш учун аввало уни бошқариш йўлларини билиб олиш керак. Сизлар биринчи галда дастгоҳни қўлда бошқаришни ўрганасизлар. Қўлда бошқаришда шпиндел қўзғалмас бўлиши лозим. Бўйлама ва қўндаланг суриш маҳовикчаларини айлантириб, кескични заготовканинг сиртида 1-1,5 мм масофага сурилади. Кескични бўйлама суриш патрон кулачогига 5-6 мм қолганида тўхатилади. Кейин қўндаланг суриш маҳовикчасини айлантириб кескични заготовкадан узоқлаштирилади. Бу операция бил неча марта такрорланади. Дастгоҳни синаб кўришдан олдин кескични заготовкадан узоқроқ тутиб, ўнг томонга олинади ва ишга тушириш кнопкаси босилади. Бунда патроннинг юқори қисми ишлаш томонига айланиши керак. Шундан сўнг дастгоҳ тўхтатилади. Ишга тушириш схемасидан фойдаланиб, тезликлар ва суришлар қутичаларининг дасталари ёрдамида дастгоҳни заготовка айланишининг керакли частотасига ҳамда кескични узатишга созланади. Баъзан айланишининг зарур частотасини белгилашда дасталар силжимай қолади. ҳолларда шпинделни қўл билан айлантириш керак, шундан кейин дасталар ўз жойига келади. Дастгоҳнинг ҳаракатланадиган барча қисмлари томомила тўхтаганидан кейингина тишли узатмаларни алмаштириш мумкин.

Токар ва чилангарнинг иш ўринларини тўғри ташкил етиш зарур. Буни асосий омиллари устахонадаги иш ўринларини меҳнат жараёнига мослаб ташкил қилиш, ихтисослаштириш, материал ва асбоб-ускуналар билан таъминлаш, ҳавфсиз ишлаш шароитини яратишидир. Яна асосий шартлардан бири - ўқувчиларни меҳнат интизомига ва масъулиятни ҳис қилишга ўргатишидир. Машғулот бошлангунча устахонадаги иш ўринларида асбобларнинг тўла комплекти, ясаладиган буюм ёки деталнинг чизмаси, модели ва технологик харитаси тайёр туриши, топшириқлар аниқ белгиланган бўлиши шарт. Токарлик иш ўрнида асбоб-ускуналар, стулча хизматини М мийлипн, технологик асбоб-ускуналар сақланадиган тумбочка, заготовка, тайёр деталлар, кўчма тара, топшириқ графиги ва деталларни ясаш технологик харитаси ёпиштириб қўйиладиган экран, механизм тўхтаб турганини билдирадиган З хил рангли сигнал тизими, оёқ таглиги, кўпроқ ишлатиладиган ёрдамчи асбоб-анжомлар турадиган тахта, маҳсус қиринди қайтаргич, ўлчов асбоблари турадиган маҳсус майдончали кронштейн, қиринди тушадиган тарали чукурча, қириндини йиғишириб

оладиган куракча ва супурги, винт ёрдамида кўтариладиган ўриндиқларбўлиши шарт.

Металларга баъзан совук ҳолда ҳам ишлов беришга тўғри келади. Бу ишни чилангарлар бажаради. Шунинг учун чилангарларнинг иш ўрни ҳам зарур тартибда жихозланган бўлиши керак. Маълумки, чилангарнинг иш ўрни тиски билан белгиланади. Тиски одатда иш ўрини - дастгоҳнинг ўртасига жойлаштирилди. Бунда ўнг қўл билан ишлатиладиган асбоблар ўнг томонга, чап қўл билан ишлатиладиган асбоблар эса чап томонга тартиб билан териб қўйилиши зарур.

### **Мухокама учун саволлар:**

1. Токарлик дастгоҳини нима учун технологик машина деб аталади?
2. Токалик-винтқирқиши станоги қандай қисмлардан ташкил топган?
3. Асосий ҳаракат деб нимага айтилади?
4. Суриш ҳаракати деб нимага айтилади?
5. Токарлик дастгохи токарлик-винтқирқиши дастгоҳидан нимаси билан фарқланади?
6. ТВ-6 қисқартмасининг маъносини айтинг.
7. Токар ва чилангарнинг иш ўрни қандай жиҳозланиши керак?

### **3.6.Машина, механизм элементлари ва турлари. Металларга ишлов беришга оид халқ хунармандчилиги турлари буйича иш усуллари.**

Ўрта Осиё халқ амалий санъати жуда қадим замонлардан бери мис, тилла ва кумуш каби рангдор металлардан ишланган нафис буюмлари билан машхурдир. Ҳозирги кунда ҳам металлга ишлов беришга оид халқ хунармандчилигининг бир қанча турлари инавжуд. Улардан: инигарлик, кандакорлик, чилангарлик, тунукасозлик, заргарлик, пичноқчилик, игнасозлик кабиларни кўрсатиш мумкин. Хунармандлар қадимдан бир-бирлари билан бирикиб бир маҳаллада яшаганлар. Шунинг учун маҳалларнинг номи ўша хунар номи билан юритилган.

Металлга ишлов бериш учун аввало керакли асбобларни танлаб олмоқ зарур. Бунинг учун таянч асбоблари, чеканка болғалари, қайчи ва омбирлар, турли шаклдаги кескичлар, пичноқ, пардозловчи асбоблар, исказа, сандон кабилар керак бўлади. Металлга ишлов беришда ишлатиладиган асбоб-ускуналар учли, кесувчи ва ўткир тифли асбоблар бўлиб, улар билан ишлаганда эҳтиёт бўлиш, ХТҚ га қатъий риоя қилиш зарур. Ўқитувчининг рухсатисиз асбоб-ускуналарга тегмаслик, иш ўнини рухсациз ташлаб кетмаслик лозим. Ишни тутатгач, иш ўрнини қириндилардан тозалашда маҳсус тозалагичлардан фойдаланиш керак. Металларга бадиий ишлов бериш технологиясини ўрганиш, унинг услубларини тушуниб олиш учун хунармандлар томонидан тайёрланадиган буюмларнинг асосий турлари билан таниш зарур. Буларга кўзалар, қумгон, чойнак, чойдиш, обдаста, исириқдон, носқовоқ, чилим, турли лаганларни киритиш мумкин.

*Пичноқчилик.* Пичноқчилик деганда биз пичноқ ясаш касбини тушунамиз. Пичноқ боболаримиз учун қадимдан тирикчилик воситаси бўлиб хизмат қилган. Ҳозирги вақтда пичноқ ясаш санъати халқ амалий санъати қаторида еъзозланиб келинаётир. Нодир пичноқлар ясашда ўзбек пичноқсоз усталарининг олдига тушадиган уста кам топилган. Пичноқчиликнинг ўзига хос мактаблари мавжуд. Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм, Қашқадаиё, Сурхондарё қадимдан пичноқчилик марказлари бўлиб, бўларда ишланган пичноқлар ўзининг ишлаш технологияси, шакли, катта-кичиклиги ва безаклари билан фарқ қилган.

*Кандакорлик* Кандакорлик ўзбек халқ амалий безак санъатининг энг кенг тарқалган турларидан биридир. Кандакорлик деганда металлдан ясалган буюмларга ўйиб ёки бўртма қилиб нақш ишлаш тушунилади. Савдо-сотикда қадимдан кандакорлик буюмларига талаб катта бўлган. Бу асарлар рамзий ифодаларнинг янги услублари ҳамда ғояларини тарқатиш манбаи бўлиб хизмат қилган.

*Мис буюмламиң турлари.* Металлдан ясалган идишларнинг умумий шакли маълум пропорсия ҳамда селуетга эга. Жумладан мис лаганлар кўпинча доирасимон, овалсимон, тўртбурчак шаклда бўлади. Мис лаганларининг лавхўри, дулава каби турлари бор. Лавхўри - овалсимон ёки тўртбурчак мис лаган бўлиб, уларнинг лаблари ён томонга қайрилган бўлади. Дулава - тухумсимон ёки тўртбурчак шаклдаги мис лаганлар бўлиб, улар ён томонга қайрилиб яна давом этиб пастга қайрилган бўлади.

*Заргарлик буюмлари.* Улар турли-туман бўлиб. ўзига хос нотиланади. Пешонага тақиладиган тиллақош, баргак, қулоққа - зирак, бошга - такдўзи, санчоқ, олтин тумор, кўкрак безаги мурғак, зебигардон, туморча соч безаклари, зулфи тилла, осма безак. гажак, бутун тирноқ, ярим тирноқ, қўш дуо, бурун безаги, юз безаги, бел безаги камар, бўйинтумор, билакузук, узук ва бошқалар. Бўларнинг барчаси келин-куёвлар либосини тўлдириб, хонадонда тўй, байрам ва бошқаларда тақилади.

#### **Мухокама учун саволлар:**

1. Металлга ишлов беришга оид халқ хунармандчилиги турлари бўйича иш усусларига нималар киради?
2. Металлга ишлов беришда қандай асбоблардан фойдаланилади?
3. Кандакорлик деганда нимани тушунасиз?
4. Заргарлик ҳақида нималарни биласиз?

### **3.7.Технологик хариталар, уларни тузиш ва фойдаланиш.**

**Назарий маълумот.** Ҳар қандай буюмни ясаш учун унинг тегишли чизмаси ва технологик жараённинг асосини ташкил қиласидиган технологик харитаси бўлиши шарт. Биз ҳозиргача ўзимиз турли буюмларни ясашда тайёр оддий технологик хариталаридан фойдаланиб келганимиз. Бугунги

дарсимида эса анча мураккаб технологик харитани ўрганамиз. Унда қийидаги бўлимлар бор:

- 1.Операция ва бўлимларнинг номлари.
- 2.Ишлов беришнинг эскизи.
- 3.Фойдаланиладиган асбоблар.
- 4.Кўлланиладиган мосламалар.

Технологик хариталарни тузиш ва улардан фойдаланиш ижодий фаолиятимизни оширади, техник тафаккурни ривожлантиради ва мустақил ишлашга ўргатади. Бундан ташқари, технологик хариталарни тузища буюмнинг намунасига ёки чизмасига қараб лининг мураккаб конструксиясини ишлаб чиқиши; буюм учун заготовка танлаш ва лининг ўлчамларини аниқлаш; технологик операция ва ўтишларни ҳамда уларни бажариш тартибини белгилаш; асбоблар, ускуна ва мосламаларни танлаш каби муҳим ишларни билиб оламиз. Тузилган технологик хариталар бўйича режалаштирилган буюмнинг ҳамма деталларини ясаш ва уларни йиғишини бажариш мумкин.

T.p	Операция ва ўтишларни нг номлари	Ишлов беришнинг эскизи	Фойдаланиладиган асбоблар	Кўлланиладиган мосламалар
			Назорат- ўлчов	Ишчи

Технологик харита схемаси.

**Амалий иш.** Бугунги дарсимида сизлар билан металлга ишлов бериш бўйича халқ .хунармандчилиги турларидан тунукасозликка оид иш усулларини ўрганиш бўйича куракча ясашни ўрганамиз. Бунинг учун бизга металл лист (тунука) ва металлга ишлов берувчи асбоблар -қайчи, чилангарлик болғаси каби асбоблар керак бўлади. Ишни бошлашдан олдин ясаётган буюмимизнинг технологик харитасини тузиб оламиз (куракчани тунука материалдан ясашни имкони бўлмаганда уни кардондан ясашимиз ҳам мумкин). Бунинг учун ени- 200 мм, бўйи - 221 мм тунука оламиз. Тунуканинг учта томонини расмда кўрсатилган ўлчамларда қайириб буклаймиз, икки бурчагини қирқиб бир-бирига бириктирамиз ва шу томонига 140 мм узунликда даста ўрнатамиз (21-расм). (Ўқувчиларнинг мустақил ишлари учун 21-а расмдаги буюмларни тайёрлашни тавсия этиш мумкин).

### Мухокама учун саволлар.

- 1.Тайёрланадиган детал эскизи деганда нимани тушунасиз?
2. Технологик харита нима?
3. Куракча ясашда нималар керак бўлади?
4. Куракчани қандай материаллардан ясаш мумкин?

#### **IV. УЙ-РЎЗФОР АСОСЛАРИ**

##### **4.1. Пол қопламалари хамда мебелларнинг лакланган ва қопламали юзаларини саклаш тадбирлари, кичик таъмирлаш иш усуллари.**

Пол қопламалари хамда мебелларнинг узок вакт сифатли хизмат килиши учун ишлаб чиқарувчилар томонидан берилган тавсияларга риоя этиш, жорий таъмирлаш ишларини уз вактида утказиб бориш лозим.

Мебелларни иситиш асбоблари якинига урнатиш тавсия этилмайди. Мебелларни куёш нурининг тугридан-тугри тушиши хам сифатини бузади. Хонада намликни меъёрида бўлишини таъминлаш учун манзарали гуллар бўлишлигини тавсия этилади. Пластик билан копланган мебел зарурят бўлишига қараб салфетка билан артиб турилади. Шундан сунг курук салфетка билан артиш лозим. Ёғоч юзасига ишлов бериш учун мулжалланган маҳсус кимёвий воситалар – полероллардан фойдаланиш мумкин. Факат ошхонада улардан фойдаланганда озик-овқатларга тегишидан эҳтиёт бўлиш керак.

Фанерадан тайёрланган юзаларни мунтазам тозалаб бориш тавсия этилади, бу уларнинг хизмат муддатини узайтиради.

Мебелларда юзага келадиган майда носозликларни устага муроожат килмасдан уз вактида бртараф этиб бориш мумкин. Бунинг учун хар бир хонадонда маҳсус асбоблар ва зарур фурнитуралар бўлиши лозим.

Мебелнинг эшик ва бошка кисмларидағи шарнир деталлар профилактикаси уларнинг хизмат муддатини узайтиради. Ундаги винт ва болтларни вактида маҳсус асбоблар ёрдамида бураб мустахкамлаб туриш лозим.

##### **Мухокама учун саволлар:**

1. Пол ва мебелларнинг лакланган қопламали юзаларини саклашда нималарга эътибор бориш керак.
2. Ёғоч юзаларга ишлов берувчи кимёвий воситалар хақида маълумот беринг.
3. Кичик таъмирлаш ишларига мисоллар келтиринг.

##### **4.2. Юртимиз меъморчилиги тарихи. Хона интерери хамда жихозланиш дизайни. Замонавий тараккиёт йўналишлари.**

Юртимиз қадимдан ўзига хос меъморий обидаларига эга. Ўзбек диёрида бобокалонларимиз томонидан санъат даражасида яратилган бинолар ва бошқа обидалар жаҳон маданияти дурдоналари қаторидан ўрин олган. Қўли гул усталар яратган санъат дурдоналари кишиларга эстетик завқ багишлайди ҳамда уларни ахлоқий тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қиласди. Куёш нурида товланиб, кўзни қамаштургидек жилва бериб турган хилма-хил рангли кошинлар гўзаллик ва жозиба кашф этади. шикларга ўйилган турли нақшлар, дарчалар тепасидаги ганч ёки

мармардан ўйиб ишланган панжаралар, деворларнинг пастки қисмига ўрнатилган мамар тошларнинг ўймакор нақшлари ва кўкка бўй чўзган минораларнинг қомати, уларга мутаносиб ишланган гуллар бир вақтлар Шарқда маданият жуда юксак даржада бўлганлигидан далолат беради. Ёдгорлардаги ўйиб нурида товлвиётган саркор кошинлар, нафис нақшу нигоралар беихтиёр кишиларни ўзига мафтун этади. Бу нақшу нигоралар бир неча асрлар илгари яратилган бўлса ҳам ҳозиргача ўз нафосатини, нафислигини, кўркини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган безаклар бизни ҳозиргача ҳайратга солиб келмоқда. Ҳатто хорижий мамлакатлардан келган саёхатчилар ҳам мамлакатимиздаги қадимий биноларни, уларга ишланган нақшу нигораларни кўриб лол қолмоқдалар, ўзларининг илиқ сўзларини ёзиб қодирмоқдалар. Бинобарин Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Қарши, Тошкент, Кўқон каби шаҳарларда қад кўтарган бир қатор тарихий меъморчилик ишлари ҳақиқатан ҳам бизга отабобдлариииздан қолган улкан ёдгорликлардир. Тадқиқотчи П.Ш.Зоҳидов ўзининг "Меъмор олами" номли китобида (Т., 1996) 80 нафардан ортиқ меъмор ва 266 та меъморий ёдгорликлар ҳақида маълумот берган. Бўлардан 246 таси республикамиз худудида жойлашган. Хусусан Самарқанддаги Регистон ансамбли, Гўри Амир, Шоҳи Зинда мақбаралари (45-расм); Хивадаги Иchan қалъя, Оллоҳкули саройи, Исломхўжа минораси, Паҳлавон Махмуд мақбараси; Бухородаги Арк, Исмоил Сомоний мақбараси; Тошкендаги Кўкалдош мадрасаси, Кўқондаги Худоёрхон саройи (45-расм) каби тарихий меъморий обидлар бугунги кунда ҳам ўзининг жозибаси билан кишиларнинг диққатини тортиб келмоқда. Айниқса, Самарқанд шахри тарихий обидалар кўплиги жиҳатидан "Ер ўзининг сайқали", "Осмон остидаги очик музей" каби номлар билан аталади.

Буюк боболаримизнинг бунёдкорлик ишлари ҳозирги пайтда ҳам давом эттириб келинмоқда. Аввало шуни алохида таъкилаш зарурки, республикамиз давлат мустақиллигига еришгандан кейин қадимий обиларни таъмирлашга катта еътибор қаратилди. Натижада бир қатор алломаларнинг мақбаралари тикланди ва зиёратгоҳлар яратилди, кўплаб тарихий биноларга қайта "умр" баҳш етилди, янгидан-янги маъмурий, ўқув ватураг-жой бинолари қурилди ҳамда қурилмоқда (46-расм). Биноларнинг нафақат ташқи кўриниши, балки ички кўриниши ҳам катта аҳамиятга эга. Меъморчилиқда бино, иморат ёки хоналарнинг ички қиёфаси, кўриниши **интерер** деб юритилади. Хонининг ички кўриниши жуда кўп омилларга боғлиқ, масалан, пол, шифт ва деворларнинг қандай рангга бўялгани; ж иҳозларнинг ранги, ўлчами, жойлашиши; эшик ва деразаларнинг ўлчамлари, сони, қандай рангга бўялгани, қайси томонга очилиши, қандай пардалар қўйилганлиги, ёруғлик ўтказиш хусусияти ва х. Шунингдек, сунъий ёритиши воситалари - қандай кўринишдаги қандиллар ўрнатилганлиги ҳам хона кўринишига сезиларли таъсир кўрсатади. Бўларнинг ҳаммаси санитария-гигиена ва дизайн талабларига мос келиши зарур. Дизайн - инглизча сўз бўлиб, безамоқ, тузилиш маъноларини

билдиради. Яъни буюмларни кўркам ва чиройли қилиб, инсонда завқ уйғотадиган тарзда тайёрлашдир. Санитария-гигиена талаблари деганда эса хонанинг шамоллатилиши, ҳарорати, ёритилиши кабиларни назар тутилади.

Қадимдан бинокор-усталар уйларни қуёш нурлари тушадиган қилиб қуришган. Чунки кун бўйи уйга қуёш нарлари тушиб турса - ичкари ёруғ, ҳавоси қуруқ бўлади, турли микроблар иссиқлик ва нур таъсиридан нобуд бўлади, ҳаво совиган пайтларда хона ичи иссиқ бўлади ва ҳ. Бу анъана ҳозир ҳам давом эттириб келинмоқда. Ҳозир аҳоли томонидан синчли ва ғиштли уйлар қурилмоқда, уларга турли усулларда безак берилмоқда. Ҳатто европача усуллар ҳам учрайди. Маҳаллий шароида айрим жойларда шахсий хўжалилдарда бино қуришда кейинги пайтда пайдо бўлган янги иш усулларидан бири - пойдеворга алоҳида ишлов беришда қўринмоқда. Бунда сement аралашмаларидан фойдаланилган ҳолда пойдеворнинг енг остики қисми тепа қисмидан бироз кенгроқ қилиб қуйилмоқда. Бино давомида туалет ва ҳаммом жойлашган алоҳида хона қуриш ҳам кейинги йилларда шахсий уй-жойларни қуришда пайдо бўлган анаъналардан биридир. Шунингдек, биноларга акфа эшик ва даразалар ўрнатиш, томини турли материаллар (тунука, череписа ва б.) билан ёпиш кенг тус олди. Бинокорлик ишларидаги яна бир янгилик шуки, бунда қишлоқ жойларида аҳоли учун давлат томонидан янги-янги уйларнинг қурилаётганлигидир. Бу уйлар яшаш учун яратилган шароитлар шаҳар шароитидан кам эмаслиги ва аҳолига узоқ йиллик кредит тўлаш шарти билан тайёр ҳолда берилиши билан диққатга сазовордир.

#### **Мухокама учун саволлар:**

1. Сиз яшаб турган худудда қандай тарихий бино ёки ёдгорликлар бор? Улар ҳақида қандай маълумотларни биласиз?
2. Қадимги ёдгорликлар ва бинолардан яна қайсиларини биласиз? Улар қаерларда жойлашган?
3. Самарқанд шаҳри нима учун "Очиқ осмон остидаги музей" деб аталади?
4. Шахсий хўжаликларда туарар-жой учун уйлар қуришда нималарга эътибор берилади?
5. Аҳоли учун давлат томонидан қурилаётган уй-жойлар ҳақида нималарни биласиз?

### **4.3.Хона ва фанлар бўйича ўқув хоналаридан мебел ва кўшимча жихозларни жойлаштириш схематик тасвири ҳамда схематик эскизлари тайёрлаш технологияси.**

**Назарий маълумот.** Хона интерерида энг аввало кўзга ташланадиган нарса

- хона деворларини қандай ранга бўялганидир. Чунки инсон кўзи сиртлардаги ёрқинлик ва рангларни шу сиртларга тушиб қайтадиган

нурлар натижасида идрок қиласи. Шунинг учун деворларнинг (шунингдек, бошқа жисмларнинг ҳам) ёрқинлиги. Биринчидан, уни қандай рангдаги ёруғлик билан ёритилишига, иккинчидан девор сиртини унга тушаётган нурларни қандай акс еттиришига (қайтаришига) боғлиқ. Одатда қундузги ёруғлика ранглар ва уларнинг туслари яхши кўринади, кам ёритилган жойларда эса ёруғлик кам қайтганлиги учун рангларни ажратиш қийинлашади. Масалан кеч кириб қолганда қўк, қизил, қора, жигар рангларни бир-биридан ажратиш қийин бўлиб қолади. Шунинг учун иш ва ўқиши хоналарда, масалан синф ва лаборатория хоналарида, устахона ва кутубхоналарда, умуман, кўзга ва диккатга зўр келадиган жойларда ёруғлик ва рангга меҳнатни енгиллаштириш, унинг самадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг хиссиёти ва кайфиятини яхшилаш ҳамда чарчашнинг олдини олиш воситаси сифатида қарашиб зарур. Рангларни киштнинг руҳиятига унинг ёши ва характерига қўра турлича таъсир этиши илгаридан маълум. (Рангларни кишининг руҳиятига кўрсатадиган таъсири ранг психологияси, ранг таъсирида даволаш каби соҳаларда кенгроқ ўрганилади). Қуйида рангларни таъсир этиш омиллари ҳақидаги айrim маълумотларни келтирамиз. Масалан яшил ранг кишини бир маромда ишлашга ёки осойишталикка мойил қиласи. Шунинг учун уй машғулотлари бажариладиган хоналарни яшил рангга бўяш тавсия этилади. Ҳаво ранг эса хонада совуклик ва ношинамлик ҳис қилиш туйғусини келтириб чиқаради. Агар деворлар қизил рангга бўялса - бу одамни тез чарчатиши, жаҳлдор одамлами асабийлаштириши мумкин. Бироқ қизил ранг эътиборни тез тортади, шунинг учун бу ранг кишиларни, хусусан, болаларнинг идрок этилишини осонлаштиради. Зарғалдоқ ранг, худди қизил каби, фақат болалар хонаси учун тавсия этилиши мумкин. Сариқ ранг қуёш нури билан уйғунлашиб, одамни иш жараёнда тез чарчатиб қўяди. Оқ рангга бўялган юзалар ёруғлик нурини кўпроқ намоён қиласи, шу сабабли нарсалар унда яхши кўринади. Агар хона деволарига - ангори ёки кулранг гулқоғозлар ёпиштирилса - хона гўё катталашиб қолгандаек туюлади. Умуман синф хоналарни бўяшда ранг танлаш ёки тайёрлашда уларнинг ёруғлик қайтариш хусусиятини ҳисобга олиш керак. Қуйида асосий рангларни ёруғлик қайтариш хусусиятлари (коэффиценти) ҳақидаги маълумотларни келтирамиз: оқ ранг - 85%, оч сариқ - 75%, оч яшил - 75%, оч қўк - 75%, сариқ - 65%, кулранг - 55%, яшил - 52%, ҳаворанг - 35%, тўқ қизил - 13%, тўққўк - 8%.

Синф хоналарини бўяшда дераза қаршисидаги деворни ёруғлик қайтариш коэффициенти 60% бўлган, доска ўрнатилган деворни ёруғлик қайтариш коэффициенти 50-60% бўлган, дераза ўрнатилган деворни ёруғлик қайтариш коэффициенти 60-70% бўлган, полни ёруғлик қайтариш коэффициенти 25-30% бўлган рангдаги бўёклар билан бўяш мақбул ҳисобланади. Бунда рангларнинг иссиқ ёки совук бўлиб туюловчи хусусиятини ҳам тўғри қўллаш керак. Шуни таъкидлаш зарурки, ранглар спектридаги сарғиш-яшил ранг кўзни камроқ чарчатади, асаб тизимиға нисбатан камроқ салбий таъсир кўрсатади. Натижада қон томирларда

меъёрида ҳаракатланади, эшитиш қобилияти ҳам фаоллашади. Шунинг учун ҳам синф хоналарини сарғиш-яшил ранг ва ундан келиб чиқувчи рангларга бўяш тавсия этилади. Синфларнинг умумий ранги оч, хотиржам бўлганда хоналарнинг ёритирганлик даражаси ортади. Дарс жараёнида ўқувчиларнинг қўзига доимий ташланиб турувчи деворлар - доска ўрнатилган девор, ён деворлар ҳам унча тўқ бўлмаган рангларга бўялади.

Хоналарни жиҳозлаш ва безатища турли мебелларни (шкаф, парты, стол, стул ва б.) жойлаштириш ҳам катта аҳамиятга эга. Бунда мебелларнинг ўлчамлари, ранги ва нима мақсадда ишлатишини ҳисобга олиш керак. Масалан ўкув қуролларини саклаш учун бир хил ўлчамдаги шкафларни ясаш ва уларни синф орқасига - орқа деворга жойлаштириш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар синфга кириб келганларида уларнинг кўзлари дастлаб ана шу деворга — шкафларга тушади. Шунинг учун уларни ўқувчиларни завқлантириган рангга бўяш зарур. Айрим ҳолларда баландлиги бир хил бўлмаган шкафларни ҳам ёнма-ён қўйишга тўғри келиб қолади. Бунда кўринишини яхшилаш учун паст шкафнинг устига қўшимча мослама (масалан, кичик шкаф, кути ва х.) ўрнатиш ёки гуллар қўйиш мумкин. Умуман олганда синф хонасидаги мебеллар дид билан, тартибли жойлаштирилиши, ўқувчиларнинг эркин ҳаракатлашиларига халақит бермаслиги, эшик ва дераза олдиларини тўсиб қўймаслиги керак.

#### **Мухокама учун саволлар:**

1. Интерер деганда нимани тушунасиз?
2. Хонанинг ички кўриниши, қиёфаси нималарга боғлиқ бўлади?
3. Интерерни белгиловчи асосий омилларга нималар каради?
4. Рангларни инсон руҳиятига қандай таъсири бор?
5. Сиз ўз хонангизни қандай рангга бўяшни хоҳлайсиз? Нима учун?

## **V. МЕҲНАТ МУХОФАЗОСИ**

### **5.1.Меҳнат муҳофаза қилиш, конун ва низомлари, техника хавфсизлик асослари.**

Мехнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари. Ўзбекистон Республикаси Конститутцияси, Ўзбекистон Республикаси Мехнат Қонунлари кодекси асосида олиб борилади. Мехнаткашларни хавфсиз ва соғлом меҳнат шароити билан таъминлашни давлат ўзининг асосий вазифаси деб хисоблайди, бунинг учун зарур бўлган чора- тадбирларни конун асосида амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Конститутциясининг 18, 19, 20, 27, 29, 36, 37, 38, 39, 40, 41, 42 моддаларида меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари баён қилинган. Конститутция барча фуқороларни меҳнат қилиш хуқуқини таъминлайди, яъни меҳнаткашлар маълум миқдорда хақ олиш хисобига иш билан таъминланади. Бу хуқуқ хафтасига 41 соатдан ошмаган иш соат белгилаш асосида ва йилига бир марта хақ тўланадиган (дам олиш) бериш йўли билан амалга оширилади.

Конституция бепул даволаниш, қариганда ёки меҳнат қилиш қобилиятини қисман ёки батамом йўқотганда социал таъминланиш хукуқини хам беради. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қилиш қонунятлари, меҳнаткашларга яратиб бераётган шароитлар ва хукуқлар хамда уларни назорат қилиш жихатдан дунёда илғор хисобланади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш қонунларини яратиш ва амалга оширишда касаба уюшмалари фаол қатнашади. Мехнаткашларни 6 кун ишлайдиган тоифалари хафтада 5 кун 7 соатдан шанба куни эса 6 соатдан ишлашади. 5 кунлик ишлайдиганлар эса хар куни (душанба, жума) 8 соатлик иш куни деб белгиланган. Мехнаткашлар хар йили 1 марта 24 кундан кам бўлмаган миқдорда хақ тўланадиган таътил билан таъминланади. Ўқитувчи педагогларга эса 48 кун берилади. Мамлакатимизда аёлларнинг эркаклар билан тенг хукуқлиги таъминланган. Аёллар учун қонунда маълум янгиликлар ва маҳсус нормалар белгиланган. Масалан: кимё саноатининг баъзи тармоқларида, ер ости ишларида ва бошқа бир қанча ишларда аёлларнинг меҳнат қилишига йўл қўйилмайди.

Мехнат қонунияти ўсмиirlар меҳнатини муҳофаза қилишга хам алоҳида ахамият беради. 16-ёшгача бўлган ўсмиirlар учун, 18 ёшгача бўлган ўсмиirlар учун 36 соатли иш хафтаси жорий қилинган. Ўсмиirlар учун йилнинг энг яхши даврларида ёки ўзи хоҳлаган вақтда дам олиши керак.

Уларнинг меҳнатидан тунги ишларда дам олиш кунларида фойдаланиш бутунлай таъқиқланади. Заарли иш шароити ишловчиларига устама иш хақи тўланиш ёки иш соати қисқартирилиши хам меҳнат қонуниятига эътиборга олинган. Бундан ташқари заарли мухитда ишловчилар учун қўшимча таътил қилинган .Бу таътил 12-36 кунгача бўлиши мумкин.

Соғлик учун ўта хавфли шароитлар учун уларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари берилади. Бундан ташқари меҳнат қонунчилигига шахсий муҳофаза воситалари корхона хисобидан бепул берилади. Заарли шароитда ишлаётган ишловчиларига 3,6,12 ойда тиббиёт кўригидан ўтказилади. Заруриятга қараб қўшимча чора-тадбирлар белгиланади. Хавфсиз ишлаш шароитни яратиш борасида йўл қўйилган хар қандай камчилик ёки хавфсиз ишлаш шароитини яхши ташкил қилмаслик натижасида ишчининг баҳтсиз ходисага учраши саноат корхонасининг ёки раҳбар хокимларнинг айби хисобланади. Моддий йўқотишини қоплаш миқдори ва тартиби маҳсус қоидалар асосида олиб борилади.

### **Муҳокама учун саволлар.**

1. Меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятларида нималар акс эттирилади?

## **5.2.Ишлаб чиқаришда хавфсиз мөхнат қилиш шароитини яратиш**

Ишлаб чиқаришда соғлом ва хавфсиз мөхнат қилиш шароитини яратиш вазифасини бажаришда ва нормадаги шароитни таъминлашда мөхнат муҳофазасини бошқариш тизими инобатга олинади. Бу тизимни фаолиятига мөхнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни режалаштириш амалга ошириш, баҳолаш ва ишларни барқарорлаштириш киради.

Шунингдек, мөхнатни муҳофаза қилиш бўйича ташвиқот олиб бориш хавфсизлик талабига биноан ўқитиш, ишлаб - чиқариш унумдорлигини ошириш, ускуналар жараёнлар бино ва курилмалар хавфсизлигини тамиллаш санитария-гигиена мөхнат шароитини яхшилаш, ишчиларни шахсий муҳофаза воситалари ва мөхнатни нормадаги режими дам олиш билан таъминлаш, санитария майший хизмат, мутахасисларни касби бўйича танлаш каби вазифалар тизимининг таркиби хисобланади.

Тизимни бошқариш усули асосини мөхнат қонунчилиги хужжатлари давлат ва касаба уюшмалар қарори, йўлланма фармонлар, техникавий норма хужжатлар ташкил этади. Ишлаб чиқариш корхоналарида хавфсиз ва соғлом шароитини таъминлашда хавфсизлик техникаси, санитария-гигиена ва ёнғин хавфсизлигига боғлиқ қоида, йўриқномалар катта ахамиятга эга.

Улар умумий тармоқ ва оралиқ турларга бўлинади.

Вазирлик илмий текшириш лойихалаш инситутлари ўзаро хамкорликда тармоқ қоида ва нормаларни ишлаб чиқиб тасдиқлаб, уларни бир ёки бир неча тармоқ корхоналарида қўллаш учун тавсия этади. Оралиқ қоида ва нормалари корхоналарда заруриятга қараб бажариладиган иш ва жараёнлар учун хавфсизлигини таъминлаш мақсадида таклиф этилади.

Мөхнатни муҳофаза қилиш талабларини ташвиқот қилиш, амалга ошириш режалаштириш учун хужжатлар тайёрлашда 1974 йил 1 июлдан амалда бўлган мөхнат хавфсизлиги стадионлар шулар жумласидан фойдаланилади. Улар 5 турга бўлинади. 1973 йилдан эътиборан хозиргача 300-500 оралиғида стандартлар тасдиқланиб, ишлаб чиқаришга тавсия этилган.

### **Мухокама учун саволлар.**

1. Мөхнатни муҳофаза қилиш тизими нима вазифаларни бажаради?
2. Ишлаб чиқаришда хавфсиз ва соғлом иш шароити қандай яратилади?
3. Стандарларда нималар берилади?
4. МХСС да нималар ёритилади?

### **5.3.Инструкциялар билан танишиш турлари, ходимларни асосий меҳнат хуқуқ ва бурчлари ишлаб чиқаришда санитария –гигиена қоидалари.**

Хозирги замон фан техника тараққиёти, ишлаб чиқаришга янгидан янги технология ва машина-ускуналарнинг жорий этилиши ишлаб чиқаришда ишлаётган хар бир ходимдан юқори малакани эгаллашни, техника қонунларини яхши тушунишни ва унга амал қилиш зарурлигини талаб қилмоқда хозирги пайтда ишчилар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кўплаб қоида, норма инструкциялар ишлаб чиқилган бўлишига қарамай съяноат корхоналарида баҳтсиз ходисаларни бутунлай йўқолиб кетишини таъминлайдиган ва тартибга соладиган шароит мавжуд эмас. Саноат корхоналарини хилма-хиллигини хисобга олиб, ўзи учун мос келадиган меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлигин таъминлашга қаратилган инструкциялар тизими ГОСТ 12. 0004 -79.( МХСС-Меҳнат хавфсизлиги Стандартлари Системаси) ташкил қилинган. Бу тизимлар ишчиларнинг хавфсизлигини таъминловчи иш усулларини ўргатиш билан ишчининг меҳнат хавфсизлигини сақлаш чоратадбирларини хам ўз ичига олади. Хар бир ишчи ишлаб чиқариш хавфсизлиги хусусияти даражасидан, иш стажи ва иш туридан қатъий назар инструкциялардан ўтишлари керак. Инструкцияларни асосий 5 та гурӯхга бўлиш мумкин.

1. Кириш инструктажи.
2. Иш жойидаги инструктаж.
3. Режали инструктаж.
4. Режадан ташқари инструктаж.
5. Кундалик инструктаж.

Ишга янги кирайтганлар учун **кириш инструктаж ўтказилади** ва махсус дафтарга ёзиб қўйилади.

**Иш жойидаги инструктаж** ишга янги кирган бир ишдан бошқа ишга ўтказилган ишчиларга ўтказилади.

**Режали ёки такрорий инструктаж** ўтказиш вақти корхона касаба уюшмаси билан келишилган холда белгиланади.

Ишчи ишлаётган жойидан бирон бир сабаб билан 30-60 кун узулиш рўй берса ва бошқа холларда **режадан ташқари инструктаж** ўтказилади. Саноат корхонасида авария сабабли баҳтсиз ходиса рўй берганлиги хақида хабар эшитилгандан кейин хам дархол режадан ташқари инструктаж ўтказилади.

**Кундалик инструктаж**-наряд- рухсат билан бажариладиган хавфли ишлар учун иш бошлишидан олдин ўтказилади. Бу **инструктаж** ўтказилганлиги хақидаги маълумот наряд- рухсатга ёзиб қўйилади.

#### **Мухокама учун саволлар.**

1. Инструкциялар қандай хужжат?
2. Инструкциялар неча турга бўлинади, қайсилар?.
- 3.Инструкциялар қачон ва қандай ўтказилади?

## **VI. Халк хунармандчилиги**

### **6.1.Халк хунармандчилигига фойдаланиладиган нодир материаллар.**

#### **Заргарликда ишлатиладиган қимматбаҳо Металлар.**

Нодир ва қимматбаҳо материаллар асосан заргафлик ишларида қўлланилган. Қимматбаҳо сеталлар туркумига нодир металлар гуруҳидаги ҳамрна элементлар киради. Бўлар - олтин, кумуш, платина, палладий, иридий, рутений ва осмий. Улар коррозияга бардошли бўлганлиги сабабли "нодир" деб аталади, бошқа Металларга нисбатан уларнинг нархи қиммат бўлганлиги учун қимматбаҳо деб аталади. Заргарлик саноатида қўлланишига қараб, улар асосий ва иккинчи даражали ҳисобланади. Асосий металларга олтин, кумуш ва платина киради. Бу металлар коррозияга бардошлигидан ташқари яна бир қанча қулай хусусиятларга ҳам эга: юмшоқ, чўзилувчан, пластик ва бошқа металлар билан қотишма ҳосил этиш даражаси юқори. Нодир Металлар ичида энг жилоли ва заргарликда кенг ишлатиладиган металл - олтиндир.

**Олтин** - чиройли сариқ рангда товланади, жилолангандан товланиши янада ортади. Жуда юмшоқ, болғаланувчан, пластик ва чўзилувчан металл. Зичлиги  $19,32 \text{ г/см}^3$ , эриш ҳарорати  $1064^\circ\text{C}$ . Бир грамм олтиндан 3,5 км сим турса ва шундай юпқалиқда болғаласа бўладики, ундан ёруғлик ўтиши мумкин. шундай олтин варақнинг қалинлиги 0,0001 мм атрофида бўлади. Бундай қалинликда тайёрланадиган олтин "сусал" олтин дейилади ва бу зарварақ безакларда кенг қўлланилади. Нодир Металларнинг ичида олтинни энг нодир деб атаса бўлади. Унинг энг муҳим хоссаси - кимёвий бардошлигидир. Олтин очиқ хавода, ҳатто қиздирилганда ҳам оксидланмайди, унга намгарлик таъсир этмайди, у кислота, ишқор ва тузларнинг таъсирини сезмайди. Унга олtingутурт водороди ҳам таъсир этмайди. Олтин зар сувида эрийди. Хлорнинг таъсири остида  $200^\circ\text{C}$  да олтин Металли, хлорли қўринишга ўтади ва у сувда яхши эрийди. Ионли хлор ва бром ишқорий сувлари ҳам олтинни эритади. Симобда олтин енгил эрийди. Ҳарорат  $10-30^\circ\text{C}$  бўлганда симобдаги олтин 15% га етади ва қотади. Олтиннинг асосий микдори пул қийматини таъминлаш учун хизмат қиласи. Тоза олтин саноатда жуда оз микдорда қўлланилади. У аниқ асбобсозликда, кимё саноатида, коррозияга бардошли қопламалар қоплашда, самолётсозликда ва ракетасозликда қўлланилади. Заргарлик саноатида эса тоза олтин буюмларнинг сиртини қоплашдан ташқари қимматбаҳо қотишмаларнинг асосий таркиби сифатида қўлланилади.

**Кумуш** - оқ рангдаги металл, жуда чўзилувчан пластик ва болғаланувчан. Юмшоқлиги бўйича кумуш, олтин ва миснинг оралиғида жойлашган. Кумушнинг иссиқлик ва электр ўтказувчанлиги жуда юқори. Унинг ёруғлик қайтариш хусусияти жуда яхши бўлиб, келаётган нурнинг 95% ини қайтаради. Жувалаш йўли билан кумушдан 0,00025 мм

қалинликдаги варақлар ҳосил этиш мумкин. Кумушдан жуда ингичка сим тортса ва ўраса бўлади, у яхши кесилади ва жилоланади. Кумушнинг зичлиги  $10,5 \text{ г}/\text{см}^3$ , эриш ҳарорати  $960,8^\circ\text{C}$ . Кумушнинг очик ҳавога ва намгарчиликка бардошлиги юқори. Унинг тузли ва ўювчи кислоталарга чидамлилиги юқори. Ҳаво таркибидаги олтингутурт водороди таъсирида кумушнинг ранги хиралариши мумкин. Озон таъсирида ҳам кумуш оксидланади ва қора парда ҳосил бўлади. Азот ва концентрасияланган сулфат кислотаси таъсирида кумуш енгил эрийди. Уни ионли тузларда ҳам эритиш мумкин. Ишқорларнинг сувдаги эритмаси кумушга кескин таъсир этмайди. Олтин сингари кумуш ҳам симоб амалгами ҳосил етади. Эриган кумушнинг ҳаво сўриш хусусияти юқори бўлганлиги сабабли, қуйилган қўймалар ғовакли чиқиши мумкин. Қимматбаҳо Металларнинг ичидаги кумуш енг арзони ҳисобланади. Шу хусусияти ҳамда иссиқлик ва электр ўтказувчанилиги юқори бўлганлиги сабабли кумуш электротехникада, кимё саноатида, шунингдек, кўзгу, бадиий ва заргарлик буюмлари ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади. Мухофазаловчи ва безовчи галваник қопламаларни қоплашда, олтин-кумуш қотишмалари ва уларнинг кавшарларини тайёрлашда ҳам кумушдан кенг фойдаланилади.

**Платина** - оғир, кулранг-оқ Металл, жуда чўзилувчан, етарли даражада болғаланувчан, лекин қаттиқлиги олтин ва кумушнидан анча юқори. Платинанинг зичлиги  $21,45 \text{ г}/\text{см}^3$ , ериш ҳарорати  $1769^\circ\text{C}$ . Жуваланиши яхши, прокатлаб  $0,0025 \text{ мм}$  ли варақ ҳамда ингичка сим ҳосил қилиш мумкин. Платина кимёвий турғун Металлар туркумига киради. Жуда кам моддалар унга таъсир этиши мумкин. Масалан, ҳавода қаттиқ қиздирилганда ҳам у оксидланмайди ва совиганда ўз рангини сақлаб қолади. Ҳеч кандай бирикмасиз кислота унга таъсир этолмайди, фақатгина юқори ҳароратдаги кислоталар бирикмаси (зар суви) уни парчалайди. Ионли калий ва эритилган ишқорлар уни емириши мумкин. Юқори физиковий-кимёвий хусусиятларга эга бўлган платина кимё, асбобсозлик, авиасозлик саноатларида кенг қўлланилади. Заргарликда эса асллик даражаси юқори бўлган платина қотишмаларини тайёрлаш учун қўлланилади.

**Палладий** - кумушранг-оқ рангдаги металл, юмшоқ ва болғаланувчан, юпқа ҳолатгача жуваланиши ва ингичка сим кўринишигача тортилиши мумкин. Палладийнинг зичлиги  $11,97 \text{ г}/\text{см}^3$ , эриш ҳарорати  $1552^\circ\text{C}$ . Палладий сифатли металлар гуруҳига қўшилади, палладийдан ташқари радий, рутений, иридий ва осмий бу гуруҳга киради. Эриган ҳолатда палладийнинг водородни сўриш даражаси юқори ( $1:900$ ), бу ҳолатда унинг ҳажми ортади ва енгиллашади, лекин металл кўринишини йўқотмайди. Палладийнинг кимёвий хусусиятлари платинадан пастроқ бўлиб, уни  $860^\circ\text{C}$  гача қиздирилганда оксидланади ва қиздириш давом этирилса, оксид металлга сурилиб, Шунинг кўриниши яна ойдинлашади. Йоднинг спиртдаги эритмаси таъсирида палладий қораяди. У зар сувида, азот кислотасида ва бошқа минерал кислоталарда енгил эрийди. Заргарлик саноатида палладий баъзи тақинчоқларнинг қотишмаларини тайёрлаш

учун, оқ тилланинг таркибига ҳамда асимик даражаси паст бўлган олтин қотишмаларининг коррозияга бардошлилигини ошириш мақсадида қўлланилади.

**Рутений** - қийин эрувчан, ранги платинани эслатувчи, қаттиқ ва мўрт металл. Механик ишловга яроқсиз, болғаланса майдаланиб кетади. Рутенийнинг зичлиги  $12,3 \text{ г}/\text{см}^3$ , ериш ҳарорати  $2450^\circ\text{C}$ . Рутений олтин сингари зар сувида енгил эрийди. Бошқа платина гурухидаги металларга нисбатан у хлорга чидамли. Платина қотишмаларининг таркибида рутенийнинг иштироки сезиларсиз. Асбобсозликда қўлланилади.

**Иридий** - кулранг-оқ рангдаги қийин ерувчан металл, жуда қаттиқ ва мўрт, механик ишлов бериш мушкул. Иридийнинг зичлиги  $22,4 \text{ г}/\text{см}^3$ , ериш ҳарорати  $2410^\circ\text{C}$ . Кимёвий хусусиятлари жиҳатидан мустаҳкамлиги юқори металлар туркумига киради. Ҳеч қайси кислота ёки зар суви унга таъсир этмайди. Фақатгина  $800^\circ\text{C}$  дан юқори ҳароратда унга хлор, фтор ва кислород таъсир этиши мумкин. Кимёвий хусусиятлари юқори бўлганлиги сабабли, иридий кимёвий идишлар тайёрлашда қўлланилади. Платина қотишмаларининг таркибига иридий қаттиқликни ошириш мақсадида қўшилади. Ейилишга бардошлилик хусусиятлари юқори бўлганлиги сабабли соат механизимларининг ўқларини тайёрлашда қўлланилади. ериш ҳарорати юқори бўлганлиги сабабли платина-иридийли термопара тайёрланиб, юқори ҳароратларни аниқлашда фойдаланилади.

**Осмий** - оқ рангдаги металл, жуда кийин эрувчан, қаттиқ ва мўрт. Зичлиги  $22,5 \text{ г}/\text{см}^3$ , ериш ҳарорати  $3050^\circ\text{C}$ . Механик ишлов беришга яроқсиз. Осмий кислоталарда ва зар сувида эrimайди. Бошқа қотишмаларнинг таркибига қаттиқлиги ҳамда кимёвий бардошлилигини ошириш мақсадида қўшилади, аниқ асбобсозликда қўлланилади.

**2. Заргарликда ишлатиладиган тошлар.** Қадимги давларданоқ инсонлар заргарлик тошларини ранги ва жилоланиши каби хусусиятларини юқори баҳолаб келганлар. Айниқса, қизил, оч қизил рангдаги тошлар одамларда илоҳий кучларга ишониш ва даволовчи манба сифатида хизмат қилган. XIX-асрга келиб бундай тошларнинг қиймати фақат ранги билан эмас, балки қаттиқлиги, тозалиги ва ҳажмининг турли-туманлиги билан ҳам баҳоланганди.

Қадимдан Осиё ҳалқлари орасида феруза, марварид, зумрад ва бошқа қимматбаҳо тошлар - заргарлик буюмлари ниҳоятда қадрланган. Чунки улар инсон учун фақат безак буюмлари бўлиб қолмай, балки соғлик учун, инсон руҳияти учун ҳам ижобий таъсир этади деб ҳисобланган.

Ўзбек заргарлиги жуда қадими тарихга эга. Унга ибтидоий жамоа тузуми даврида асос солинган. Археологик топилмалардан маълумки, заргарлик санъати жуда қадими санъат бўлган. Эрамизгача бўлган II-асрдан бошлаб эрамизнинг VIII-асригача Айритом, Афросиёб, Далварзинтепа, Холгаён, Болалик тепада чиройли ҳайкаллар, девор безаклари орқали заргарлик санъати ривқжланганлигини кўриш мумкин. Хоразмдаги Тупроқ қалъя деворлардаги тасвирлардан ўша давлардаги аёллар қулоқларига нафис зирак тақсанликлари маълум бўлган (бу тасвир

III-асрга тааллуқли). Бўлардан ташқари бронзадан қуйиб ишланган бир қанча осма тақинчоқлар ҳам топилган. Бу осма тақинчоқлар II-IV-асрга мансуб бўлиб, Хоразмнинг Аёз қалъа, Етти асар, Бургут қалъа ва бошқа жойларидан топилган.

XVIII-асрда заргарликда асосий материал тилла. қумуш, ҳар хил қотишмалар, бронза, чақмоқ тош ва рангли тошлар ишлатилган. Энг кўп ишлатилган нарса олтин ва кумушдир. XIX-асрга келиб заргарликда олтин ишлатиш кўпайди. Ўрта Осиё ҳудудида заргарлик ишларида чақноқ тошлар, рангли тошлар ва денгиз тухфалари ишлатилар еди. Умуман олганда бўлами ҳаммаси **жавоҳирлар** деб юритилади. Жавоҳирлар заргарликда қимматбаҳо тош ҳисобланади. Улар чиройлилиги, рангининг тиниқлиги, бир хиллиги, ялтироқлиги, товланиши, қаттиқлиги, турли рангда ўзгариши ва бошқа хусусиятларга эга. Улар уч даражага бўлинади. Биринчи даражали қимматбаҳо тошларга олмос, сапфир, зумрад, ёқут, александрит, шпинел, евклаз, олтин, платина, марварид киради. Иккинчи даражали қимматбаҳо тошларга аквамарн, топаз, воробъевит, гелиодор, қизил турмалин, демантOID, аметист, пироп, алмендин, қиркон, опал уваровит; учинчи даражали қимматбаҳо жавоҳирларга нефрит, ёқутлар, феруза, кордиерит, гагат, қаҳрабо, малихит, кианит, епидот, биллур, қитрин, халкедон, агат, ақиқ, сердолик, содалит, пренит, иқжувард, флюорит, андалузит, диопсид ва бошқалар киради.

Техника ривожланиши натижасида тоғ жинсларидан катта миқдбрдаги ториъс хил тошлар қазиб олина бошлаган. Ҳозирги пайтда табиий тошларга ўхшаш бўлган турли кўринишдаги сунъий тошлар ишлаб чиқарилмоқда. Табиий кимёвий бирикмалар ва тоғ жинсларидан ҳосил бўлган тошлар **минераллар** дейилади. Тошларнинг нархи уларнинг рангига боғлиқ. Рангига кўра тошлар **идохраматик ва алохраматик** тошларга ажратилади.

Минералларнинг таркиби кимёвий моддаларнинг рангидан иборат бўлган тошлар **идохроматик тошлар деб аталади**. Минералларнинг таркибидаги кимёвий бирикмаларда ташқи кимёвий ранглар аралашмаси бўлган тошлар **алохроматик** тошлар деб аталади. Кимёвий хосса деганда тошнинг бирхил кислота ва тузлар таъсирига чидамлилиги тушунилади. Тошлар нур ўтказувчанлик хоссасига қараб уч турга бўлинади: нур ўтказувчи; ярим нур ўрказувчи; нур ўтказмайдиган. Тошларнинг нур ўтказувчанлиги уларнинг қирраларига боғлиқ бўлиб, бу хусусият тошнинг нархини ошишига олиб келади. Кўзлари ялтирашига кўра тошлар учга ажратилади: ялтироқ шиша кўзли; ялтироқ олмос кўзли; ялтироқ ярим металл кўзли. Кўзларнинг ялтироқлиги ёғлиқ, перламутр ва шойи кўринишида учрайди. Ёруғликнинг синиш кўрсаткичи шиша кўзларда 1,3-1,9 гача, олмос кўзларда 1,9-2,6 гача ва яримминерал кўзларда 2,6-3 гача бўлади.

Заргарлик тошлари буюмларни безатишиб, беш гурухга бўлинади: қимматбаҳо заргарлик тошлари; рангли заргарлик тошлари; органик заргарлик тошлари; турфа ранг заргарлик тошлари; сунъий

заргарлик тошлари. Заргарлик тошлари қаттиқлиги, кимёвий турғунлиги, ранги ва серқирралиги, кимёвий хоссалари, табиий ранги, ишлатилиш жойи, баҳоси билан бир-биридан фарқ қиласи. Тошларнинг кимёвий хоссалари силикат ва оксидлари таркибига кўра аниқланади, қимматбаҳо тошлар синфига олмос, ёкут, сапфир, дур-марварид ва зумрад киради.

**Олмос** - углерод кристалларидан иборат силикатлар (кремний, натрий, калций, магний, алюминий ва бошқа элементлар)нинг табиий ҳолатдаги бирикмаларидан ҳосил бўлади. Олмос грекча "адамас" сўздан олинган бўлиб, "енгилмос" деган маънони билдиради. Олмоснинг ранги оқ, қора ва яшил бўлиб, у ялтироқ ва жуда мустаҳкам тош. Олмос кимёвий таъсирларга чидамли. Олмосга ҳеч қандай кислота ва ишқорлар таъсир қилмайди.

**Халкедон** - у мармар денгизи қирғоғидаги қадимги Халкедон шаҳри номидан олинган бўлиб ранги оқ, кул ранг, ҳаво ранг, сариқ, кўк, қизғиши қўнғир бўлади. Унинг доғ-доғ ёки йўл-йўл турлари кўп. У абразив материаллар сифатида, соат тошлари тайёрлашда ҳамда заргарлик буюмлари тайёрлашда ишлатилади. Халкедон чақноқ тошнинг бир тури бўлиб, қадимдан зеб-зийнатлар ясаладиган тошлар ҳисобланган. Унга ишлов бериш осон бўлиб, асрлар мобайнида хизмат қилган. Усталар маржонлар, тўғнағичлар, узук, билагузук, зебигардон каби асл санъат дурдоналари яратиб келмоқдалар.

**Феруза** -(форсча-тожикча) минерал деган маънони билдиради. У жилосиз мумга ўхшаш хира, зангори, ҳаво ранг ёки яшил ҳаво рангда бўлади, рангли тошлар синфига мансуб кўкимтири тош. Кимёвий турғун эмас, ҳаво ва кислоталар таъсирида ранги ўзгаради, мўрт, шаффоф эмас. Зичлиги  $2,6 - 2,8 \text{ г}/\text{см}^3$ . Феруза олтин ва кумушдан ясалган буюмларга кўз сифатида қўйилади. Феруза вақт ўтиши билан ўзининг табиий рангини ўзгартиради. Нишопур (Эрон)да, Ида, Ўрта Осиё ҳамда Қозоғистонда энг иирик феруза конлари бор. Феруза конлари Марказий Қизилқум ҳамда Қурама тоғларида ҳам бор. Дунёда энг яхши феруза Нишопур ферузаси бўлиб, у ниҳоятда сифатлидир.

**Ақиқ** - русча агат, грекча оникс сўзидан олинган бўлиб, таржима қилинганда "тирноқ" деганидир. Бу минерал, заргарликда, қандакорликда, саноатда ва бошқа жойларда ишлатиладиган жавоҳир турларидан бири. У қадимги Миср, Ассирия, Бобилда ҳам безак материали сифатида маълум бўлган. Баъзи бир афсоналарга кўра қадимги Грекияда ақиқдан ибодатхоналар қурилган, чунки деразасиз, туйнуксиз ибодатхонага кирган киши унинг нурафшонлиги ҳамда кенглигидан ҳайратда қолган. Ақиқдан масалан, Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳридаги Гўри Амир мақбарасини ички хоналари безаги ясалган. Ақиқлар Ўрта Осиёнинг баланд Тян-Шан тоғларидан ёки горларидан қазиб олинган. Унинг оқ ялтироқ ва қуюқ қора рангда товланадиганлари бўлади. Ақиқдан ўймакорликда қутичалар, гулдонлар, тагдон, шамдон, қаламдон ва бошқалар ясалади. Саноатда эса ҳовонча, ҳовонча дастаси, тарози призмалари, электр ва сув ўлчов асбобларининг таглиги ва бошқаларда ишлатилади.

**Сафсар** - заргарликда маржон, түғнағич, илма түқима ва балдоқлар ясалашда ишлатиладиган қимматбаҳо тош. Уни Шаркда ҳам Европада ҳам юқори баҳолашган.

**Ёқут** - лаъл, русча рубин. Заргарликда ишлатиладиган чақноқ тошлар турига киради. Ёқут ҳам олмос сингари мустаҳкам, унга ҳеч қандай кислота ва ишқорлар таъсир қилмайди. Ёқут турлича қирраланади. Ёқут қимматбаҳо заргарлик буюмларига қўйилади.

**Сапфир** - титан ва темир оксидидан иборат кўк рангли тош. У оч ҳаворанг, тўқ ҳаворанг ва кўк рангда учрайди. Сапфир ҳам олмос каби қаттиқ, ялтироқ, кимёвий турғунлиги юқори, турлича қирраланувчи тош.

**Зумрад** - яшил рангли, қаттиқ, шишасимон, шаффоф ялтироқ тош. Зумрад қирраланган ҳолда тўртбурчак ва квадрат шаклда бўлади. У поғанали қилиб қирраланади. Зумрад олтин қотишмадан тайёрланган заргарлик буюмларига қўйилади.

**Янтар** - заъфар ёки жаъфар тош, табиатда ғорларда топилади. Заргарлик буюмларини ишлашда фойдаланилади.

**Дур** - Хитой тилидан олинган бўлиб, уни инжу деб юритилади. У чучик сувли дengизларда яшайдиган чиганоқлардан топилган. Дур шарсимон ёки нотўғри шаклдан иборат бўлиб турли товланади. Унинг катталиги каптар тухумидек бўлганлари энг қимматбаҳо ҳисобланади. Дур заргарликда ишлатиладиган энг қимматбаҳо материал ҳисобланади.

**Марварид** - русча - "жемчуг", думалоқ ноаниқ шаклли донача, тугунча. Марварид турланиб чиройли жилоланганидан зеб-зийнат буюми ҳисобланиб, унинг йирик хили дур деб аталади. Марвариднинг таркиби 86-90 % калсий карбонат ва 2-6 % сувдан иборат бўлади. Энг қимматбаҳо марварид думалоқ шарсимон шаклга эга; унинг катталиги 15 мм гача бўлади. Катта марварид кам учрайди. Лондон музейида ўлчамлари 4,5 ва 85 мм ли марварид сақланмоқда.

**Оливен** таркибида магний силикати билан темир бўлади. Оливен кўкимтири сариқ рангда, ойна каби ялтироқ ва мўрт бўлади. Оливен заргарлик тоши сифатида ишлатилади.

**Хризолит** сарғиш, кўкиш, шишасимон ялтироқ тиник рангда ва мўрт бўлади. Хризолит заргарликда майда тошлар сифатида қўлланилади.

**Шпинел** - таркиби магний ва алюминий брикмалардан иборат ялтироқ, қаттиқ ва мўрт тош. Шпинел турлича қирраланади. У юқори пробали заргарлик буюмларига қўйилади.

**Турмалин** - таркиби алюминий силикат, калций, магний ва бурадан иборат бирикма. У мураккаб кимёвий таркибга эга, ялтироқ ва қаттиқ тош.

**Ахроит** - рангиз, турлича турмалиндан иборат оч яшил рангдаги тош. Ахроит аралаш, пона ва пафона шакли қирраланади.

**Цирконий**-граната гурухига киравчи тош. Цирконийнинг таркиби цирконий ва кремний оксиддан иборат. Цирконий сўзи- "олтинранг" маъносини англатади. У ялтироқ тиник тош. Заргарликда кўк ҳамда яшил цирконий ишлатилади.

**Топаз** - граната гурухига киругчи тош. У биринчи марта Қизил денгизнинг Топаз оролидан топилган. Топаз рангсиз сарғиш, сомонсимон оқиши рангда, ойнасимон ялтироқ бўлади. Топаз аралаш, бриллиант ва пофона шаклида қирраланади. У олтин ва қумушдан ясалган заргарлик буюмларига қўйилади.

**Нефрит** - таркиби калций, магний ва темир суlfатидан иборат, шаффоф емас, лекин жуда мустаҳкам тош. Нефритнинг зичлиги  $3 \text{ г}/\text{см}^3$ . Нефрит кабатош ва япасқи думалоқ шаклда қирраланади. У асосан қумушдан ясалган заргарлик буюмларига қўйилади. Баъзан олтинданд ясалган буюмларга хам ўрнатилади. У яшил, сарғиш, оқ, тўқ яшил рангли ялтироқ тош. У турлича товланади.

**Малахит** - таркиби мис оксидидан ташкил топган тош. Зичлиги  $3,6 \text{ г}/\text{см}^3$ . Малахит ялтироқ эмас, аммо жилваланади. У яшил рангли, мустаҳкамлиги паст тош. Малахит кабатош ва япасқи думалоқ шаклда қирраланади. Олtingугурт кислотасида эрийди. Олтин ва қумушдан ясалган заргарлик буюмларида кам миқдорда кўз сифтида ишлатилади. Камроқ маржон сифтида тарқалади.

**Органик тошлар.** Бу тошлар қаттиқ бўлмаган органик жисмлардан иборат бўлгани учун қаттиқлиги юқори эмас. Органик тошлар синфига **қаҳрабо, маржон, гагар** киради. Қаҳрабонинг таркиби қум, дарахт парчалари, барги, гул япроқчалари ҳамда ҳашорат япроқларидан иборат бўлади. Қаҳрабо шаффоф, мўрт тош, кимёвий турғун эмас,  $300^\circ\text{C}$  да эрийди, зичлиги  $1,1 \text{ г}/\text{см}^3$ .

Маржон - таркиби дарахтсимон тузилишига эга бўлган темир оксидидан иборат органик жисм. Оқ, қизил, пушти айрим ҳолларда қораси хам учраб туради, зичлиги  $2,5 \text{ г}/\text{см}^3$ . Маржон қаҳрабога қараганда мустаҳкамроқ, лекин шаффоф емас.

**Сунъий тошлар.** Заргарликда ишлатиладиган сунъий тошлар 4 турга бўлинади: сунъий корунд, ўстириладиган тошлар, қимматбаҳо ва ўртача қийматли тош рангини берувчи тошлар, ойна ёки пластмасса рангини бсрувчи-тошлардир.

Умуман олганда ҳалқ ҳунармандчилигига ишлатиладиган материалларнинг ҳаммаси ҳам ўзига хос қийматга эга, чунки улар катта, мешақатли меҳнат эвазига олинади. Масалан, мисни олайлик. Мис қадимдан инсонга маълум бўлган металл. Мис ва унинг қотишмалари инсоннинг рноддий маданиятини ўстиришда катта аҳамиятга эга. Қадимда юнонлар мис рудасини биринчи бўлиб Кипр оролларидан қазиб олганликлари учун унинг номи лотинча киприт деб аталади. У табиатда таркибida темир, кумуш ҳаттоки олтин бўлган руда ҳолида учрайди. Мис ҳаётий физиологик жараёнда қатнашадиган муҳим элемент. У юмшоқ, чўзилувчан, болгаланувчан қизил ёки қизғиши металл. Мис иссиқлик ва электр токини жуда яхши ўтказиб қумушдан кейин иккинчи ўринда туради. У ҳавода тез оксидланиб қораяди. Нам ҳавода мис гидроксидкарбонат ҳосил қилгани учун кўкаради. Мис мис рудаларини қайта ишлашдан олинади. Ундан лаган, офтоба, жом, самовар ва бошқалар,

шунингдек сунъий ипак олинади. Қадимда мисгарлар соф мисни совуқлайн ишлатганлар, шунинг учун ҳам мис буюмлар юмшоқ ҳамда мўрт бўлган. Кейинчалик мис ва қалай қотишмасидан ҳосил қилинган **бронзани** ишлатганлар. Бронзадан ишланган буюмлар бирмунча пишиқ бўлади. Ўзбек халқ амалий санъати турлари ичида зеб-зийнат санъати бўлмиш заргарлик алоҳида ўрин эгаллайди (миллий тақинчоқлар ва б.). Шунингдек, ёғоч ўймакорлигига ишлатиладиган ёнғоқ дарахти материаллари, зардўзликда ишлатиладиган зар ипларни ҳам қимматбаҳо материаллар қаторига киритиш мумкин. Шундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

**3. Заргарликда ишлатиладиган асбоблар.** Бошқа касблар сингари заргарликда ҳам ўзига хос асбоб-ускуналар ишлатилади. Лойли ўчоқ, чарм, ўтга чидамли лойлар, пайванд, найча, металл қисқичлар, болғачалар, Металл тахта, паргор, зубилолар, мисгарликлар ишлатадиган баъзи бир кескич асбоблар, чарх тош, кичкина қисқичлар, қолиплар, Металлдан қилинган ҳар хил диаметрли ярим шарсимон чуқурчали қолипчалар, тунукаларни қирқиши учун қайчилар, омбирлар, пайвандловчи асбоб ва бошқалар ишлатилади.

**Пунсон** - (пуансон) заргарликда ишлатиладиган асбоб бўлиб Металлга нақш ишлашда ишлатилади.

**Куря** - темир ёки пўлатдан ясалган. Унинг бир неча катталиқдаги тешиги бўлиб, олтин ёки кумуш олдин каттароқ, кейин кичикроқ, сўнг янада кичикроқ тешикдан ўтказиб тортилади. Олтин ёки кумуш сим ҳозир шу хилда тайёрланади. Сим курянинг нақш ўйилган жойга қўйиб боғланса нақш ҳосил бўлади. Ҳосил қилинган сим киркира деб аталади. У безак буюмларида ишлатилади.

#### **Мухокама учун саволлар:**

1. Нодир ва қимматбаҳо материалларни кластер усулида ифодалаш.
2. Иш қуроллари ҳақида сұхбат.

## **6.2.Халқ хунармандлари томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар.**

Республикамиз каштачилик, зардўзлик, кулолчилик, мисгарлик, кандакорлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги сингари халқ амалий санъати билан бутун дунёда машҳурдир. Ёғочга, мисга, қофозга, матога ганчга чизиб, ўйиб, тирнаб, зарб билан ишланган нақшу нигоралар, уларнинг гўзаллиги, нағислиги ва таъсирчанлиги кишини ўзига мафтун етади. Халқ амалий безак санъати анъаналари авлоддан авлодга ўтиб келиши билан бирга тараққиётнинг янги сифатига эга бўлмоқда, бу жараён, айниқса, ҳозирги қайта қуриш даврида янада юқори самараларга эришув имкониятига эга бўлиб бормоқда. Бинобарин амалий безак санъатларини ўргатиш машғулотларида халқ, усталари яратган асарларининг бекиёс маънавий қийматларини намойиш этиш орқали ёш авлодда естетик дидни шакллантириш, уиарга зарур билимлар, ва ахлоқий тарбия, бериш,

инеҳнат, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, касб танлашга руҳий ва амалий тайёрлаш вазифалари ёътиборда туради. Ўзбек амалий безак санъати турларининг кўплигидан келиб чиқадиган ўзига хос таълим ва тарбия имкониятлари яхши натижалар беради. Биринчидан, якка киши ҳеч қачон амалий безак санъатининг ҳамма турларини тўлиқ ўзлаштира олмайди. Лекин умумий даражада танишиш шахснинг юқори маданий даражага еришуvida зарур шартдир. Бундан келиб чиқадики, ушбу санъатларни ўргатиш икки хил шаклда амалга оширилиши мумкин: умумий назарий маълумотларга ега бўлиш ёки бирор турини амалий жиҳатдан тўлиқ эгаллаш. Иккинчидан, ҳар бир мураббий - уста ўзи чукур егал лаган санъат турини шогирдларига чукур ўргатиш билан чекланиши мумкин. Учинчидан, ҳар турли маҳаллий шароитлардан келиб чиқсан ҳолда ушбу санъатларнинг у ёки бу тури бўйича машғулотлар ташкил этишда танлаш учун кенг имкониятлар мавжуд. Лекин ҳар қандай билим ва хунар ўргатишдан асосий рнақсад келгуси амалий, зарур вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим. Машғулотларида ўқувчилар бажарадиган ҳар турли топшириқлар уларнинг ботаника, биология, тарих, адабиёт ва бошқа фан соҳаларидағи билимларидан фойдаланишни тақозо етади, яъни бу машғулотларда предметлараро боғланишни ҳисобга олиш зарур.

Болалиқда бўлган қизиқиш бора-бора бир умрлик касбга айланиши мумкин. Шу билан бирга ёшлиқда бирорта санъат билан қизиқиб шуғулланган бўлиб, лекин кейинчалик бошқа касб эгаси бўлиб кетиши ҳоллари ҳам маълим. Бунда ҳар икки ҳолда ҳам санъат оламининг киши шахсининг такомиллаштиришдаги вазифаси етарлича бажарилган деб ҳисоблаш мумкин. Чунки ҳар иккала ҳолда ҳам эстетик дид ва маъданий даражанинг зарур тараққиётига эришилади.

Шуни унутмаслик керакки, яқин ўтмишда ўзбек амалий безак санъатининг енг ривожланган ганчкорлик, наққошлиқ, ёғоч, тош ва суяқ ўймакорлиги, кандақорлик, пичоқчилик, заргарлик, каштачилик, зардузлик, гиламчилик, кигизчилик, саватчилик, бўйрачилик каби турларининг ўзига хос бажариш технологиялари, ҳақиқий миллий номлари, уларга хос атамалар, бу санъатларга хос мактаблар, услублар ҳамда шу соҳаларда ном қозонган усталарнинг хизматлари унута борилиб, йўқолиб кетиши хавфи остида қолган эди. Шундай ҳолат ҳозирги кунда санъаткорлар, ҳалқ усталари, муаллимлар ва санъат ҳаваскорлари олдига амалий безак санъатини сақлаб қолиши, уларни ҳар томоилама ўрганиш ва ривожлантириш, ёш авлодга санъат сир-асрорларини ўргатиш орқали ўринбосарлар тайёрлаш санъат асарларини кенг тарғиб қилиш орқали жамоатчиликнинг эстетик дидини, маданий даражасини янада юқори босқичга кўтарилишига эришиш вазифаларини қўяди. Бироқ мустақиллик туфайли қадриятларимиз тикланди, хунармандчилик қайти ривожланмоқда. Бу мақсадлар йўлида олиб бориладиган ишлар ҳалқ усталари, санъаткорлар учун енг қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшламинг бадиий таълим олишлари, санъатларни эгаллашларини ташкил этиш ва туғри илмий-методик йўналишда олиб бориш, санъаткор-педагоглар

тайёрлашни йўлга қўйиши, тегишли илмий тадқиқотжарни олиб боришдан иборат бўлиши керак.

Маълумки, хўжалик ишларини юритиш, маҳсулот ишлаб чиқариш масалалари бевосита бозор муносабатлари билан узвий боғлангандир. Чунки бозордаги талаб ва таклифни ўрганмасдан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ўз егасини топмасдан, яъни бозорда сотилмасдан тўхтаб қолади. Бу эса хўжалик ёки корхонани иқтисодий томондан инқирозга олиб келади. Шу жумладан бу ҳои ҳалқ ҳунармандчилиги соҳаларига ҳам тегишидир. Ҳозирги пайтда ҳалқ ҳунармандлари ички бозор ва экспорт учун кўплаб турли хил кўринишдаги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқдалар. Айниқса, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган идиштовоқлар (кулочилик), кийим-кечаклар, поябзаллар (тикувчилик, тўкувчилик), гилам ва бошқа поёндозлар (тўкувчилик), ўймакорлик ва наққошлик усулларида ишланган қутичалар, стол, стул, курси, сандик, дарвоза ва шу кабилар харидоргирлиги билан ажralиб туради. Юртимизга ташриф буюрган чет эллик меҳмонлар ўз юртларига эсадлик сифатида ниманидир олиб кетишини хоҳлайдиаар. Бунда уларга қутичалар, зардўзлик буюмлари, кўза, лаган, лавҳ, чоғу асбоблари, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа шу сингари бежирим ва чиройли ишланган буюмлар, айниқса, маъқул келади. Кейинги пайтда республикамизда терига рангли расм ишлаш санъати ҳам ривожланди. Ҳунармандлар бозордаги таклиф ва талабни ҳисобга олган ҳолда мана шундай маҳсулотларни ички бозор ва экспорт учун кўплаб ишлаб чиқармоқдалар, республикамизнинг довруғини янада кенгроқ ёйишга хизмат қилмоқдалар.

#### **Мухокама учун саволлар:**

1. Ҳунармандалар томонидан ишлаб чиқарилаётган буюмларни кластер усулида ифодалаш.
2. Уйга вазифа бериш. Уйларида қандай ҳунармандчилик буюмлари борлигини аниқлаб келиш.

### **6.3. Замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабати билан узвийлиги**

Ўқитувчи янги мавзуни баён қилишдан аввал талабаларга "Б/Б" жадвали тўғрисида тушунтириб беради ва ҳар бир ўқувчига мавзу бўйича нималарни биласиз", "Нимани билишни хоҳлайсиз" деган аволларга жавоб бериш учун жадвалнинг "Биламан" ва "Билишни хоҳлайман устунларини лўлдиришни топширади.

#### **Б/Б" жадвали**

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
---------	-------------------	-------------


**Ўқитувчи маъruzаси:** Бугунги кунда юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар асосида ишлаб чиқаришни кенгайтириш, самарали йўналишларини аниқлаш ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабатлари билан узвийлигини таъминлашдан кўзланган асосий мақсад -ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатли бўлиши, бозор талабларига жавоб бериши ва бозор муносабатлари шароитида рақобатлаша олишидан илиоратдир.

Шу сабабли ёғоч, металл ва газламага ишлов бериш ҳамда пазандачилик асослари бўйича маҳсулотлар тайёрлаш ва буюмлар ясашда мустақил ижод қилиш ва бозор иқтисодиёти талаблари даражасидаги сифат ва дизайнга жавоб берадиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун меҳнат таълими устахоналарида етарли шароитлар мавжуд бўлишилизим.

Мавжуд шароитлар асосида замонавий ишлаб чиқариш ишларини ташкил этишда қуидагиларга эътибор бериш керак:

### **1. Замонавий ишлаб чиқариш:**

1. Мехнат таълими дарслари мобайнида моддий ва маънавий неъматларни яратиш жараёни;
2. Маҳсулотни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлиш ва истеъмол қилишнинг узлуксиз янгиланувчи жараёни;
3. Ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга эришиш жараёни.

### **2. Замонавий ишлаб чиқариш омиллари:**

1. Ишлаб чиқриш воситалари;
2. Ишчи кучи.

### **3. Ишлаб чиқаришнинг ривожланиш босқичлари:**

**Биринчи босқич** - ишлаб чиқаришда оддий асбоб-ускуналарнинг мураккабларига ўтиши орқалигина тараққиёт кузатилади, оддий турдаги маҳсулотлар тайёрлашга эҳтиёжлар кучаяди;

**Иккинчи босқич** - машина, механизм ва станоклар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ривожланади, товар бозори хўжалиги юзага келади ва кенг доирадаги моддий ва маданий еҳтиёжлар қондирилади;

**Учунчи босқич** - хизмат кўрсатиш соҳаси янада ривожланиб, фан ишлаб чиқарувчи кучга айланади, ресурсларни тежовчи, "юқори" технологияларга ўтилади, бозор иқтисодиёти оддий эҳтиёжларни тўлиқ қондириш ва юқори даражадаги талабларни амалга оширишга эришади.

Замонавий ишлаб чиқаришда бозор муносабатларига киришиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Бу жараёнда, бозор муносабатлари кишилар учун ғоят фойдали бўлгани учун, у узлуксиз равища ривожланиб боради.

Иқтисодчилар томонидан берилган таърифга кўра, бозор - бу олувчи билан сотувчи учрашадиган жой, муносабат - кишилар ўртасидаги алоқа, муомаладир.

Демак, меҳнат таълими машғулотларидаги бозор - бу ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги янги ахборотларни алмашинуви, ишлаб чиқариш жараёнидаги алоқа, уларнинг ўзаро "Устоз-шогирд" фаолияти асосида билим, кўнкима ва малакаларни шаклланиши бўлса, муносабат - ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги яқинлик, алоқа, муомала ҳисобланади.

Бозор муносабатлари асосида ишлаб чиқаришни ташкил этишда моддий-техник база муҳим аҳамият касб этади. Одатда ёғоч ва металларга қўлда, станоклар ёрдамида ишлов берилади. Мактаб шароитида ёғоч ва металларга ўқув устахоналарида ишлов берилади. Ёғоч, металл ва газламага ишлов бериш ҳамда пазандачилик асослари бўйича ўқув устахонаси иш ва ўлчов асблолари, мосламалар, станоклар билан жиҳозланади. Устахонада материаллар ва зарур қўргазмалар ҳам бўлади. Устахонада олиб бориладиган машғулотлар иш ўрни деб аталувчи маҳсус жойда бажарилади. Иш ўрни барча керакли асбоб-ускуна ва материаллар билан таъминланади.

Мактаб ўқув устахонасида ҳар бир ўқувчи учун алоҳида иш ўрни жиҳозланади. Бу эса ўқувчиларни машғулот пайтида бир-бирларига халақит бермай ишлашлари учун қулайдир.

Ёғоч, металл ва газламага ишлов бериш ҳамда пазандачилик асослари бўйича бир неча хил асбоб-ускуналар ва мосламалардан фойдаланилади. Булар ўлчаш-режалаш ва иш асблоларидан иборат. Ўлчаш-режалаш асблоларига металл линейка, буклама метр, чизғич, штангенциркул нутромер кабилар кирса, иш асблоларига эса арра, ранда, исказа, эгов, зубило, темир арра, болға ва бошқаларни киритиш мумкин. Ишлаб чиқаришни жадаллаштириш ва сифатли буюмлар тайёлашда дастгоҳ ва станоклардан ҳам фойдаланилади. Газламага ишлов бериш ва пазандачилик асослари йўналишлари бўйича ҳам кўплаб асбоб-ускуналардан фойдаланилади. Масалан, қайчи, тиқув машинаси, пичоқ, турли печлар ва б.

Бундан ташқари, замон талаблари асосида ишлаб чиқаришни ташкил қилишдаги муҳим кўрсаткич мавжуд бўлган материаллардан самарали тартибда фойдаланиш ҳисобланади. Ишлаб чиқариш жараёнида турли хил буюмлар тайёрлашда материаллардан тўғри ва исроф қилмасдан фойдаланиш, тайёрланган буюмнинг сифатини, ишлаб чиқаришнинг

самарадорлигини ошириш учун ишлатиладиган материалнинг турини, хусусиятларини, шу хусусиятларига кўра ишлов бериш технологиясини билиш талаб этилади.

Умуман олганда бозор муносабатлари замонавий ишлаб чиқариш жараёни билан узвий равишда қўйидаги функцияларни бажаради.

1. Мехнат таълимида бозор ишлаб чиқариш билан истеъмолни боғлаш, керакли уй-рўзгор буюмларини тайёрлаш ва етказиб бериш орқали инсонларнинг турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қиласди.

2. Мехнат таълими машғулотларида буюм тайёрлаш, яъни товар ишлаб чиқариш учун меҳнат сарфланади, шу меҳнат қийматни шакллантиради. Товар бозорга чиқишига қадар меҳнат моддий шаклда (мусалан, стол, стул, чекич, ўқлов, кўйлак, турли пишириқ маҳсулотлари ва лиоказо) бўлади, бозорда сотилгач, ундаги меҳнат маълум миқдордаги қиймат пул шаклига ўтади.

3. Ишлаб чиқаришни янгилашга шарт-шароитлар яратишда бозордан керакли меҳнат қуроллари, хом ашё, ҳар хил материалларни харид етадилар ва керакли бўлган янги-янги ахборот ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган маълумотларни ҳам оладилар.

4. Меҳнат таълими машғулотларида тайёрланган буюмларни бозорда сотиш орқали иқтисодий ҳамкорлик таъминланади *ва* бозор талабларига асосан буюмлар ишлаб чиқарилади. Бозор ҳамма вақт иқтисодий ҳамкорликни кенгайиб боришини талаб қиласди.

5. Ишлаб чиқаришнинг узлуксиз такрорланиб туришини таъминлаш, тайёрланаётган буюмнинг замонавийлиги, таннархининг арzonлиги, бозор талабларига тўла жавоб бериши ва ҳар томонлама рақобатлаша олиши билан белгиланади.

Шунга кўра, бозор муносабатлари талаблари асосида замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш - амалий машғулотлар давомида ўқувчилар томонидан тайёрланаётган буюмларнинг бозор иқтисодиёти талаблари даражасидаги сифат ва дизайнга жавоб берадиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга тайёрлаш билан боғлиқ талабнинг ортиши ҳисобланади.

Мехнат таълимида замонавий ишлаб чиқаришни бозор муносабати билан узвийлигининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, уларга қўйидагиларни киритиш мумкин:

1. Буюмлар тайёрлаш учун зарур бўлган янги ахборотлар билан таъминлаш;
2. Машғулотлар давомида ўқувчилар ўртасида буюмлар тайёрлаш жараёнидаги рақобатни вужудга келиши;
3. Ишлаб чиқаришга бўлган талаб ва таклифнинг ортиши;
4. Тайёрланган буюмларнинг сифат ва дизайн талабларига мослиги;
5. Ижтимоий соҳалар, саноат ва қурилишда моддий ишлаб чиқариш асослари ва унинг таркиби, ўзаро муносабати, бир-бирига боғлиқлик жараёнларини таъминлаш;

6. Мулкчилик турлари, маркетинг ва менежмент фаолиятини ташкил этиш;
7. Маҳсулот намунасини (макети, модел) тайёрлашда қўлланилган хом ашё, ижодий ғоя ва дизайн ечимларини асосланиши;
8. Энг яхши ижодий ғояларни излаб топиш;
9. Ишлаб чиқариш ҳаржатларини пасайтириш ва материалларни тежашни қарор топтириш;
10. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини кўпайтириш.

Белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш орқали меҳнат таълми дарсларида замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабати билан узвийлиги таъминланади ва ишлаб чиқариш технологиясига оид ўқув топшириқлари мазмунида асосан буюм тайёрлаш эмас, балки бозор иқтисодиёти талаблари даражасидаги сифат ва дизайнга жавоб берадиган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, айирбошлиш, тақсимлаш ҳамда истеъмолчиларга етказиш фаолиятларининг ривожланиши билан боғлиқ талабларга етарлича жавоб бера олади.

Меҳнат таълимида замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабатлари билан узвийлиги алоҳида ижодий характер касб етади ва замонавий ишлаб чиқариш жараёнининг такомиллашуви инсонни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш имкониятларини вужудга келтиради.

#### **Мухокама учун саволлар:**

1. Замонавий ишлаб чиқариш ишларини ташкил этишда нималарга катта эътибор бериш зарур?
2. Меҳнат таълимида замонавий ишлаб чиқариш қандай омилларга боғлиқ?
3. Замонавий ишлаб чиқаришни бозор муносабатлари билан узвийлигини тушунтириб беринг?
4. Ёғоч ва металлга ишлов бериш орқали ишлаб чиқариш ишларини ташкил қилишнинг қандай босқичиарини биласиз?
5. Меҳнат таълимида замонавий ишлаб чиқаришни бозор муносабати билан узвийлигининг ўзига хос хусусиятлари нималардан иборат?
6. Бозор муносабатларининг замонавий ишлаб чиқариш жараёни билан узвий равишда боғлаб турадиган қандай функциялари бор?

## **6.4. Ўлчаш ва таққослаш технологиялари стандартлари**

Ҳар бир буюмда унинг сифатини кўрсатадиган ўзига хос хусусиятлар бўлади. Масалан, автомобил учун тезлик, ёнилғи сарфи, юқ кўтариш меъёри ва б.; газлама учун пишиқлик, фижимланмаслик ва шу кабилар ана шундай хусусиятлардир. Чидамлилик, мустаҳкамлик, қулайлик, чиройлилик ҳамма буюмлар учун умумий сифат белгилариdir.

Маҳсулот сифатини назорат қилиш - ишлаб чиқаришнинг ҳар қандай тармоғдаги технологик жараённинг енг муҳим ва мажбурий қисмидир. Ишлаб чиқаришда маҳсулот сифатини назорат қилислининг комплекс

тизими жорий етилган. Бу тизим дастлабки материалларни текширишдан, кириш назоратидан бошланади. Ана шу босқичда материаллар ва ярим фабрикатларнинг технологик хужжатларда ифодаланган техник талабларга мувофиқлиги аниқланади.

Маҳсулот сифатини назорат қилишнинг комплекс тизими асбоб-ускуна, мослама ва қурилмаларнинг технологик мустаҳкамлигини текширишни ҳам ўз ичига олади. Технологик ва назорат-синов асбоб-анжомлари, мосламалари ва қурилмалари вақти-вақтида (белгиланган графикка мувофик) текширилади, ремонт қилинади ва уларнинг эскирганлари алмаштирилади. Агар технологик жараёнда буюмлар сифатини назорат қилиш амалга оширилмаса, сифатли материаллар ҳам, ишончли техника ҳам маҳсулотнинг сифатли бўлишини таъминлай олмайди.

Назорат қилишнинг асосий таркибий қисми буюмнинг турли параметрларини ўлчашдир. Ҳозирги замон ишлаб чиқаришини ўлчашларсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Масалан, авиация двигателини тайёрлашда 100 мингдан ортиқ технологик операциялар бажарилади ва уларнинг деярли ярми ўлчашлар билан боғлиқдир.

Одатда буюм параметрларини ўлчаш технологик жараённинг таркибий қисми ҳисобланади. Корхонада янги маҳсулотни чиқаришда технологлар уни қандай усуви ва асбоб-ускуналар билан тайёрлаш ҳақидагина емас, балки тайёрланадиган буюмнинг асосий параметрларини назорат қилиш ҳақида ҳам жиддий ўйлайдилар. Ўлчаш деталлами тайёрлаш ва буюмларни йиғиши жараёнининг мунтазам назорат қилинишини таъминлайди. Бундай назорат алоҳида деталлар ва урнуман буюмнинг технологик хужжатларда ифодаланган барча ўчамларини, талаб қилинган характеристикаларини, физик ва механик хоссаларини сақлаш учун ниҳоятда зарурдир.

Деталларни тайёрлаш жараёнида кўпроқ геометрик ўлчамлар, юзаларнинг нотекислиги, қаттиқлиги, шаклнинг бузилиши, ўзаро жойлашуви, материалнинг сифати, хоссалари ва бошқа параметрлар назорат қилинади. Тайёр буюмлами Давлат стандартларида, чизмаларда ва техник шартларда ифодаланган талабларга мувофиқлиги текширилади.

Технологик жиҳатдан брак маҳсулотга йўл қўймайдиган назорат тизимиға фақатгина ўлчашлар емас, балки таққослаш, дефектоскопия ва синаш методлари ҳам киради. Таққослашда текширилаётган буюм билан намуна еталоннинг параметрлари кўриш ёки оптик воситалар ёрдамида қиёсланади. Дефектоскопия кўз илғамас ёриқларни, буюм деталлари ичидаги ғовакларни, эксплуатация вақтида аварияларга сабаб бўлган нуқсонларни аниқлаш имконини беради. Бунинг учун назоратнинг ултратовушли, рентгенли ва багҳқа мосламалари кўлланади. Ўлчаш, таққослаш ва дефектоскопия методлари деталларни бузмайди, шунинг учун улар зарарсиз методлар дейилади. Лекин баъзан буюм деталларининг механик ва физик параметрларини аниқлаш, уларнинг эксплуатацион хоссаларини баҳолаш учун синалаётган намунани бузишга тўғри келади.

Назоратнинг бундай методи заарли ҳисобланади. Намунага механик таъсир кўрсатилади ёки уни эксплуатасия шароитида текширилади. Махсулотнинг тажриба намуналари албатта синалади.

Буюмлар ва деталларнинг параметрларини назорат қилишда турли назорат - ўлчов воситалари: учаш асбоблари ва қурилмаларидан фойдаланилади. Кўплаб маҳсулот тайёрланадиган ишлаб чиқаришда маҳсус назорат- ўлчов асбоблари ҳам қўлланади.

Хозирги ишлаб чиқаришдаги буюмлар сифатини назорат қилиш тизимида электрон-ҳисоблаш техникаси кенг қўлланмоқда. Шунинг учун ўлчашларда тегишли натижаларга эришиш тезлашди ва ўлчашлардаги хатолар камайди. Автоматик ҳамда яrimавтоматик назорат системалари вужудга келиб, улар ўлчаш учун сарфланадиган вақтни қисқартирмоқда ва назоратчининг субъектив баҳолашини бартараф қилмоқда.

Юқорида кўриб чиқилган назорат ўлчашларнинг комплекс тизими маҳсулотнинг сифатли бўлишини таъминлашга қаратилган.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш шароитида маҳсулот сифатини ошириш муаммоси алоҳида аҳамият касб этади, Сифатнинг пастлиги, брак-кишилар меҳнатига ҳурмацизлик билан муносабатда бўлиш ва моддий ресурслами исроф қилишdir.

Ўтган йилларда қатор корхоналарда (бирлашмаларда) давлат қабўлининг жорий этилгани буюмлар сифатига қўйиладиган талабларнинг оширилишини тақозо қилди. Давлат қабўли органлари фақат тайёр буюмлар сифатини текшириш билан чекланмай, бутун ишлаб чиқариш жараёнини - хомашёлар, материаллар ва заготовкаларни ташишдан бошлаб тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга етказиб "беришгача назорат қилмоқда. Давлат қабули вакиллари ҳар қандай технологик операциянинг тўғри бажарилишини, барча технологик асбоб-ускуналар, жиҳозлар ва назорат- ўлчов воситаларининг созлиги ҳамда ишончлилигини текширишлари, қандайдир техник шароитларга ёки Давлат стандарти талабларига риоя қилинмаётган бўлса, маҳсулотнинг чиқарилишини тўхтатишлари мумкин. Маҳсулотнинг давлат қабулини амалга оширувчи ходимлар корхонадаги техника назорати бўлими вакиллари билан бирга бракнинг сабабини таҳлил қиласидилар, уни бартараф етишга ёрдамлашадилар, ҳамкорликда ишлаб сифатли буюм ва материаллар олинишига эришадилар.

### **Мухокама учун саволлар:**

1. Мактабда меҳнат таълими дарсларида маҳсулот сифатини, буюмларни назорат қилишнинг қандай усуллари билан танишгансиз?
2. Ўзингиз физика, кимё, меҳнат таълими дарсларида учратган механик ва электр ўлчов асбобларини айтинг.
3. Назорат қилишнинг истиқболли қандай усулларини биласиз?

## **6.5.Композиция ва композицион яхлитлик.**

**1. Композицион яхлитлик қонуни ҳақида тушунча.** Композиция - лотинча "Сомпоситио" сўзидан олинган бўлиб, "тузмоқ", "жойламоқ", "яратмоқ" деган маънони билдиради.

"Композиция" тушунчаси ҳақида гапирганда шуни айтиш мумкинки, у турли иш усулларининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, ҳар бирида тайёрланаётган буюмнинг мақсади ва мазмуни ҳамда иш кетма-кетлиги ҳам турлича бўлади. Масалан, пичоқ тайёрлаш ишларини ташкил қилиш жараёни ва б.

Композициянинг асосий қонунлари объектив характерга эга бўлиб, улар меҳнат таълими фани бўйича ташкил этиладиган амалий машғулотнинг барча босқичларида ўқувчиларни мустақил ишлаш ва ижод қилишга ўргатади. Композициянинг асосий қонунларини билган ўқувчи ҳар қандай буюмнинг тузилиши, ясалиши, иш кетма-кетлигини ижодий тахлил қилиши мутнкин.

Композициянинг асосий қонунлари деб қуйидагиларни айтиш мумкин: яхлитлик қонуни, контрастлар қонуни, типиклик (янгилик яратиш) қонуни, композициянинг барча воситаларини ғоявий мазмунга бўйсуниши қонуни.

**Яхлитлик қонуни.** Бу қонун барча элемент (унсур) ва бўлакларни бир бутунликка бирлаштирувчилик вазифасини бажарувчи қонун ҳисобланади. Мазкур қонуннинг моҳияти унинг асосий белгилари ва хусусиятларидан бири сифатида - ўқувчи томонидан ясаладиган буюмнинг барча компонентларини бир бутун, яхлитликка бирлаштира оловчи конструктив ғоя тушунилади.

Бу қонун асосида ўқувчиларда композицион фикрлашни ўстириш машқларини (буюмларни иш кетма-кетлиги асосида яхлит кўринишга келтириш ва тайёрлаш, пардозлаш ва бажариш; композицион вазифаларга оид ва буюм тайёрлашдаги янги материаллар билан танишиб бориши.

Бу жараёнда яхлитлик қонуни бўйича композиция алоҳида предмет бўлибина қолмасдан, балки, кўплаб фанларни ўзаро бирлаштиради ҳам. Бундан ташқари композиция предмети эстетика, этика билан жипс алоқада бўлади. Умуминсоний гўзаллик тушунчаси композициянинг асосини ташкил этади.

**2. Пичоқчилик санъати ҳақида умумий маълумот.** Маълумки, пичоқ кундалик ҳаётимизда ҳам, ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам тез-тез ишлатиладиган кесувчи асбоб ҳисобланади. Бинобарин кишилик жамияти тараққиётида ҳам пичоқларнинг ўрни катта. Яъни турли даврларда турли пичоқлар ясалган, бошқача қилиб айтганда, фан ва техника тараққий этиб, одамларнинг илмий ва амалий билимлари кенгайиб бориши билан пичоқ ясаш ишлари ҳам ривожланиб борган. Бундан ташқари одамлар орасида пичоқ билан боғлиқ айрим удумлар, иримлар ҳам юзага келган. Шунинг учун ҳам пичоқчилик ҳақида гап кетганда ўқувчиларга бу ажойиб ҳунар - санъат турининг тарихи, мактаблари, усталари, пичоқларнинг турлари,

тузилиши, тайёрланиши ва ишлатилиши ҳақида маълумотлар билан танишиш ўринлидир. Қуйида шуиар ҳақида тўхталиб ўтамиз.

**Пичоқчилик санъати тарихидан.** Пичоқчилик санъати деганда биз пичоқ ясаш касбини тушунамиз; Пичоқ боболаримиз учун қадимдан тирикчилик воситаси бўлиб, хизмат қилган. Ҳозирги вақтда пичоқ ясаш санъати ҳалқ амалий санъати қаторида эъзозланиб келинаётир. Нодир пичоқлар ясашда ўзбек пичоқсоз усталарининг олдига тушадиган уста кам топилади. Пичоқ ясаш бошланғич палеолит давридаёқ маълум бўлган. Темир даврида ҳунармандчилик пайдо бўлган ва ривожланган. Темирнинг кашиф этилиши пичоқчилик санъати тараққиётида катта бурилиш бўлди. Мис ва бронздан пичоқ ясаш бронза даврига келиб авж олган. Гесиоднинг "Мехнат ва кунлар", Гомернинг "Илиада" асарларида пичоқнинг хўжаликдаги ўрни ҳақида батафсил баён этилган. Осиё қитъасида пичоқчиликнинг энг ривожланган жойи араб мамлакатлари бўлган, Испания ва Италияда эса тез ўсиб ривожланиб кетган. XVI-асрда Германия, Англия, Австрия, Франсияда пичоқчилик касб сифатида таъкидланиб, пичоқни ошхоналарда ишлатишган. XVII-аср бошларида пичоқнинг очиб ёпиладиган, пакки, устара, чўнтақда сақланадиган паккилар ва бошқа турлари юзага келди. Археологик топилмалардан маълумки, Ўрта Осиё ҳудудида миллоддан awalgi 2-минг йилликка оид пичоқ намуналари топилган. Болалик тепа, Афросиёб, Варахша деворларига ишланган расмлардан маълум бўладики, пичоқ уй-рўзгордан ташқари ҳарбий қурол сифатида ҳам ишлатилган. XX асрларда пичоқ ясаш ривожланиб уни безаш технологиялари ўзгарган.

XV-XVII асрларда ёнга осиб юриладиган пичоқларнинг турли хиллари пайдо бўлди. Буни Навоий, Бобур асарларига ишланган миниатюраларда кўриш мумкин. Кейинчалик пичоқчиликнинг ўзига хос мактаблари пайдо бўлди. Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро, Тошкент, Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё қадимдан пичоқчилик марказлари бўлиб, бунда ишланган пичоқлар ишлаш технологияси, шакли, катта-кичиклиги ва безаклари билан фарқ қилган. Ўрта Осиёда қадимдан металлни қайта ишлаш, яъни ҳунармандчилик қуроллари ишлаб чиқариш учун шароит деярли мавжуд эди. Миснинг табиий заҳиралари, кумуш, кўрғошин, алюминий каби материаллар жуда кўп еди.

Пичоқдан қадимда Ўрта Осиёда эркакларнинг энг зарур иш қуроли ва безаги тариқасида фойдаланилган. Пичоқларни бадиий безаш ҳам катта аҳамиятга эга бўлган. Шунинг учун ҳам Шарқ маданиятининг энг яхши анъаналарини қайта тиклаш ва ўзлаштириш натижасида мамлакатимиздаги пичоқсозлар миллий пичоқни санъат даражасига кўтарганлар. Машхур венгер сайёхи А.Вамбери ўзининг ажойиб "Ўрта Осиё бўйлаб саёҳат" асарида Қашқадарёнинг пичоқчилиги ҳақида бундай ёзади: бир хиллари сифат жиҳатидан ҳисорлиларнидан устун бўлмаса ҳам, аммо, бутунлай Ўрта Осиёга тарқалган бўлиб, хўжалар томониданл ҳатто Ерон, Арабистон, Ҳиндистонга олиб борилар ва ўз маҳаллий жойидан кўра чет елларда пичоқлар 3-4 баравар қиммат сотилар эди.

Пичоқ турлари. Бир томони ўткирланган, пластинкасимон кесувчи асбоб пичоқ деб юритилади. Ўрта Осиёда пичоқ кесувчи асбоб бўлишидан ташқари алоҳида рамзий маъноларда, хусусан, ёвузликлардан сақловчи маъносига ҳам қўлланилган. Масалан, "дандон сопли пичоқ" ва каркесопли пичоқ"лар илохий ҳисобланиб, улар кишини инс-жинсдан, ёмонликдан асрайди, деб ҳисобланган. Пичоқ дастасини ушлаш илон чақишидан, аёлларни эса фарзандсизликдан асрайди, деб ирим қилишган. Ушбу пичоқлар ҳозир ҳам ноёб, ҳатто усталар учун ҳам камёб ҳисобланади. Пичоқни ясаш жараёнида пичоқ тифини ўткирлаш учун ишлатиладиган сув торноқ оғриғи ҳамда юракни даволашда ишлатилган. Ундан ташқари каштачиликда, меъморлик безагида, сополчиликда пичоқни рамзий ҳолатда тасвиirlайдилар.

Пичоқ қадимдан ишлатиб келинаётган асбоблардан бири бўлиб, дастлаб уни тош, мис ва бронзадан ишланган. Пичоқ Ўрта Осиёда кенг тарқалган бўлиб, у тиғ ва дастадан иборат бўлади. Пичоқлар тузилишига кўра уч хил бўлади, яъни тўғри пичоқлар, қайчи пичоқлар ва бодомча пичоқлардир.

**Тўғри пичоқ** - қадимдан ишлатилиб келинаётган пичоқ тури бўлиб, тифининг учи қайрилмай тўғри чиқсан бўлади. Шунинг учун Марғилонда тўғри пичоқ деб юритилади. Асакада бу пичоқни рибан, Намангандан эса тўғри пичоқ ёки ханжар нусха деб аталади. **Қайчи пичоқ** - пичоқнинг бир шакли бўлиб, тифининг учи орқасига озгина қайрилган бўлади. Уни қиличак пичоқ, чақмоқи пичоқ деб ҳам юритилади. **Бодомча пичоқ** - унинг орқа қирраси учидан тахминан 4-5 см ча жойи ичига камалак бўлиб кирган бўлади. Кўқонда қозоқча, Марғилонда ижозоки, Намангандан бодомча ва қозоқча деб уритилади. Пичоқлар калла-кичиклигига кўра ўрта суюмли, кезлик, болапичоқ ва чалабузар, инардона пичоқ турларига бўлинади.

**Ўрта суюмли пичоқ** - пичоқ турларидан бири бўлиб, тифининг узунлиги ўртача суяфнда бир суюм келадиган пичоқдир.

**Кезлик пичоқ** - пичоқчиликда болалар учун мослаб ясалган пичоқ. Уни бола пичоқ ва тўғри пичоқ деб юритилади. Қиз тўйида келиннинг укаси ёки жиянига куёв томонидан тўй пичоғи инъом қилган. Бу ҳам ўзбекларнинг миллий урф-одати бўлиб, анъана тариқасида авлоддан-авлодга ўтиб келган.

**Бола пичоқ** - қадимдан ишлатилиб келинаётган болалар учун мослаб ясалган пичоқ тури. Чала бузарп пичоғининг тифи бурзидан қайрилиб, дастасига ёпилган бўлади. Бу пичоқни қадимда қинга, солиб белда осиб юрилган. Уни яна калла бузарж Чустда чала авзал деб юритадилар.

**Мардона пичоқ** - пичоқсозлар кишиларнинг ёшига қараб, ҳар хил пичоқлар ишлаганлар, катта ёшдаги кишилар учун ишланган пичоқлар "мардона пичоқ" деб юритилган. У турли-туман кўринишга эга бўлиб, ажойиб қилиб безатилади. Тифи пўлатдан ясалган пичоқлар алоҳида

ажралиб турган. Безатилишига қараб тўрт турга: содда пичоқ, гулдор пичоқ, чилмих гулли ва зуфта пичоқларга бўлинади.

**Содда пичоқ** -қадимдан уй-рўзғор ишларида ишлатиладиган оддий пичоқ. Унга ҳеч қандай гул ёки нақш солинмайди, ҳашамсиз бўлади. У жуда кўп ишлатилади. Ҳар бир хонадонда кўриш мумкин.

**Гулдор пичоқ** -пичоқчиликда гулли пичоқ деб ҳам юритилади. Унинг даста ҳамда тифига гул солинган бўлади, чиройли пичоқ. **Чилмих гулли пичоқ** (қирқмих гулли пичоқ) - пичоқчиликда пичоқ турларидан бири бўлиб, уни чилмиҳа пичоқ деб ҳам юритилади. Унинг дастасига чилмихлар қоқиб, гулдор қилиб ясалади, у қадимдан ишлатиб келинади.

**Руфта пичоқ** -тиғининг юзи сидирғасига чархланган бўлади. "Руфта" тожикча сўз бўлиб, сидирилган маъносини англатади. Бу пичоқнинг юзига зок (аччиқ тош) суртилади ва ишлатиб ўтмас қилинса, ўткирлаш учун чархланмай қайралади. Марғилонда: қайроқи, лекин чархланадиган тури чархи деб юритилади. Кўқонда бу пичоқни руфта деб юритилади. Руфтани дами чархланмайди.

Дастасининг тузилишига кўра пичоқлар ёғоч сопли, суяк сопли, дандон сопли, ўн беш садафли турларга бўлинади. Ёғоч дастали пичоқ - ёғоч суқма сопли, ёғоч сопли пичоқ деб ҳам юритилади. Суқмаси ёғочдан ишланган пичоқ тури. Шоҳ дастали пичоқ - уни шоҳ, мутуз, мутуз дастали пичоқ деб ҳам юритилади. Бу пичоқни дастаси ҳайвон шохидан ясалган бўлади. Дандон дастали пичоқ - бундай пичоқнинг сопи филнинг тиши ва суягидан тайёрланади, бандида нақшлар бўлади. "Дандон" тожикча сўз бўлиб, тиш дегани. Бундай пичоқларнинг нархи қиммат бў Иган. Юқорида айтилганидек, дандон сопли пичоқ қадимда илоҳий ҳисобланган, кишини ёмонликдан, илон чақишидан, аёлларни еса фарзандсизликдан асрайди деб ишонганлар. Ўн уч *садафли пичоқ* - бундай пичоқ дастасига ўн уч дона садаф кўз солинган. Шунинг учун бу пичоқ ўн уч садафли пичоқ деб юритилади. Худди шунингдек, ўн беш садафли пичоқ дастасига еса садафдан ўн беш дона гул солинган бўлади. Гул ўрнига кўз деб ҳам юритилади. Ясаш усулига кўра пичоқлар Чуст пичоғи, қорғи, Шахриҳон пичоғи, Пойтуғ пичоғи, бухороча пичоқ ва бошқалар бор.

**Пичоқнинг тузилиши ва унинг безаги.** Пичоқ учта қисмдан: тиф, даста ва қиндан иборат. *Тиғ-пичоқ* тифи, пичоқнинг гулбандин юқориги, яъни кесадиган қисми. Қадимдан тифни ўткирлаш ва силлиқлашга катта еътибор берилган. У бигиз, қалам, нақш, найча қалам каби ўйғич қаламлар билан безатилади. Тўғри тифли пичоқ, тифи тол баргини еслатувчи, ўткир тифли бир мунча тепага қайрилган ўткир тифли, тифида чуқурчаси ёки тишлари бўлган пичоқлар бўлади.

**Пичоқ дастаси** -даста ҳар хил бўлиб, ўзига яраша усулларда ясалади. Улар суқма даста, ёрма даста ҳамда нақшинкор дасталар бўлади. Суқма даста пичоқчиликда суқма соп деб ҳам юритилади. Ёғоч, шоҳ суюк, Металл ва бошқаларни ичини тешиб, думга суқиб, маҳкам қилинади. Ёрма даста - пичоқчиликда металл сопининг икки юзига ёрма ёғоч, суюк, шоҳ ва бошқаларнинг хўлаклари ўрнатилган пичоқ. Пичоқ дасталари ҳайвон

шохи, суяги, тиши, металл, ёғоч ҳамда пластмасса ва бошқа материаллардан ишланади. Дастанарни ишлашда унинг материалини, масалан агар ёғочдан қилинса -текстурасини ҳамда кўринишини сақлаб қолишга ҳаракат қилинган.

**Қин - пичок**, қилич, ханжар ва бошқа асбобларни солиб қўйиш учун маҳсус мослама, филоф. У чармдан, баъзида матодан, учига, даста қисмига Металл қадаб мустаҳкамлаб тайёрланади. Қинлар пичоқдан ўнгай, қулай фойдаланиш учун ҳамда кўшимча бадиий безак сифатида ҳам ишлатилади. Қинлар газлама, металл, тери, ёғоч ва бошқалардан ишланади. Қинни лизаш учун куроқ, кашта, чеканка ва бошқалар ишлатилади. Улар терига бадиий ўйма нақшлар беришда ишлатилади. Пичноқларни усталар ҳар хил техник усулларда безаганлар. Пичноқларни тайёрлашда усталар қўйиш, штамплаш, металлни иссиқ ва совуқ ҳолда ишлаш, ўймакорлик, гравировка, олтин суви югуртириш, ўйиш, силлиқлаш ҳамда пардозлаш усулларини қўллаганлар. Усталар пўлатдан қилинган пичоқ сиртига Металл устидан тилла суви югуртириб, ксртик қилиб, пичноқларни ажойиб кўринишга келтирганлар. Улар пичноқларни силлиқлаш ҳамда пардоз бериш натижасида тифларини ойнадек ялтиратишган. дастаси ва учини кумушдан ўйма нақшлар қилиб безатишган.

#### **Мавзу юзасидан топшириклар:**

1. Композицион яхлит буйича тушунча беринг.
2. Пичоклар тугрисида маълумотлар тупланг.

### **6.6.Махсулот чикариш ишларини назорат килиш, хунармандчилик буйича кўргазма ва танловларни ташкил килиш, иштирокчиларни танлаш коидалари.**

1. Халқ хунармандчилиги бўйича кўргазма ва танловларни ташкил этиш тартиби. Кейинги йилларда иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантириш мақсадида мамлакатимизда турли хил тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Масалан, "Келажак овози", "Мехр нури" жамғармалари ўтказаётган кўрик-танловлар шулар жумласидандир. Катта ёшдаги тадбиркорлар, ишбилармонлар ва хунармандлар учун эса "Ташаббус" кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Бундай тадбирларни мактаб миқёсида ёки бир неча мактаблар иштирокида ҳам ўтказиш мумкин. Қўйида мана шундай тадбирлардан бирини ўтказиш бўйича тавсиялар берилган.

#### **"Йигит хусни - хунар" мавзусидаги кўрик-танловни ташкил этиш НИЗОМИ**

Кўрик-танловнинг мақсади: ўқувчиларга анъанавий халқ хунармандчилиги турларини ўргатиш орқали уларни касб-хунарга йўллаш, миллий халқ хунармандчилик анъаналари билан таништириш, тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятига йўллаш.

### **Кўрик-танловнинг вазифалари:**

1. Ўқувчиларнинг мамлакатимиизда ёшлар учун яратилган шарт-шароитлар ва таълим соҳасида олиб борилаётган ишлар моҳиятини қандай англаётганликларини аниқлаш ҳамда уларда мана шу серқирра жараённи ўқувчи-ёшлар ўз ўрнида ҳис этиши, амалга оширилаётган эзгу ишларнинг ҳаётбахш таъсири ҳақида мустақил фикрларини амалий ифода эта олиш кўникмаларини шакллантириш;
2. Умумий ўрта таълим мактаб ўқувчиларининг меҳнат таълирни фанидан Давлат таълим стандарт ва ўқув дастури талабларини қандай ўзлаштираётганликлари даражасини аниқлаш;
- 3."Мустақиллик менга нима берди, деб эмас, балки мен мустақил юрт учун қандай ишларни амалга оширедим" иборасини нечоғли тушунгандикларини аниқлаш;
4. Халқ ҳунармандчилиги бўйича буюмлар тайёрлашда ўзбек халқ ҳунармандчилиги санъатининг миллий анъаналаридан мақсадга мувофик фойдаланиш;
5. Халқ ҳунармандчилиги бўйича иш усулларини ўргатиш ва бозор иктисодиёти талабларига жавоб берадиган буюмлар тайёрлаш технологиясини ўргатиш;
6. Ўқувчиларни қобилият даражаси ва шахсий қизиқишлигини аниқлаш ҳамда халқ ҳунармандчилигига оид касб-хунарларга йўналтириш.

### **Кўрик-танловни ташкил этиш босқичлари:**

**Биринчи босқичда** кўрик-танловга қатнашувчи ўқувчилар ва уларнинг халқ ҳунармандчилиги бўйича танлаган йўналишлари рўйхатга олинади (анкета асосида).

**Иккинчи босқичда** ўқувчиларнинг халқ ҳунармандчилиги бўйича билимлари синовдан ўтказилади (ўқувчиларнинг билим даражалари синфлар кесимида савол-жавоб, тест ва бошқа усуллар асосида синовдан ўтказилади).

**Учинчи, босқичда** ўқувчиларнинг кўрик-танлов учун топширган ишлари ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади ва баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

**Тўртинчи босқичда** ўқувчиларга танлаган халқ ҳунармандчилиги йўналишлари бўйича ижодий иш топшириқлари берилади. Бажарилган ижодий иш топшириқлари ҳакамлар ҳайъати томонидан кўриб чиқилади ва баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

Халқ ҳунармандчилиги бўйича кўрик-танловни ташкил этиш муддати ва шартлари мактаб маъмурияти томонидан белгиланади.

### **Кўрик-танлов бўйича бажарилган ишларни баҳолаш мезонлари**

T. r	Биринчи, иккинчи ва учинчи босқичлар бўйича	50 балл
1	Кўрик-танлов анкетасини танлаган ижодий ғояси асосида тўлдирганлиги	10 балл

	учун	
2	Халқ ҳунармандчилиги бўйича ўзлаштирган билим даражалари учун	15 балл
3	Кўрик-танлов учун топширган ижодий ишлари учун	25 балл
	<b>Тўртинчи босқич (танланган халқ ҳунармандчилиги йўналишларига оид ижодий иш топшириклари) бўйича</b>	50 балл
1	Амалга оширилган ишнинг мавзуга мутаносиблиги	5 балл
2	Иш ўринини тўғри ташкил қилиниши	10 балл
3	Буюмнинг технологик харитасини тузилганлиги ва иш кетма-кетлигини тўғри бажарилганлиги	15 балл
4	Тайёрланган буюм дизайнининг ўзига хослиги	10 балл
5	Хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилинганлиги	10 балл

### **Ҳакамлар ҳайъати фаолияти ва танлов мезонлари**

Кўрик-танлов ишларини баҳолаш учун туман (шаҳар) халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари меҳнат таълими фани йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган, ўз соҳасининг билимдони, ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган ўқитувчи, педагоглардан иборат ҳакамлар ҳайъати тузилади. Уларнинг таркибига мактабларнинг энг тажрибали меҳнат таълими фани ўқитувчилари киритилади ва бар бир босқичда мактабда мактаб директорининг, туманда туман халқ таълими бўлимининг, вилоятда вилоят ҳалқ таълим бошқармасининг маҳсус буйруқлари билан тасдиқланади.

Танловга тақдим этилган бар бир иш учун алоҳида баҳолаш варақалари тўлдирилади, ҳакамлар ҳайъати томонидан имзоланиб, расмлар билан бирга танловнинг кейинги босқичга тақдим этилади.

### **Ғолибларни мукофотлаш**

Ижодий ишлар танловининг барча босқичида 1 та биринчи, 1 та иккинчи ва 1 та учинчи ўрин таъсис этилиб, 1,2,3-ўринларни эгаллаган ғолиблар мактаб, туман, (шаҳар) вилоят ҳалқ таълими бўлимларининг фаҳрий ёрликлари ва қимматли совғалари билан мукофотланадилар.

Танловнинг вилоят босқичи ғолибларига ва уларнинг ўқитувчилари га ота-оналар, хомийлар, тегишли ташкилот вакиллари томонидан қимматли тухфалар тақдим этилади. Энг яхши ижодий ишлар муаллифлари ҳақида маълумотлар маҳаллий матбуот саҳифаларида чоп этилади.

Кўрик-танловнинг бевосита якуний босқичини ўтказиш Вилоят Халқ таълими бошқармаси томонидан тасдиқланган ҳакамлар ҳайъати

зиммасига юклатилади. Ҳакамлар ҳайъати таркиби кўрик-танлов ўтказилишидан бир кун олдин тайинланади.

*Изоҳ: ушибу кўрик-танлов нафақат мактабларда балки, туман, вилоят ва республика миқёсида ҳам ўтказилади.*

Кўрик-танлов мезонидан "Сервис хизмати" йўналишида ҳам фойдаланилади ва халқ ҳунармандчилигининг "Қуроқчилик", "Каштачилик", "Зардўзлик", "Дўппидўзлик" ва бошқа соҳалари бўйича танловлар ташкил етилади.

## **2. Мамлакатимизда анъанавий ҳалқ ҳунармандчилиги бўйича ташкил етилаётган кўрик танловлар ва грантлар**

Анъанавий ҳунармандчилиknи ривожлантириш учун грантлар "Базар-Арт" лойиҳаси доирасида Фонд Forum ва "Мехр нури" жамғармаси кўргазмаси лауреатларига айланган ҳунармандларга грантлар ажратилган. Грантлар амалий санъатни ривожлантириш, ҳунармандликнинг йўқолиб бораётган турларини ва мамлакатимиз санъатининг анъанавий шаклларини қайта тиклашдир. Мазкур анъанавий ишни йўлга қўйиш, оиласи фаровонлик йўлида тадбиркорликка қўл уриш истагидаги аёлларни қўллаб-қувватлашга қаратилган. Танловда мазкур грант ёрдамида тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ниятида бўлган ёшлар иштирок этиши мумкин.

Номзодлар тақдим этган бизнес-режа даъвогарнинг ишбилармонлик хусусиятлари, лойиҳанинг долзарблиги ва аниқ мақсадидан келиб чиқсан ҳолда малакали ҳакамлар ҳайъати томонидан сараланади. Оиласи бизнес ва касаначиликни ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларга алоҳида эътибор берилади. Шунингдек, тадбиркорлик кўнимкамлари ва янгиликлар жорий этиш истаги ҳамда лойиҳани ёлғиз амалга оширишдаги қийинчиликлар инобатга олинади. Танловда иштирок этиш учун қуйидаги хужжатлар топширилиши лозим: иштирокчи анкетаси; бизнес-режа; паспорт нусхаси; маҳалла қўмитасидан тавсиянома. Хужжатлар ҳар йили 1 марта 1 майгача қабўл қилинади.

### **Мавзу юзасидан топшириклар:**

1. Курик танловни ташкил этиш тартиби, унинг максади ва вазифаларини урганиш.

## **6.7.Хунармандлар томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилган маҳсулот.**

.Республикамиз каштачилик, зардўзлик, кулолчилик, мисгарлик, кандакорлик, ганчкорлик, ёғоч ўймакорлиги сингари ҳалқ амалий санъати билан бутун дунёда машҳурдир. Ёғочга, мисга, қофозга, матога ганчга чизиб, ўйиб, тирнаб, зарб билан ишланган нақшу нигоралар, уларнинг гўзаллиги, нағислиги ва таъсирчанлиги кишини ўзига мафтун этади. Ҳалқ амалий безак санъати анъаналари авлоддан авлодга ўтиб келиши билан бирга тараққиётнинг янги сифатига эга бўлмоқда, бу жараён, айниқса,

ҳозирги қайта қуриш даврида янада юқори самараларга эришув имкониятига эга бўлиб бормоқда. Бинобарин амалий безак санъатларини ўргатиш машғулотларида халқ, усталари яратган асарларининг бекиёс маънавий қийматларини намойиш этиш орқали ёш авлодда эстетик дидни шакллантириш, уиарга зарур билимлар, ва ахлоқий тарбия, бериш, инеҳнат, кўникма ва малакаларини ривожлантириш, касб танлашга руҳий ва амалий тайёрлаш вазифалари эътиборда туради. Ўзбек амалий безак санъати турларининг кўплигидан келиб чиқадиган ўзига хос таълим ва тарбия имкониятлари яхши натижалар беради. Биринчидан, якка киши ҳеч қачон амалий безак санъатининг ҳамма турларини тўлиқ ўзлаштира олмайди. Лекин умумий даражада танишиш шахснинг юқори маданий даражага эришувида зарур шартдир. Бундан келиб чиқадики, ушбу санъатларни ўргатиш икки хил шаклда амалга оширилиши мумкин: умумий назарий маълумотларга эга бўлиш ёки бирор турини амалий жиҳатдан тўлиқ эгаллаш. Иккинчидан, ҳар бир мураббий - уста ўзи чукур эгаллаган санъат турини шогирдларига чукур ўргатиш билан чекланиши мумкин. Учинчидан, ҳар турли маҳаллий шароитлардан келиб чиқсан ҳолда ушбу санъатларнинг у ёки бу тури бўйича машғулотлар ташкил этишда танлаш учун кенг имкониятлар мавжуд. Лекин ҳар қандай билим ва ҳунар ўргатишдан асосий мақсад келгуси амалий, зарур вазифаларни ҳал этишга қаратилиши лозим. Машғулотларида ўқувчилар бажарадиган ҳар турли топшириқлар уларнинг ботаника, биология, тарих, адабиёт ва бошқа фан соҳаларидағи билимларидан фойдаланишни тақозо этади, яъни бу машғулотларда фанлараро боғланишни ҳисобга олиш зарур.

Болалиқда бўлган қизиқиши бора-бора бир умрлик касбга айланиши мумкин. Шу билан бирга ёшлиқда бирорта санъат билан қизиқиб шуғулланган бўлиб, лекин кейинчалик бошқа касб эгаси бўлиб кетиши ҳоллари ҳам маълум. Бунда ҳар икки ҳолда ҳам санъат оламиининг киши шахсининг такомиллаштиришдаги вазифаси етарлича бажарилган деб ҳисоблаш мумкин. Чунки ҳар иккала ҳолда ҳам эстетик дид ва маъданий даражанинг зарур тараққиётига эришилади.

Шуни унутмаслик керакки, яқин ўтмишда ўзбек амалий безак санъатининг энг ривожланган ганчкорлик, наққошлиқ, ёғоч, тош ва суюк ўймакорлиги, кандакорлик, пичоқчилик, заргарлик, каштачилик, зардузлик, гиламчилик, кигизчилик, саватчилик, бўйрачилик каби турларининг ўзига хос бажариш технологиялари, ҳақиқий миллий номлари, уларга хос атамалар, бу санъатларга хос мактаблар, услублар ҳамда шу соҳаларда ном қозонган усталарнинг хизматлари унута борилиб, йўқолиб кетиши хавфи остида қолган эди. Шундай ҳолат ҳозирги кунда санъаткорлар, халқ усталари, муаллимлар ва санъат ҳаваскорлари олдига

амалий безак санъатини сақлаб қолиши, уларни ҳар томоилама ўрганиш ва ривожлантириш, ёш авлодга санъат сир-асрорларини ўргатиш орқали ўринбосарлар тайёрлаш санъат асарларини кенг тарғиб қилиш орқали жамоатчиликнинг эстетик дидини, маданий даражасини янада юқори босқичга кўтарилишига эришиш вазифаларини қўяди. Мустақиллик туфайли қадриятларимиз тикланди, хунармандчилик қайти ривожланмоқда. Бу мақсадлар йўлида олиб бориладиган ишлар ҳалқ усталари, санъаткорлар учун энг қулай шарт-шароитлар яратиш, ёшларинг бадиий таълим олишлари, санъатларни эгаллашларини ташкил этиш ва түғри илмий-методик йўналишда олиб бориш, санъаткор-педагоглар тайёрлашни йўлга қўйиш, тегишли илмий тадқиқотарни олиб боришдан иборат бўлиши керак.

Маълумки, хўжалик ишларини юритиш, маҳсулот ишлаб чиқариш масалалари бевосита бозор муносабатлари билан узвий боғлангандир. Чунки бозордаги талаб ва таклифни ўрганмасдан ишлаб чиқариладиган маҳсулот ўз эгасини топмасдан, яъни бозорда сотилмасдан тўхтаб қолади. Бу эса хўжалик ёки корхонани иқтисодий томондан инқирозга олиб келади. Шу жумладан бу ҳол ҳалқ хунармандчилари соҳаларига ҳам тегишилдири. Ҳозирги пайтда ҳалқ хунармандлари ички бозор ва экспорт учун кўплаб турли хил кўринишдаги маҳсулотларни ишлаб чиқармоқдалар. Айниқса, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган идиштовоқлар (куллочилик), кийим-кечаклар, поябзаллар (тикувчилик, тўқувчилик), гилам ва бошқа поёндозлар (тўқувчилик), ўймакорлик ва наққошлик усулларида ишланган қутичалар, стол, стул, курси, сандик, дарвоза ва шу кабилар харидоргирлиги билан ажralиб туради. Юртимизга ташриф буюрган чет эллик меҳмонлар ўз юртларига эсдалик сифатида ниманидир олиб кетишни хоҳлайдилар. Бунда уларга қутичалар, зардўзлик буюмлари, кўза, лаган, лавх, чоғу асблоблари, уй-рўзғор буюмлари ва бошқа шу сингари бежирим ва чиройли ишланган буюмлар, айниқса, маъқул келади. Кейинги пайтда республикамизда терига рангли расм ишлаш санъати ҳам ривожланди. Хунармандлар бозордаги таклиф ва талабни ҳисобга олган ҳолда мана шундай маҳсулотларни ички бозор ва экспорт учун кўплаб ишлаб чиқармоқдалар, республикамизнинг довругини янада кенгроқ ёйишга хизмат қилмоқдалар.

### **Мухокама учун саволлар:**

1. Хунармандалар томонидан ишлаб чиқарилаётган буюмларни кластер усулида ифодалаш.

2. Уйга вазифа бериш. Уйларида қандай хунармандчилик буюмлари борлигини аниқлаб келиш.

## **6.8.Халк хунармандчилигига оид танланган битта кабс-хунар турлари**

**Пичноқчилик мактаблари.** Республикаизда йигирмага яқин пидиоқчилик марказлари бўлиб, улар ясалиш усулига кўра Чуст (тус) пидиоги, Пойтуғ пичноғи, Кўқон пичноғи, Қорасув пичноғи, Шахрихон пичноғи кабиларга бўлинади.

**Қорасув пичноқчилик мактаби.** Қорасув пичноғи ўзига хос бўлиб Имшқа пичноқчилик мактабларидан фарқ қиласди. Ёрма ҳамда сукма сопли, гулбандига гуллар солинган бўлади. У ўткир қилиб ясалиб, дастасига чилмиҳлар, кўзлар ўрнатиб чиройли хашамдор қилиб ясалади. Қорасув пичноғи қадимдан ривожланиб келаётган ноёб санъат дурдоналаридан биридир.

**Асқар пичноқсоз** - асли номи Асқархўжа Ойсархўжа ўғли (1878-1964 йй). Андижон вилояти Қорасув қишлоғида яшаган атоқли пичноқсоз уста. И) ИК7Х-йилда Андижон вилоятининг Қорасув қишлоғида туғилган. У ёшлиқ чоғиданоқ пичноқсозлик касбини пухта эгаллаб, тез орада ўзининг ажойиб пичноқлари билан Фарғона водийсида шухрат қозонган. У ясаган ўткир тифли бежирим пичноқлар узоқ-узоқларга тарқалди. Қорасувлик пичноқсозлар ўша вақтлардаёқ қилич, ханжар, пичноқ ясашда ном қозонган эдилар. Пичноқсоз Асқар уста ана шу Қорасув пичноқчиларининг йирик вакили бўлиб, у пичноқсозликни ёшлигига Тўхтасин пичноқсоз устадан ўрганган. У Қорасув ва Шахрихонда пичноқсозлик қилган. Айниқса, у Иккинчи жаҳон уруши даврида ўзбек жангчиларига ҳам атаб пичноқ тайёрлаган. 1948-йилда Қорасувда ташкил етилган артелда у ўз ўғиллари Бокиржон ва уста Мамасайдлар билан бирга ишлади. Асқар пичноқсоз пичноқларни аъло нав пўлатдан юпқа, ихчам, нақшдор ҳамда ўткир қилиб ясаган. У "қозоқча", "ҳисорча", ".бухорча", "нақшбанд" усуллари билан пичноқлар ясаган. Унинг ясаган пичноқларига доим талаб кучли эди. Асқар пичноқсознинг ўғиллари билан ясаган пичноқлари Ўш, Андижон, Жалолобод ва бошқа жойларда "Қорасув пичноғи" номи билан машхурдир. 1964-йилда Асқархўжа Ойсархўжаев 86 ёшида вафот этди. Лекин унинг жуда кўп шогирдлари "Қорасув пичноғи" номини тилдан туширмай, ҳозирги кунгача шухратини қўтариб келмоқдалар. Айниқса, унинг катта ўғли Мамасайд ва ўртанча ўғли Бакир ота касбини улуғлаётган фарзандлари ўзбек пичноқлари шухратини диет елларга ҳам таратдилар.

Қорасув пичноқчилик мактабининг намояндаларидан яна бири уста Бакиржон Асқаров бўлиб, унинг ота-бувалари ҳам пичноқсоз усталар бўлишган. Бакиржон Асқаров касбини санъат даражасига қўтариб чиқди, унинг пичноқлари узоқ-узоқларга ёйилган. У ўз устозидан ўрганган пичноқчилик сирларини ёшларга ўргатаяпти. У пичноқ тайёрлаш технологиясини, яъни тиф учун қиздирилаётган пўлат парчасини қайси рангга етказиб тоблашни, болға билан тиф ҳамда даста тайёрлаш, уни безаш, сайқал бериш, тифга қорамтири тус бериш усулларини сидқидилдан ўз шогирдларига ўргатди. Шундай шогирдларидан бири Акрамжондир. У

устози қўлида 7 йил шогирд бўлиб бу касбини жуда чуқур егаллаб олди. Ўзбекистон халқ усталарининг "Усто" уюшмасига аъзо бўлди. У жуда кўп пичоқлар ишлаб берди. Унинг пичоқлари сайёҳларга бориб етаётганидан рухланиб ижодига-ижод қўшилди. У ҳар йили 200 та пичоқ тайёрлаб бермоқда. Устози Бакиржон ака билан Акрамжон Қорасув пичоқчилик мактабини ривожлантиришга янада катта ҳисса қўшишди. Уларнинг тайёрлаган пичоқлари даста ва тифнинг мутаносиблиги, дастасини садаф ҳамда рангли пластик материаллардан ясаб, ажойиб ўсимликсирон, геометрик нақшлар билан безатилгани билан шуҳрат қозонмоқдалар. Фарғона водийсида уста Тўхтасин, уста Халил, Асқар пичоқсоз, Бакиржон Асқаров пичоқсозлик бўйича шуҳрат топган усталардан. Улар ўзлари яратган пичоқлари билан бутун дунёга танилганлар.

Чуст пичоқчилик мактаби. Чуст усталари ясаган пичоқлар бошқа пичоқлардан кескин фарқ қиласди. Пичоқнинг даста ҳамда тифи узунроқ, тиғининг учи ташқарига, дастасининг учи ичкарига томон қайрилган бўлади. Чуст шаҳрида пичоқчилик анъаналари ҳали ҳам давом этиб келмоқда. Фарғона водийсида Чуст асосий пичоқ тайёрлаш жойи бўлиб, у бошқа пичоқчилик мактабларидан мутлақо фарқ қиласди. Чуст пичоқлари шаклининг соддалиги ҳамда сиқиқлиги билан машҳур.

1932-йилда Чустда "Қизил куч" номли артел очилиб, унда пичоқлар ишлаб чиқарила бошланади. Баъзи оғир қўл меҳнатлари станокларда бажарииган. Олдин усталар пичоқ тифларини ясаш учун эски арралар ҳамда подшипниклардан фойдаланганлар. Пичоқ дастъалари еса ҳайвон шоҳларидан ва ёғочлардан ясалган. 1949-йилдан бошлаб артел туман майший хизмат кўрсатиш комбинати деб юритилди. Кейинчалик, 1970-йилда Чуст шаҳрида пичоқ ишлаб чиқариш заводи қурилди. Чуст пичоқлари собиқ Иттифоқ кўргазмаларида гина эмас, балки Ҳиндистон, Сурия, Полша, Туркия, Болгария, Венгрия, Белгия, Швеция ва бошқа чет мамлакатлардаги кўргазмаларда ҳам муносаб ўринларни эгаллади. 1980-йили Ню-Делида очилган III-Халқаро Осиё ярмаркасида 10 хил Чуст пичоғи юборилган эди.

Хива пичоқчилик мактаби. Хоразмдаги Хива шаҳрида ҳам пичоқчилик анъаналари давом этиб келмоқда. Ҳозирда хивалик усталарнинг XIX-XX-асрларда ишлаган пичоқлари мамлакатимиздаги турли музейларнинг доимий кўргазмаларига айланиб қолган. Бу пичоқчи усталарнинг ишларини кўздан кечирар эканмиз, пичоқ шаклларининг нозиклиги, безакдорлиги ҳамда металлни моҳирона қайта ишланганлигини, пичоқларнинг тиф юзасини нозик ислимий нақшлар билан безатилганлигини, "қинбоғ"нинг металлдан ясалиб бадиий нақшлар билан безалганлигини кўрамиз.

Хива пичоқчилик мактабига катта ҳисса қўшган усталардан бири Отажон Мадраимовдир (1884-1916). У ўзининг ижодий меросини ўғли Мадраим Отажоновга қолдирган. Мадраим Отажонов халқ амалий санъати усталари уюшмасида ишлаб, ажойиб гулдор пичоқлар тайёрлаб халқка танилган. У Хива хунармандчилиги анъаналарини давом эттиради. Хива

пичоқлари гулдор бўлиб, қини ўймакор нақшли мис ҳамда жез қопламалар билан безатилган бўлади.

Шахрихон пичоқчилик мактаби. Шахрихон усталари қадимдан пичоқ ясаб келганлар. Улар ясаган пичоқлар кўпроқ сукма сопли, ихчам, ўткир дастали гулсиз ёки сийрак гулли бўлади.

**Қўқон пичоқчилик мактаби.** Қўқон усталарининг пичоқлари ҳам ўзига хос бўлиб, тифи катта ҳамда қалин, сал узун, дастаси сарбастали бўлади. Уни усталар Қўқон форма пичоқ деб ҳам юритадилар.

**Пичоқ тайёрлаш ишларини ўрганиш.** Пичоқнинг асоси - тифи ва даста қисми яхлит текис Металлдан ясалади, тиф қисмига эса қиздириб ишлов берилади, тобланади ва чархланади. Пичоқни тайёрлаш учун бир қатор технологик жараённи бажариш керак бўлади (1-жадвал). **Биринчидан**, пичоқнинг катта ёки кичик ўлчамда ясалишига қараб, металл ва пластмасса парчалари олинади.

1-жадвал

### ПИЧОҚ ТАЙЁРЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Металл ва пластмасса парчаси (тайёр- ланма)	Металл ва пластмассани кесишга тайёрлаш	Металл ва пластмасса- нинг кешибиши (пичоқ асоси ва дастасини тайёрлаш)	Тешиклар- нинг очилиши	Дастани асосга ўрнатиш ва пардозлаш	Тайёр пичоқ кўриниши
1	2	3	4	5	6

**Иккинчидан**, металл ва пластмасса парчалари кесишга тайёрланади, яъни режаланади, лойиҳалаштирилади (аниқ ўлчамлари олинади). **Учинчидан**, металл парчасининг тиф ва даста қисми, пластмассанинг даста қисми кесиб тайёрланади. **Тўртинчидан**, металл ва пластмасса даста қисмларидан керакли тешиклар очилади (уларни бир-бирларига маҳкамлаш учун). **Бешинчидан**, асос (тайёр металл) га пластмасса даста ўрнатилади ва пардозлаш ишлари олиб борилади, пичоқ тайёр бўлади. Пичоқнинг дастаси ёғоч, пластмасса, суяқ ёки турли шохлардан тайёрланади ва улар маржонлар билан безатилади. Даста билан асоснинг ўртасига қўлни суяб туриши учун баббит ёки қўрғошиндан пойнак қўйилади ва ўрнатилади. Кўпинча ана шу пойнакка пичоқ ясалган жойнинг ёки устанинг номи ёзилади. Дасталанган пичоқ чархланади ва пардозланиб охирги ишлов берилади, яъни ҳалланади.

### Пичоқчилик соҳасига оид тест намуналари

#### 1. Пичоқчилик санъати қачон пайдо бўлган?

1. Темир элементи кашф этилгандан сўнг.
2. VI асрда Германия, Англия, Австрияда металл пайдо бўлгач.
3. Археология топилмаларининг дастлабкиларида (бронза даври).
4. Бошланғич полеолит даврида.
5. Афросиёб, Варахша ибтидоий одамлар маконлари пайдо бўлишидан кейин. (Тўғри жавоб - 5)

**2. 20-асрда пичоқчилик хунарини ўргатувчи дастлабки мактаблар қаерда очилди?**

- 1.Ўш, Жалолобод, Кўқон, Китоб.
2. Наманган, Хўжанд, Исфара, Бухоро.
3. Шаҳрисабз, Хива, Урганч, Самарқанд.
4. Китоб, Ўратепа, Қорасув, Наманган.
5. Фарғона, Самарқанд, Бухоро, Тошкент. (Тўғри жавоб - 4).

**3-Асқар пичоқсоз кирн ва у қаерлик еди?** 1. Асқархўжа Ойсархўжа ўғли, Қорасувдан. 2. Асқар пичоқсоз, Шаҳрихондан. 3.<sup>1</sup> Асқар уста, Марғилондан. 4. Уста Асқар, Ўш ёки Жалолободдан. 5. Асқархўжаев Мамасаид, Тошкентдан. (Тўғри жавоб - 1)

**4. 1941-45-йилларда кимлар ўзбек жангчиларига атаб пичоқ тайёрлаган?** 1.Ўш, Жалолобод, ўзганликлар. 2. Қорасув ва шаҳрихонликлар. 3. Бокиржон ва уста Мамасаидлар. 4. Хива, Урганч, шаҳрисабзликлар. 5. Фарғона, Наманган, андижонликлар. (Тўғри жавоб - 3)

**5. Чуст пичоқлари бошқа пичоқлардан нимаси билан фарқланади?**

1. Пичоқнинг дастаси ва тифи узун.
2. Пичоқ пўлатдан ясалган.
3. Пичоқнинг қини мисдан ясалган.
4. Пичоқ дастасининг учи ичкарига қараган.
5. Пичоқнинг юзи қалин. (Тўғри жавоб -1)

**6. Хива пичоқларининг Шаҳрихон пичоқларидан фарқи нимада?** 1. Суқма сопли, ихчам, ўткир дастали. 2. Пичоқ шакллари нозик ишланган. 3. Пичоқда металл моҳирона ишланган. 4. Бадиий нақшлар кўп солинган. 5. Қинбоғ металлдан ясалган. (Тўғри жавоб-2)

**7. Қандай пичоқлар илохий ҳисобланган?** 1. Дандон сопли пичоқлар. 2. Ўткир тиғли пичоқлар. 3. Пўлатдан ясалган пичоқлар. 4. Темирдан ясалган пичоқлар. 5. Мисдан ясалган пичоқлар. (Тўғри жавоб- 1)

**8. Пичоқчиликда болалар учун оиослаб қайси пичоқ ясалган?** 1. Қадимдан ишлатилиб келинаётган тўғри пичоқ. 2. Тифнинг учи орқасига қайрилган қайқи пичоқ. 3. Орқа қирраси учидан тахминан 4-5 см жойи ичига кирган бодомча пичоқ. 4. Дастаси темир пичоқ. 5. Ўрта суямли пичоқ. (Тўғри жавоб- 1)

**9. Пичоқ қандай қисмлардан иборат?** 1. Пичоқ тиф, даста ва қиндан иборат. 2. Бигиз, қалам, нақш қалам, қайроқ. 3. Суқма пичоқ, суқма сон, суқма дасталар. 4. Ёрма даста, ёрма ёғоч, суюк, шохлар. 5. Пичоқ, қилич, ханжар, қинлар. (Тўғри жавоб-1)

**10. Пичоқни усталар қандай ясайдилар?** 1. Босқон ва дамгар орқали. 2. Пичоқчи уста ва босқончи меҳнати орқали. 3. Пичоқ дастаси

каркидоннинг мугузидан ясалади. 4. Пичоқ филнинг суюгидан ясалади. 5. Пичоқ чархланиб, оқ қилови олиниб ясалади. (Тўғри жавоб - 1)

### **Муҳокама учун саволлар:**

1. Пичоқчиликни қайси мактабларини биласиз?
2. Ушбу мавзу бўйича тест саволларига мустақил жавоб топинг

## **VII. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АСОСЛАРИ**

### **7.1. Мулкчилик турлари, маркетинг ва менежмент фаолиятининг ривожланиши.**

Бозор иқтисодиёти мулкчилик шаклларининг хилма-хил бўиишини талаб қиласди, чунки товар муайян мулк обьекти бўлгандагина олди-сотди қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конститусиясида хам: "Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади", деб таъкидланган.

Жамият ривожининг ҳозирги босқичида бу мулк ўз ичига давлат мулкидан ташқари, ишлаб чиқариш, хизмат қўрсатиш ва матбуот соҳаларидағи жамоа мулкининг хилма-хил турларини, ижтимоий ташкилотлар мулкини, уй хўжалиги ва шахсий томорқа хўжалиги ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган меҳнаткашларнинг шахсий мулкини, ташқи иқтисодий муносабатлар соҳасидаги аралаш мулк шаклларини ва хусусий мулкларни олади. Шу сабабли "Ўзбекистон Республикасининг мулкчилик тўғрисида"ги қонунида турли-туман мулклар қўйидаги мулк шаклларига киритилади: давлат мулки, жамоа мулки, хусусий мулк, аралаш мулк.

**Давлат мулки** - мулк давлатга тегишли бўлганда мулкка эгалик қилиш, фойдаланиш ва уни тасарруф қилиш давлат ихтиёрида бўлади. Давлат мулки асосан икки йўл билан ҳосил бўлади:

- 1) хусусий мол-мулкни миллийлаштириб, давлат ҳисобига ўтказиш;
- 2) давлат маблағлари ҳисобидан корхоналар куриш, давлатга қарашли корхона ва ташкилотларга инвестициялар киритишни амалга ошириш.

**Жамоа мулки** - муайян мақсад йўлида жамоага бирлашган кишилар томонидан моддий ва маънавий бойликларни ҳамжиҳатлик билан ўзлаштиришни билдиради. Бир неча кишилардан иборат жамоага тегишли бўлган мулк жамоа мулки деб юритилади.

**Оилавий мулк**, маҳалла аҳли мулки, корхона жамоаси мулки, фермер хўжалиги жамоаси мулки, мамлакат аҳолисининг мулки жамоа мулкига мисол бўла олади. Агар синфдошлар пул йиғиб тўп сотиб олсангиз, бу тўп ҳам жамоа мулки бўлади. Жамоа мулкига жамоанинг ҳамма аъзоси биргалиқда эгалик қиласди. Масалан, маҳалла учун ҳашар усулида қурилган чойхона маҳалла аҳлининг мулки ҳисобланади.

Бирор шахснинг ёлғиз ўзига тегишли бўлган мулк шахсий мулк деб аталади. Шахсий мулк мулк шакллари ичида муҳим ўрин тутади. Шахсий мулк бу фуқаролар мулки бўлиб, уларнинг шахсий ёки оилавий эҳтиёжини қондиришга хизмат қиласди. "Шахсий мулк" билан бир қаторда "хусусий мулк" ибораси ҳам ишлатилади. "Алиевнинг хусусий (ёки шахсий) дўкони бор. Валиевнинг шахсий (ёки хусусий) фирмаси бор", деган сўзларни кўп эшитган бўлсангиз керак. Демак, товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган шахсий мулкни **хусусий мулк** деб аташ ҳам мумкин экан.

**Хусусий мулк** - айрим соҳибларга қарашли ёлланма меҳнатга асосланган ва ўз эгасига фойда келтирувчи мулкдир. Турли шаклдаги мулкларнинг бирикиб кетиши натижасида **аралаш мулк** пайдо бўлади. Бу мулк алоҳида олинган объектнинг турли мулқдорлар иштироқида ўзлаштирилишини билдиради.

Товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи ҳар қандай ташкилот **корхона** деб аталади. Сиз билган завод ва фабрикалар, қурилиш бошқармаси, автомобил парки ва таъмирлаш устахоналари, жамоа ва фермер хўжаликлари, университет, институт, коллеж, литецей ва мактаблар, биржа ва банклар, касалхоналар, болалар боғчалари - бўларнинг ҳамма-ҳаммаси **корхона** деб аталиши мумкин. Чунки уларда нимадир ишлаб чиқарилади ёки қандайдир хизмат кўрсатилади.

Корхонада товар ишлаб чиқаришни амалга ошириш мураккаб ва серкирра жараён бўлиб, у одилона бошқаришни тақозо этади.

Маълумки, корхонада товар ишлаб чиқариш учун ишчи кучи, бино ва асбоб-ускуналар, хомашё ва материаллар, турли хил маълумотлар ва пул маблағлари зарур бўлади. Қанча ишчи кучи, қанча ва қандай хомашё ва материаллар керак? Қайси асбоб-ускуналардан фойдаланган маъқул? Ишлаб чиқаришни қайси технология бўйича юритган яхшироқ? Бўларнинг ҳаммаси учун қанча пул маблағлари керак? Ишлаб чиқариш жараёнида бу ва бунга ўхшашиб ўнлаб саволлар туғилади, уларни ечиш анча мураккаблашади. Шунинг учун ишлаб чиқариш жараёнини бошқариш лозим бўлади.

Корхонада товар ишлаб чиқаришни бошқариш жараёнини менежмент, иш билан шуғулланувчи мутахассислари **менежерлар** деб атасади.

Менежер-ёлланма профессионал бошқарувчидир.

Ривожланган давлатларда компания, банк, молия муассасалари ва уларга қарашли бўлинмаларнинг раҳбар ходимлари менежерлардир.

Менежерлар облигация заёмлари чиқариш (эмиссия) ва уни бозорда ўтказиш билан ҳам шуғулланадиган раҳбарлардир. Улар жамиятнинг маҳсус ижтимоий қатлами бўлиб маъмурий-хўжалик раҳбарлиги соҳасида ҳам маълум мустақилликка эга.

Бозор иқтисоди шароитида менежерларнинг роли ошиб бормоқда. Ўзбекистонда ҳам бу соҳа ходимлари кўпаймоқда. Хусусан Тошкент

иқтисодиёт дорилфунунида, Тошкент бошқарув ва сиёсатшунослик институтида ҳам менежерлар тайёрлаш йўлга қўйилмоқда.

Корхонада менежерлар одатда бир нечта бўлиб, улардан бири бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини бошқарса, бири хом-ашё ресурслари ва материаллар таъминотини бошқаради. Яна бири маҳсулот сифати ва ишлаб чиқариш технологиясини бошқарса, бошқа бири корхона ходимларини бошқаради ва ҳ.

**Бозорни ўрганиш, нархларни шакллантириш, маҳсулотни сотиш билан боғлиқ ишларни жамлаб, битта ном билан маркетинг деб аташади.** Маркетинг харидор еҳтиёжларини тўлароқ қондириш асосида товарлар ва хизматлар бозорида айрибошлиш жараёнларини жадаллаштиришга қаратилган кенг турдаги фаолият бўлиб, унинг асосий мақсади юқори фойда олишни таъминлашdir.

Маркетинг- бозор иқтисодиёти муносабатларининг етакчи тушунчаларидан бири. Маркетинг факат бозордаги талай эҳтиёжни қондириш воситасигина бўй Имай, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш учун, ҳам хизмат қиласи. Маркетинг бозор ҳолатини ўрганиш, уни олдиндан баҳолаш, товар ишлаб чиқариш ва сотиш орқали ундан яхши фойда олишни ҳам уюштиради. Маркетинг иши маҳсус дастурлар орқали амалга оширилади. Маркетинг қуидаги асосий қоидаларга амал қиласи:

1. Товарга нисбатан бозор талабини ўрганиш.
2. Товар ишлаб чиқаришга нисбатан корхонанинг имкониятини ўрганиш.
3. Харидорнинг талаб-эҳтиёжини тўла қондириш ва ўрганиш.
4. Мўлжалланган бозорда товарлар айтилган вақтда белгиланган миқдорда сотилишини ташкил қилиш.
5. Корхоналарнинг бозор йўналишига, харидор талабига мослашишини таъминлайди.

Товар ишлаб чиқарувчилар маркетинг туфайлигина бозор билан узвий боғланадилар, ишлаб чиқариш манбаларини бозорталаб товарлар яратишга қаратадилар. Замонавий бозоршунослар - маркетинг билан шуғулланувчи, менежерларнинг фаолияти, фирмалар ўртасидаги рақобат шароитида корхонанинг муваффақиятини таъминлашда катта аҳамият касб этади. Бу ўринда тўғри танланган, вақтида ўтказилган рекламанинг ўрни ҳам беқиёсdir. Менежментнинг - менежерларнинг биргалиқдаги хатти-ҳаракати, охир-оқибат, корхонани оқилона бошқаришга, ишлаб чиқариш ресурсларидан режали фойдаланиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини, меҳнат унумдорлигини оширишга қаратилган бўлади. Менежер қайси соҳани бошқармасин, у аввало одамлар билан ишлайди, уларни бошқаради. Менежернинг қўл остидаги ходимлар билан ўзаро муносабати, улар билан муомаласи умумий иш натижасига бевосита таъсир кўрсатади. Бунинг умумий муваффақияти охир-оқибат менежер билан ходимлар орасидаги инсоний муносабатларга бориб тақалади.

### **Мавзу юзасидан топшириклар:**

1. Мулкнинг қандай асосий шакллари бор?

- 2.Шахсий мулк қачон хусусий мулк деб юритилади?
- 3.Жамоа мулкига әгалик қилиш деганда нимани тушунасиз?
- 4.Корхона деб нимага айтилади?
- 5.Турли хил корхоналарга мисоллар келтириңг.
- 6.Менежмент нима? Менежерлар ким?
- 7.Корхонада менежерлар қандай соҳаларни бошқаради?
- 8.Маркетинг нима?

## **7.2.Мехнатни унумли ташкил этиш, тежамкорлик ва ишбилиармөнлик асослари.**

Мамлакатни иқтисодий ривожлантириши жадаллаштириш ва фуқароларнинг фаровонлигини ўстириш вазифаларини ҳал қилиш ижтимои ишлаб чиқариш самарадорлигини бутун чоралар билан ошириши таъозо этади. Ишлаб чиқариш самарадорлигининг юксалиши енг кам маблағ сарфлаб, энг катта хўжалик натижаларига эришиш демакдир. Бу еса ўз навбатида хўжалик ишлаб чиқаришга қўшилган, яъни хомашё, материал, ёқилғи, энергия, ишчиларнинг меҳнат ҳаки учун сарфланган ҳар бир сўм максимал даражада фойда келтирадиган йўсинда иш юритиш кераклигини билдиради,

Ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг иккита: экстенсив ва интенсив йўллари бор. **Биринчи йўл** корхоналарнинг, улардаги цехлар ва участкалар сонини, экин майдонларини қўпайтириш, янги ишчилами жалб қилиш, материаллар тўплаш ҳисобига ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан иборатдир. **Иккинчи йўл** эса янги мукаммал технологиядан, техникадан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил қилиш, интизомни мустаҳкамлаш, мавжуд ресурсларни тежаб ишлатиш орқали ўша натижага эришишдир.

Мамлакатимиз ҳалқ хўжалигини ривожлантиришда ишлаб чиқаришни иложи борича интенсивлаштириш учун зарур объектив шартшароитлар яратилди: иқтисодий потенсиал вужудга келтирилди, илмий тадқиқотлар кенгайтирилди, юқори малакали ишчи кадрлар, мутахассислар, олимлар, хўжалик раҳбарларини тайёрлаш яхшиланди. Ишлаб чиқаришни интенсивлаштирижда хўжалик масалаларини оқилона ҳал қилишда режалаштириш катта аҳамиятга эга. Ҳалқ хўжалиги режаларининг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, бўлар узоқ муддат йиллик режалардир.

Ҳар қандай корхона фаолияти режага асосланади. Юқори ташкилотлар корхоналар режасининг факат энг зарур кўрсаткичларини: маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва муддатини, буюмларнинг асосий турлари ҳамда бошқа баъзи нарсаларни тасдиқлади." Қолган масалалар бўйича корхона ўз ишини мустақил ҳолда режалаштиради.

Режада унинг энг муҳим қисми - маҳсулот ишлаб чиқариш билан бир қаторда янги техника ва технологияни жорий этиш муддатиари, меҳнат унумдорлигини ошириш, ишчиларнинг меҳнат ва майший шароитларини

яхшилаш, уларнинг малакасини такомиллаштириш каби вазифалар ҳам белгиланади.

Давлат ҳар қандай корхонани ташкил қилишда унинг ишлаши учун зарур бинолар, материаллар, техника, пул маблағлари ажратади. Корхона эса бўлардан фойдаланиб ишчиларни тўплайди, материаллар, асбоб-ускуналар сотиб олади, ўз маҳсулотларини реализасия қиласди, бошқа корхоналар билан шартномалар тузади, ўзининг молиявий ишларини юритади.

Ҳар бир буюм корхонага қанчадан тушади? Корхона ўзига берилган бинолар, иншоотлар, машиналар, станоклар учун давлатга аста-секин, қисмларга бўлиб қарзини тўлайди. Буни амоитизасия (нархини қоплаш) ҳаражатлари дейилади. Пулнинг бир қисми техниканинг жорий ремонтига, технологик мақсадларда ишлатиладиган энергияга кетади. Бкларнинг ҳаммаси асбоб-ускуналар таъминоти ва уларни ишлатишга қилинадиган ҳаражатлардир. Бўлардан ташқари буюмлар ишлаб чиқариш учун зарур хомашё ва яримфабрикаларга, ёқилғи-мойлаш материалларига ҳам пул тўлаш керак. Тайёрланган маҳсулотларни ташиб ва реализация қилиш ҳам муайян сарф-ҳаражатлари тақозо этади. Барча ишчи ва хизматчиларнинг меҳнати учун ҳам ҳақ тўлаш керак. Ҳаражатларининг бир қисми ёритиш, иситиш, бинолар таъминоти билан боғлиқдир.

Агар пул билан ифодаланган ана шу ҳаражатларнинг ҳаммасини ишлаб чиқарилган буюмлар сонига тақсимланса, корхонанинг ҳар бир буюмни ишлаб чиқариш ва реализасия қилишга кетган маблағи, яъни буюмнинг таннархи келиб чиқади.

Корхонада ишжаб чиқариш жараёнини тўғри режалаштириш ва амалга ошириш уни рентабелли (фойда келтирадиган), яъни маҳсулотни тайёрлаш ва реализасия қилиш учун кетган маблағни қоплашдан ташқари даромад (фойда) келтирадиган қилишни англатади.

Корхона фойдани қўпайтиришдан манфаатдорми? Фойда нималарга ишлатилади? Фойданинг анчагина қисми дайлат ихтиёрига ўтади (бу бюджетга ажратишдир). Улар янги заводлар, фабрикалар. тураг жойлар, рҳактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар, йўллар қуришга, ўқувчилар, студентларнинг таълимига, бошқариш аппарати ходимларининг маошига, барча кишилар учун медицина хизмати кўрсатишга, Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашга сарфланади, Фойданинг қолган қисмини корхонинг ўзи ишлатади. Бу фойда янги, замонавийроқ машиналар, станоклар олишга, ўз ишчилари учун тураг жойлар, дам олиш базалари, спорт иншоотлари, болалар боғчалари ва яслилар қуришга, илгор ишчиларни мукофотлашга, дам олиш уйлари ва санаторийлар йўлланмасига сарфланади. Демак, фойданинг қўпайишидан давлат ҳам, корхона ҳам, ундаги барча ишчилар ҳам манфаатдор.

Ҳаражатлардан кўра даромаднинг доимий ортиб бориши хўжалик ҳисобининг, хўжаликни режали юритиш методининг моҳиятидир. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ишлаб чиқаришга кетган маблағларни албатта қоплаши билан давлат қарамоғидаги муассасалардан фарқланади.

Хўжалик ҳисоби меҳнат жамоалари ишнинг охирги натижаси учун, маҳсулот сифати учун масъулиятини оширади, жамият билан ҳар бир ишчининг манфаатларини уйғунлаштиради. Ўз ҳаражатларини қоплаш ва ўзини маблағ билан таъминлаш ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятининг энг муҳим принципи бўлиб бормоқда.

Корхона хўжалик ҳисоби шароитида муваффақиятли ишлаши учун меҳнатни яхши ташкил этиш, тежамкорликнинг ғоят жиддий режими зарур. Бундаги вазифа хомашё, материал, ёқилғи, электр энергияси, ермулк ва ишчилардан кам микдорда фойдаланиб кўп маҳсулот олишдан иборат бўлиб, ишлаб чиқаришдаги тежамкорлик режимиининг маъноси ҳам ана шундадир. Бу режим оддий нарсалардан вужудга келади. Масалан, кераксиз пайтда лампочкалар ёниб турмаслиги, машиналар салт ҳолатда. ишламаслиги, асбоб-ускуналарга қаров (профилактика) ўз вақтида ўтказилиши, муддатини ўтаган асбоблар, деталлар алмаштириб турилиши, қириндилар, қипиқлар, қийқимлар ва бошқа чиқиндилар қайта ишланиб фойдали ҳамда зарур маҳсулотларга айлантирилиши керак.

Ишлаб чиқаришда буюмларни кам материал кетадиган қилиш, қиммат табиий материаллар ўрнига сунъий материаллар ишлатиш, буюмларнинг чидамлилигини ошириш, кам чиқиндили, ресурсларни иқтисод қиладиган технологияни жорий этиш орқали материаларни тежашга эришилади. Ҳар бир ишчининг иш вақтидан рнақсадга мувофиқ равищда (расионал) ва тўлиқ фойдаланиши - ишлаб чиқаришдаги тежамкорлик режимиини кучайтиришнинг асосий шартларидан биридир. Иш вақтидан бундай фойдаланиш бир йўла кўп маҳсулот тайёрлаш, шу орқали унинг таннархини арzonлаштириш ва корхонанинг фойдасини кўпайтириш имконини беради.

Иш вақти - меҳнат сарфлашнинг энг муҳим ўлчовидир. Меҳнат сарфлашнинг самарадорлиги эса меҳнат унумдорлигидир. У вақт бирлиги ичида тайёрланган буюмнинг микдорида ўз ифодасини топади. Меҳнат унумдорлиги, анчагина омилларга: янги техника ва илғор технологияни жорий этишга, ишларни яхшироқ ташкил қилиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, ишчиламинг малакасини ошириш ва х. орқали сарфланадиган иш вақтини қисқартиришга боғлиқ. Меҳнат унумдорлигини ошириш иқтисодий ўсиш ва халқ фаровонлиги юксалишининг асосий омилидир.

Давлатимиз иқтисодий сиёсатининг муҳим стратегик вазифаларидан бири кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобланади. Бинобарин бўлар ишбилармонликнинг яққол кўринишларидир. Бугунги қунда ушбу соҳа нафақат иқтисодиётнинг ўсиш суръатларини жадаллаштиришда, балки мамлакатимиз учун муҳим бўлган бандлик муаммосини ҳал қилишда ва аҳоли даромадларини оширишда ҳам етакчи ўрин тутмоқда.

Хусусий тадбиркорлик - бу иқтисодий фаолиятнинг алоҳида тури бўлиб, унинг замирида мустақил ташаббус, жавобгарлик, тадбиркорлик

гоясига асосианган, фойда олишга йўналтирилган, мақсадга мувофиқ фаолият ётади. Тадбиркорликнинг қуидаги хусусиятлари мавжуд:

- тадбиркор бозордаги талаб ва таклифни эътиборга олиб иш юритади;

-тадбиркор самарадорликни таърниловчи саъй-ҳаракатлар қилиб, ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш йўлларини қидиради;

-кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркор ўз маблағларини ҳаракатга солиб, бозорда қандай хавф-хатарга дуч келиши ёки якуний натижа қандай бўлишини аниқ билмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркор учун истеъмолчининг манфаатларига мувофиқ ҳаракат қилишдан бошқа истеъмолчига таъсир қилишнинг йўли йўқдир. Тадбиркорнинг ўзи истеъмолчининг талабини шакллантириши мумкин. Шунга қўра тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилишнинг 2 та усулини кўрсатиш мумкин:

- истеъмолчи манфаатини аниқлаш усули;
- истеъмолчига янги товар ва хизматиами "мажбуран қабул қилдириш" усули.

Тадбиркор ўзининг истеъмолчиларини шакллантиришда қуидаги асосий омилларни ҳисобга олиши зарур:

- товарнинг ёки хизматнинг янгилиги;
- товар ёки хизматларнинг сифати;
- товар ва хизматларнинг нархи
- товарнинг универсаллик даражаси;
- товарнинг ташки кўриниши, унинг харидор талабига мослиги;
- сотувдан кейинги сервис хизматларидан фойдаланиш имконияти;
- товарнинг қабул қилинган умумий ёки давлат стандартларига мослиги;
- товарлар ва хизматлар рекламасининг жозабалилиги, харидор дикқатини ўзига жалб қилиши ва бошқалар.

Тадбиркорнинг шахсий хусусиятлари, қобилиятлари, имкониятлари ва ишга доир сифатлари тадбиркорликнириг ҳаракатлантирувчи кучи бўлади.

Республикамизда инқирозга қарши чоралар дастурида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил этиш, бандиқ муаммосини ҳал қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим бърин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга, рағбатлантиришга ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2016 йилда 60 фоиздан ошди. 2000 йилда бу кўрсаткич 30 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан доимий равишда қўллаб қушатланаётганлиги самарасидир.

Ички бозорни сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш мулкдорлар синфини шакллантириш, янги иш ўринларини

яратиш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг муҳим омили бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни яида ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикасида 2011 йил "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинди. 2011 йилда "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик" Давлат дастурига мувофиқ ушбу соҳани ривожлантириш учун хусусий мулкчилик устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилди, тадбиркорларга кенг кенг эркинликлар берилди.

Истиқболда кичик бизнесни молиявий ресурслар билан таъминлаш йўналишида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

- молиялаштириш ва суғурта лойиҳаларини амалга киритишини кенгайтириш;
- лизингни кенг қўллаш;
- бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига имтиёзли кредитлаш ва микрокредитлаш;
- кичик бизнес субъектларига лизинг асосида ускуналар сотиб олишни маблағлар билан таъминлаш;
- тижорат банклари томонидан ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдириш, хизматлар кўрсатиш ҳажмини оширишга қаратилган кредитлар бериш механизмларини такомиллаштириш;
- маҳаллий хомашёдан маҳсулотлар тайёрлаш учун мамлакат ҳудудида кичик ускуналар яратишни давом еттириш.

2008-2015 йилларда кичик бизнес субъектларини моддий-техника таъминотини мустаҳкарлаш мақсадида биржа, аукцион ва ярмаркалардаги савдо доираси, замонавий техника ва технологиялар лизинги кенгайтирилади. Бунга еришиш учун республикамида ишлаб чиқарилаётган миниускуналар, технологияларнинг каталогини тузиш, ҳар бир тадбиркорлик субъектининг хомашё ва ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда эҳтиёжларини шакллантириш каби тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда кичик корхоналар томонидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўсишини яратилган имкониятларидан фаоллик билан фойдаланиш эвазига таъминлаш мумкин.

#### **Мавзу юзасидан топшириклар:**

1. Хўжаликни интенсив ва экстенсив юритишнинг фарқи нимада?
2. Нима учун ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш йўлига ўтилади?
3. Маҳсулотнинг таннархи нимада вужудга келади?
4. Мактаб устахонасида ишлаб чиқарилган буюм тан нархини арzonлаштиришнинг мумкин бўлган усувларини айтинг.
5. Мактаб устахонасида тежамкорлик режими қандай амалга оширилади?

### **7.3.Ёғочга ва металлга ишлов бериш жараёнлари билан уйғунлаштирилган халқ хунармандчилиги технологияси.**

Ёғоч уймакорлиги узбек халк амалий безак санатининг бир тури. Бунда бирор нақш ёки тасвир тахта ёки ёғоч буюмларга чизиб кесиб уйиб куйдириб ишланади. Бадий саънатнинг бу тури диярли барча халкларда мавжуд бўлиб кадимги шарқда антик дунё мамлакатлари архитектурасида кенг ишлатилган. Асрлар давомида Европа ва Осиё мамлакатларида ёғоч ўймакорлигининг ривожланиб ўзига хос бадий услублари шу сингари юртимизда хам ёғоч ўймакорлиги кадимдан ривожланиб уй-рузгор буюмларида ва меъморчиликда кенг қўлланилган. Бу уймакорлик кадимий архитектуранинг эшик, дарвоза, устунлар, тўсин, стол, хонтахта, қутича, рамка, қаламдон ва бошқа буюмларни безашда ишлатилиб келинган.

Ёғоч уймакорлигининг узига хос услуб ва усуллари бор масалан, хива ёғоч уймакорлиги уймасининг манументаллиги, ёғоч табиий рангининг саклаб колиши билан бошқалардан фаркланади.

Бухоро ёғоч уймакорлиги эса уйма нақшининг жозибадорлиги, жимжима нақшларини олтин, кумуш суви билан безатилиши, нақш заминида ранглардан фойдаланиши билан ажралиб туради.

Маргилон ёғоч уймакорлиги чукур заминли ясси ўймани қуллаб келганлар.

Тошкентда эса нақш билан копланган ясси буртмали, заминсиз чизма ёғоч уймакорлиги кенг таркалган. Ёғоч ўймакорлиги Кўқон, Хива, Самарканд, Тошкент мактабалари мавжуд.

**Ёғоч ўймакорлигига қўлланиладиган асбоблари.** Ёғоч ўймакорлигига турли асбоблар ишлатилиб улар узига хос ишларни бажаради. Ёғоч ўймакорлигидаги асбоблар икки турга бўлинади, яъни нақшни ўйиш учун ўйма қаламлар ва иккинчиси нақш қаламлар. Асбобларни шакли ва бажарадиган ишига караб исканаларнинг бир қанча хиллари бўлади. Масалан: морпеч, балик сирти, замин, ковза, чекма исказана ва бошқалар. Исканалар бажарадиган ишининг характеристига караб нов исказана,чув исказана (ўйишда), кингир исказана (тешишда) ишлатилинади.

**Металлга ишлов беришда қўлланиладиган халқ хунармандчилиги элементлари.**

Халқ хунармандчилиги асосида металларга бадий ишлов бериш механик усулда (ўймакорли, зарб) килиш хамда химояловчи безак қатлами билан безаш (сирлаш, зархаллаш, кумуш билан халлаш) усуллари билан амалга оширилади.

Зарб килиш – буюмга совуқлайн ишлов бериш, яъни шъамповка ёки ўйма тасвирга болға билан зарб бериш йўли билан бўртма тасвир хосил килиш жараёни. Бу ишлар қўлда ёки механизациялаштирилган холда бажарилиши мумкин. Зарб килинадиган материаллар сифатида олтин, кумуш, мис, алюминийлардан фойдаланилади.

Сирлаш – кулланиладиган материаллар иссик ва совук холда берилади. Сирлашджа қўлланиладиган эмаль иссик ва совук, шаффоф ва рангли бўлиши мумкин.

**Мавзу юзасидан топшириклар:**

1. Ёгоч ва металлга ишлов бериш жараёнлари халк хунармандчилиги ишлари билан уйғунлаштирилган холда бажарилишини тушуниринг.

#### **7.4. Ёғочга ишлов беришга оид халк хунармандчилиги соҳалари.**

Ўрта Осиёда наққошлиқ санъати қадимдан дунёга машхур. Ўтмишда ота-боболаримиз кўрган мухташам бинолар хозирги кунгача мафтункор жилвасини йўқотмаган. Юксак дид билан ишланган нақшлар бизни хайратга солиб келмоқда.

Миллий нақшларимиз нихоятда бой мазмунга эга. Оддий кошик, лаган, кутича, сандик, бешик, чолғу асблорлари, уй-рўзгорларидан тортиб турар жой ва жамоат биноларининг девор хамда шифтлариларига солинган нақшлар инсонни хайратга солади, уни уйлантиради. Бу гўзал нақшлар ажойиб наққошлар томонидан яратилган бўлиб асрлар давомида бунёд топди, ривожланди, мъеморчилик хамда тасвирий сънат боғланган холда такомиллашиб борди.

Нақш – арабча тасвир гул деган маънени англашади. Табиатдаги ўсимликлар күш ва жониворларга киёслаб чизилган шакл ва бошқа элементларни маълум тартибда тақрорланишидан хосил килинган безакдир.

Ганжкорлик, кандакорлик, каштадузлик, зардузлик, кулолчилик, заргарлик, гилам тикиш, тўқимачилик, панжаралар ва х.кларда хар хил йўллар билан нақшлар солинади. Маданиятнинг ривожланиши натижасида рассомлик ва наққошлиқ ажралиб чиқди хамда ривожланди. Наққошлиқ хар бир давлатнинг узига хос мухитида: географик урнига ўсимлик дунёсига кура ривож топди. Масалан: арман ва гурузинларда узум ва узум барги, қирғиз ва козокларда мол шохи, тожик ва ўзбекларда анор, бодом гуллари рамзий нақш тариқасида ишлатилинади.

Наққошлиқда ишлатилинадиган нақшлар тузилишига кўра - ислимий ва гирих нақшларга бўлинади.

Ислимий нақш – табиатдаги барг, дарахт, бута, балиқ ва х.к тасвирлар туширилади.

Гирих нашк – геометрик нақш турларидан бири бўлиб, жигал, тугун деган маънени англашади. Гирих нақш мураккаб нақш тури. У тўғри чизик, эгри чизик ва аралаш чизиклардан ташкил топган гирихга бўлинади.

**Мавзу юзасидан топшириклар:**

2. Юртимиздаги кенг таркалган нақш турларини изохлаб беринг.

## **7.5.Металлга ишлов беришга оид халк хунармандчилиги сохалари**

Мис буюмларнинг турлари:

Лавхоре – овалсимон ёки тўртбурчак мис лаганларнинг лаблари ён томонга қайрилган бўлади. Бу лаганлар ўсимликсимон, геометрик ва рамзий нақшлар билан жуда нафис қилиб безатилган.

Дулава - тухумсимон ёки туртбурчак шаклдаги мис лаганларнинг ён томонга қайрилиб яна давом этиб пастга қайрилган. Бу лаганлар хам жуда чиройли қилиб безатилган. Юз, қўл ювишда дастжўй ва офтобалар ишлатилади. Сув келтириш учун сатил, сув олиш учун сархум нон иситиш учун нондон ва бошқа рўзгор буюмлари шаклининг ўзига хослиги ўзига хос тузилишга эга.

Сархум – катта хумлардан сув олишда ишлатиладиган мис идиш шакли куружкага ўхшаш, лекин унинг хажми катта, банди эса жуда чиройли бўлади.

Шабака – мис идишларга майда қилиб тешиб ишланган панжара. Тошкентда сумбарно деб юритилади. Шабака бу мисгарликда техникавий услуг хисобланади.

Ўсма жушак - ўсма эзиб ва қош бўяш учун хамда турли буёкларда ишлатиладиган мис идишча. Бу идишчани учта оёғи хамда дастаси бўлади, уни кандакор ислимий нақшлар билан безайди, у узум барги шаклида хам бўлади.

### **Муҳокамо учун саволлар:**

- 1.Мис буюмларини турларини изохлаб беринг.

## **7.6.Металларга ишлов беришга оид касб-хунар турлари.**

Маълумки хар бир касб-хунарнинг ўзига хос атамалари номлари мавжуд. Ўтмишда металсозлик касбининг дегзерлик, темирчилик, пичокчилик, чилангарлик, такачилик, кулфгарлик, анжомасозлик, игначилик, михгарлик, мисгарлик ва заргарлик сингари сохалари бўлган. Металлардан ясаладиган буюмларни – моддий хаёт воситаларини ишлаб чикириш учун даркор бўлган иш куроллари: кундалик хаётда ишлатиладиган буюмлар, рузгор асбоб анжомлари; турад жой куриш учун зарур бўлган металл буюмлар; мудафоо куроллари; безак ашёларини ишлаб чикарганлар. Масалан: дегзерлик – омоч тиши, кетмон, белкурак, обдаста ясаш, қозон қўйиш иши билан шуғулланган. Тақачилик – баъзи хайвонларни оёғига қоқиладиган тақани ясаш билан шуғулланган. Кандакорлар – рихтагар усталар томонидан тайёрланган рўзгор буюмлари, куроллар ва бошқа металл буюмларни ўйма нақшлар билан безатган. Мисгарлик – мис идишларни ясаш уни безаш каби маъноларда қўлланган.

## **Адабиётлар ва манбалар**

1. Каримов И.А. Юксак маънавият - енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1997 й., 3-сон, 89-модда ва Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2008 й., 14-15-сон, 96-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 март, ПФ-1741-сонли "Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 1997й. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 4 июндаги 282-сонли "ҲУНАРМАНД" халқ хунармандлари уюшмасини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида"ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2005 й., 12-13-сон, 90-модда.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 март, ПФ-3588-сонли "Халқ бадиий хунармандчиликлари ва амалий санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. 2008 й., 14-15-сон, 96-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 апрелдаги ПФ-3983-сонли "Халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни рафбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони.
6. Узвийлаштирилган Давлат таълим стандарти ва ўкув дастури. - Т.: "Янгийўл полиграф сервис", 2010. -292 б.
7. Бўлатов С.С. Ўзбек халқ амалий безак санъати. Т.: Мехнат, 1991. ,
8. Калюга С.У., Чечел И.Д. Ишлаб чиқариш асослари. Касб танлаш. 1-2-қ. Т.: Ўқитувчи, 1988, 1989.
9. Каримов И., Эргашев С., Тоҳиров Ў.О. V-синфда меҳнат таълими дарсларида халқ хунармандчилиги ишларини ўрганиш. Услубий қўлланма. -Т.: Фан ва технология, 2009. -40 б.
10. Каримов Исмоил, Тоҳиров Ў.О. Мустақиллик – энг буюк неъмат: Дарс ишланма. Т.: 2012.
11. Тоҳиров Ў. "Тикувчилик ва дизайн" бизнес лойиҳаси -ўқувчилар тадбиркорлик қўнималарини шакллантириш омили сифатида. "Таълим ва технология": Илмий-услубий мақолалар тўплами. Т., 2012. Кс2 (17).-Б. 460-462.
12. Тоҳиров Ў. Меҳнат таълимини мазмунан модернизациялаш жараёнида графикли организерлардан фойдаланиш усууллари. "Таълим технологиялари": Илмий-услубий журнал. Махсус сон. Т., 2012. Б. 40-44.
- 13.Шарипов Ш., Шамсиева З. Меҳнат таълими фанидан узвийлаштирилган ўкув дастурлари асосида назорат ишларини ўтказиш бўйича методик тавсиялар (1-9 синфлар). Методик қўлланма. - Т.: РТМ, 2010. - 80 б.
14. Шодиев Н. Ишчи касблари. Т.: Ўқитувчи, 1992.
15. [www.lex.uz](http://www.lex.uz) интернет сайти.

## Мундарижа

Кириш-----4

### I. Фан ва ишлаб чиқариш

1.1. Технология ва дизайн фанининг мақсад ва вазифалари, Ўзбекистонда ишлаб чиқариш турлари-----	5
1.2. Ишлаб чиқаришда янги техника ва илғор технологиялар-----	8
1.3. Фан техника тараққиётини жадаллаштириш омиллари ва истиқболлари-----	12
1.4. Ишлаб чиқаришни тайёрлашга оид технологик хужжатлар-----	15
1.5. Янги техника ва илғор технология, унинг ифодаланиши – дарс лойихаси-----	19

### II. Ёғочлар ва уларга ишлов бериш технологияси

2.1. Ёғочнинг турлари ва унинг хусусиятлари-----	24
2.2. Ёғочга ишлов беришда режалаш-----	25
2.3. Ёғоч материалларини ўйиш ва йўниш усуллари, тешиш ва ёғоч буюмларни пардозлаш-----	27
2.4. Ёғоч материалларига ишлов берадиган қўл асбобларини тузилиши ва ишлаш принципи-----	29
2.5. Ёғочга ишлов бериш технологияси асосида уй-рўзгор буюмларини тайёрлаш-----	31
2.6. Ёғочга ишлов беришга оид халқ ҳунармандчилиги турлари бўйича иш усуллари-----	34
2.7. Ёғоч материалларига ишлов берувчи дастгоҳлар ҳамда электр ва механизациялаштирилган жиҳозлар-----	36
2.8. Машина, механизм элементлари уларнинг турлари. Ёғочга ишлов бериш станоклари ва уларнинг тузилиши-----	38
2.9. Технологик хариталар, уларни тузиш ва фойдаланиш-----	43

### III. Металларга ишлов бериш

3.1. Металл турлари ва уларни хусусиятлари-----	45
3.2. Металларга ишлов беришда ўлчаш, режалаш, дастлабки ишлов бериш асбобларини ишга тайёрлаш ва ишлаш усуллари-----	47
3.3. Металга ишлов бериш технологияси, металга ишлов бериш асбобларини ички қисмларини созлаш ва таъмирлаш-----	49
3.4. Металларга ишлов беришда қўл ва электр асбобларини тузилиши ишлаш принципи. Металларни режалаш, арралаш, кесиш, эговлаш ва зубила билан ишлаш-----	53
3.5. Металга ишлов беришда қўлланиладиган дастгоҳлар ҳамда элекро механизациялаштирилган жиҳозлар-----	54
3.6. Машина, механизм элементлари ва турлари. Металларга ишлов беришга оид халқ ҳунармандчилиги турлари бўйича иш усуллари-----	57
3.7. Технологик хариталар, уларни тузиш ва фойдаланиш-----	58

#### **IV.Үй-рүзғор асослари**

4.1. Пол қопламалари ҳамда мебелларнинг лакланган қопламали юзаларини сақлаш тадбирлари, кичик таъмирлаш иш усуллари-----	60
4.2. Юртимиз меъморчилиги тарихи. Хона интерери ҳамда жиҳозланиш дизайнни. Замонавий тараққиёт йўналишлари-----	60
4.3. Хона ва фанлар бўйича ўқув хоналарида мебель ва қўшимча жиҳозларини жойлаштиришсхематик таъсири ҳамда схематик эскизлари тайёрлаш технологияси-----	62

#### **V.Мехнат муҳофазоси**

5.1. Мехнатни муҳофазо қилиш, қонун ва низомлари, техника хавфсизлик асослари -----	64
5.2. Ишлаб чиқаришда хавфсиз меҳнат қилиш шароитини яратиш-----	66
5.3. Инструкциялар билан танишиш турлари, ходимларни асосий меҳнат хукуқ ва бурчлари, ишлаб чиқаришда санитария-гигиена қоидалари----	67

#### **VI.Халқ ҳунармандчилиги технологияси**

6.1. Халқ ҳунармандчилигига фойдаланиладиган нодир материаллар---	68
6.2. Халқ ҳунармандлари томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилгаётган маҳсулотлар -----	75
6.3. Замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабати билан узвийлиги-77	
6.4. Ўлчаш ва таққослаш технологиялари стандартлари-----	81
6.5. Композиция ва композицион яхлитлик-----	84
6.6. Маҳсулот чиқариш ишларини назорат қилиш, ҳунармандчилик буйича кўргазма ва танловларни ташкил қилиш, иштирокчиларни танлаш қоидалари-----	88
6.7. Ҳунармандлар томонидан экспорт ва ички бозор учун ишлаб чиқарилган маҳсулот-----	91
6.8.Халқ ҳунармандчилигига оид танланган битта касб-ҳунар турлари—94	

#### **VII. Ишлаб чиқариш асослари**

7.1. Мулкчилик турлари, маркетинг ва менежмент фаолиятининг ривожланиши-----	98
72. Мехнатни унумли ташкил этиш, тежамкорлик ва ишбилиармонлик асослари-----	101
7.3. Мехнатни унумли ташкил этиш, тежамкорлик ва ишбилиармонлик асослари-----	106
7.4. Ёғочга ва металлга ишлов бериш жараёнлари билан уйғунлаштирилган халқ ҳунармандчилиги технологияси-----	107
7.5. Ёғочга ишлов беришга оид халқ ҳунармандчилиги соҳалари-----	108
Фойдаланилган адабиётлар-----	109

Б.Курбанов

Технология ва дизайн дарсларини ташкил этиш  
Ўқув қўлланма

Дизайнер ва компьютерда  
тайёрловчи:

Гуллола Курбанова

Гулистан шахри 4-мавзе

Гулистан давлат университети

Университет босмахонасида чоп этилди: